УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

КАРШИ МУХАНДИСЛИК – ИКТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

# «кишлок хужалик корхоналар фаолиятини режалаштириш»

(Маърузалар матнларининг туплами)

**Карши шахри - 2004 йил.**



www.qmii.uz/e-lib

**Тузувчи:** **и.ф.н. Ш.Ш.Файзиева**

**Такризчилар:** **ТДИУ “Микроиктисодиёт ва агробизнес” кафедраси мудири, профессор Б.Т.Салимов**

**Иктисод фанлари номзоди И.Э.Турсунов**

Маърузалар матнлари туплами “Иктисодиёт” ва “Менежмент” таълим йуналишидаги бакалаврлар учун мулжалланган булиб, унда ушбу фан буйича таълим стандартлари ва намунавий дастурда кузда тутилган барча маърузаларнинг асосий мазмуни ёритилган.

Ушбу маърузалар матни “Иктисодиёт ва менежмент” кафедрасида (2004 йил_____№____мажлис баёни) ва «Иктисодиёт» факультети услубий комиссиясида (2004 йил ____№___мажлис баёни) куриб чикилган ва маъкулланган.

Маърузалар матни туплами КМИИ нинг услубий кенгаши
(2004 йил _____№_____мажлис баёни) томонидан укув жараёнида фойдаланишга тавсия этилган.

## Аннотация

Ушбу маъруза матнида кишлок хужалик корхоналари фаолиятини режалаштиришнинг ва кишлок хужалик корхоналарида ишлаб чикаришнинг



www.qmii.uz/e-lib

самарадорлигини ошириш йуллари, ташкилий, хукукий асослари атрофлича куриб чикилган. Кишлок хужалигида ердан самарали фойдаланиш, экинлар хосилдорлигини режалаштириш, дехкончилик ва чорвачилик тармокларини режалаштириш, ялпи ва товар махсулот етиштириш, кишлок хужалигида мехнат ресурсларидан окилона фойдаланиш ва мехнатга хак тулашни режалаштириш, кишлок хужалик корхоналарида ишлаб чикариш харажатлари ва махсулот таннархини режалаштириш замонавий техника-технологиядан фойдаланиш, киишлок хужалик махсулотларини сотиш буйича шартномалар тузишни режалаштириш хакида тулик баён этилган.

Ушбу маърузалар матнида кишлок хужалик корхоналари фаолиятини режалаштирган холда иктисодий самарадорликка эришиш масаласига эътибор каратилган.

Ушбу маърузалар матни иктисодиёт таълим йуналишида таълим олаётган талабалар учун мулжалланган.

## Аннотация

В данном тексте лекций полностью предусмотрено планирование деятельности сельскохозяйственнух предприятий и способу повушения экономической эффективности сельскохозяйственнух предприятий, а также их организационнуе и юридические основу. В тексте лекций полностью изложено эффективное пользование земли в сельском хозяйстве, планирование плодородности (урожайности) посева, планирование отраслей – земледелия и животноводства. А также производство валовой и товарной продукции, разумное использование трудовух ресурсов в сельском хозяйстве и планирование оплату труда. В тексте лекций изложено планирование себестоимости продукта и производительнуе расходу сельскохозяйственнух предприятий; использование новой технологии, планирование заключения договора по реализации сельскохозяйственнух продуктов.

Главное внимание уделено к вопросам достижения экономической эффективности деятельности сельскохозяйственнух предприятий с помощью планирования.

Этот текст лекций предназначен для студентов экономического факультета по направлениям экономики.

## Annotation

In this text of lectures was completely foreseen planing of agricultural activity and their organization and juridical basis. In this text of lectures was completely given an account of effective using land in agriculture, planning of sowing crops, planning of agriculture and stockbreeding branches. In this text of lectures also was given an account of gross and commodity production, intelligence using of labor resources in agriculture and planning of pay. In this text of lectures was given an account of planning prime and expenses of agricultural enterprises, using of modern technology, planning conclusion of realization agricultural production.

Principal attention was paid to questions of agricultural economic achievements.

This text of lectures is for economic faculty students.

## «Кишлок хужалиги корхоналари фаолиятини режалаштириш» фанининг соатлар буйича таксимланиши



www.qmii.uz/e-lib

| № | Маъруза мавзуларининг номи | Соат |
|---|---|---|
| 1 | Кишлок хужалик корхоналари фаолиятини режалаштириш фанининг мазмуни ва асосии вазифалари | 2 |
| 2 | Кишлок хужалик корхоналарида ишлаб чикаришни режалаштиришнинг ташкилий - иктисодий асослари | 2 |
| 3 | Кишлок хужалиги корхоналарида ички режалаштиришнинг турлари ва уларнинг мазмуни | 2 |
| 4 | Кишлок хужалиги корхоналарида ишлаб чикариш воситаларини режалаштириш ва улардан фойдаланиш | 2 |
| 5 | Кишлок хужалигида ердан самарали фойдавланишни режалаштириш | 2 |
| 6 | Экин майдонлари ва кишлок хужалик экинларининг хосилдорлигини режалаштириш | 2 |
| 7 | Кишлок хужалигида дехкончилик тармогини режалаштириш | 2 |
| 8 | Чорвачилик тармоклари фаолиятини режалаштириш | 2 |
| 9 | Кишлок хужалигида ялпи ва товар махсулот етиштиришни режалаштириш | 2 |
| 10 | Кишлок хужалигида мехнат ресурсларидан фойдаланишни режалаштириш | 2 |
| 11 | Кишлок хужалигида мехнатга хак тулашни режалаштириш | 2 |
| 12 | Кишлок хужалик корхонасининг МТПдан фойдаланишни режалаштириш | 2 |
| 13 | Кишлок хужалиги корхоналарида махсулот таннархини режалаштириш | 2 |
| 14 | Кишлок хужалик корхонасининг махсулотларини сотиш буйича шартномалар тузишни режалаштириш | 2 |
| 15 | Кишлок хужалик корхонасида ишлаб чикаришнинг замонавий технологиядан фойдаланишни режалаштириш | 2 |
| | **Жами:** | **30** |

## КИРИШ

Узбекистон Республикаси бозор иктисодиётига утиши муносабати билан узининг иктисодиётини мустахкамлашига кенг йул очиб берди. Бунинг учун халк хужалигининг барча

сохаларида ишлаб чикаришни юкори суръатлар билан ривожлантиришга эришиш лозим. Айникса, республикамиз аграр мамлакат хисобланганлиги учун кишлок хужалигини ривожлантириш зарур.

Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек, «Бугун жамиятимиз шуни англаб олдики, хаётимизни яхшилаш, ахоли турмуш даражасини кутариш, иктисодиётимизнинг самарадорлигини ошириш, халкимизни бокиш, истикболимизни режалаш - хуллас кандай муаммо, кандай масалани курмайлик, уларнинг аксарияти биринчи навбатда кишлок хужалигига бориб такалади. Хаммамизни бокадиган, озука берадиган соха - кишлок хужалиги тармокларидир.

Мана шунинг учун хам, модомики фаровон хаёт курмокчи эканмиз иктисодий ислохотни аввало, кишлок хужалиги, кишлок хаети сохасидан бошлашимиз лозим.

Максад - кишлок хужалиги сохасида ишлаб чикариш самарадорлигини ошириш, кишлокларда муносиб шарт-шароитларни яратишдан иборат булмоги керак.

Мамлакат иктисодиётини мустахкамлаш максадида халк хужалигининг барча тармокларида ишларни тартиб билан амалга оширишга асосланиш лозим. Собик Иттифок даврида Давлат режа кумитаси мавжуд булиб, ушбу режа кумита оркали ишлаб чикариш марказлашган холда режалаштирилар эди.

Хозирги кунда эса унинг урнига истикболни белгилаш ва статистика Давлат кумитаси ташкил килинди.

Кишлок хужалик корхоналари фаолиятини режалаштириш фан хам шу кумитага асосланиб, узининг йиллик бизнес режаси асосида иш фаолиятини режалаштириб амалга ошириб боради.

Ушбу маърузалар матнида асосий мавзулар устида кискача тухталиб утилади.

## 1-МАВЗУ: КИШЛОК ХУЖАЛИК КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ФАНИНИНГ МАЗМУНИ ВА АСОСИИ ВАЗИФАЛАРИ

### РЕЖА:

1.1. Бозор иктисодиёти шароитида фаннинг тутган урни ва ахамияти.
1.2. Фаннинг асосий максади ва мохияти.
1.3. Фаннинг асосий вазифалари ва уни урганиш услублари.


www.qmii.uz/e-lib

1.4. Кишлок хужалиги ишлаб чикаришнинг узига хос хусусиятлари.
1.5. Кишлок хужалик корхоналари фаолиятини режалаштиришнинг ташкилий вазифалари.

**Адабиётлар: 1, 3, 4, 7, 8, 14, 17, 19, 20**

**Таянч иборалар:** бозор, бозор иктисодиёти, мехнат иктисоди, ишлаб чикариш, режалаштириш, кишлок хужалиги, ишлаб чикариш самарадорлиги, талаб ва таклиф, ишлаб чикариш воситалари.

### 1.1.Боэор иктисодиёти шароитида фаннинг тутган урни ва ахамияти.

Кишлок хужалик корхоналари фаолиятини режалаштириш бозор иктисодиёти шароитида булаётган иктисодий узгаришларга мос холда амалга оширилиши лозим, фаннинг ахамияти тугрисида тухталадиган булсак, бозор шароитида ишлаб чикаришни талаб ва таклиф аоосида амалга ошириш лозим булади. Режалаштирилаётган ишлар кам харажатлар сарфлашни ва купрок даромад олинишига жавоб бериши керак, ушбу фан бозор иктисодиёти шароитида урганилаётган барча иктсодий фанлар билан хамда кишлок хужалик иктисоди, мехнат иктисоди, кишлок хужалик корхоналари фаолиятини ташкил килиш ва тахлил килиш, кишлок хужалик статистикаси каби фанлар билан узаро боглик.

Бозор хужалиги инсоният ва жамиятнинг ва умаман ишлаб чикаришнинг юз йиллар давомида ривожланиши махсули, натижаси булиб, у умуминсоний бойликдир. Бозор хужалиги товар ишлаб чикариш мавзусига кириб, истеъмолчи ва ишлаб чикарувчилар уртасидаги муносабатларни мажассамлаштирувчи иктисодий холатдир. Узбекистонда кишлок хужалиги энг ахамиятли сохалардан бири булганлиги учун бозор иктисодиёти шароитида кишлок хужалик махсулотларини етиштириш, истеъмолчига етказишгача булган жараённи кишлок хужалиги корхоналари фаолиятини режалаштириш фани урганади.

Кишлок хужалиги республикамиздаги барча халк хужалиги тармокларида етиштириладиган ялпи ижтимоий махсулотнинг 26% ни, халк хужалиги тармокларида ишлаб чикариладиган барча миллий даромаднинг 43,3 %ни бермокда. Кишлок хужалининг ялпи ижтимоий махсулот ва миллий даромаддаги улуши усиш тенденциясига эга. Лекин куп йиллардан бери кишлок хужалик тармоклари – дехкончилик ва чорвачиликка ахамиятнниг кескин ошганлиги кишлок хужалик корхоналари фаолиятини режалаштириш фанининг урнини алохида ажратиб куйди. Ушбу фан кишлок хужалик корхоналари фаолиятини ташкилий вазифаларидан тортиб то кишлок хужалиги сохасида мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш йулларигача, кишлок хужалик корхоналарида замонавий техника технологияларидан фойдалангандан тортиб то кишлок хужалик махсулотларини сотиш ва шулар юзасидан шартномалар тузишни режалаштиришгача урганади.

### 1.2.Фаннинг асосий максади ва мохияти.

Кишлок хужалиги корхоналари фаолиятини ташкил килиш, режалаштириш ва бошкариш фани айрим олинган корхоналарда иктисодий конунларни амал килишнинг узига хос хусуиятларини ва бу коннуларни харакат килиш механизмини ва бу кучлардан


www.qmii.uz/e-lib

фойдаланган холда корхоналарни максадга мувофик ташкил килиш ва юритиш йулларини, усулларини ургатади.

Ташкил килиш режалаштириш фани олдига куйган максадни таъминлаш учун куйидаги вазифаларни хал килиш керак:

1. Мулкни турли шаклларга асосланган корхоналар ташкил этиш ва уларни иктисодий жихатдан мустахкамлаш йулларини белгилаш ва асослаш.
2. Ташкил килиш, режалаш фани техник - иктисодий фан сифатида ишлаб чикариш жараёнларида содир буладиган конуниятларни аниклаш ва шу оркали ишлаб чикариш жараёнларига иктисодий бахо бериш йулларини ва усуллирини ишлаб чикади ва жорий килади.
3. Ташкил килиш, режалаштириш ва бошкариш фани мехнатнинг юкори унумлилигини таъминлаш омилларидан бири булган мехнат таксимотини ифода этувчи ишлаб чикарувчи жараёнларни ихтисослаштириш ва тармокларни узаро боглаб бориш жараёнининг энг мукобил усуллирини ишлаб чикади ва жорий килиш йулларини курсатиб беради.

Бу фан корхонада мехнатни ташкил этиш ва уни рагбатлантиришнинг энг мукаммал тизимини ишлаб чикариш ва жорий килиш йулларини курсатиб беради.

### 1.3.Фаннинг асосий вазифалари ва уни урганиш услублари.

Фаннинг асосий услуби диалектек материализм, иктисодий хисоб тахлиллари, монографик, иктисодий математик-статистик баланс хисоблари тажрибалар тахлили ва бошка услубларга булинади. Ушбу фанинг асосий вазифаси кишлок хужалик ишлаб-чикаришни режалаштиришда барча тармоклар буйича юкори ривожланиш натижасига эришиш учун кам харажат ва мехнат сарфлаб купрок махсулот олишга эришишдир. Режа ишларни тартибли равишда бажариш тушунилади. Ишлаб чикаришни режалаштиришда утган йилги натижапарга амал килиш хисобот йилидаги имкониятларни хисобга олиш хамда хужаликдаги кутилаётган натижаларни чукур тахлил килиш лозим. Ишлаб чикаришни етарли даражада, хом-ашё ресурслари билан таъминлаш. Ишлаб чикаришни янги техника ва технологиялар хамда ишлаб чикариш воситалари билан таъминлаш. Мехнат ресурсларини тугри жойлаштириш. Ишлаб чикаришни молиявий маблаг билан таъминлаш. Ишлаб чикариш самарадорлигини ошириш максадида илгор тажрибалардан фойдаланиш. Бундан ташкари ишлаб чикаришни режалалаштиришда бошкариш хам мухим уринни эгаллайди. Бошкарилаётган хар бир булинма узларининг зиммасига 4 та асосий вазифага амал килиши лозим:

1. Умумий коидалар
2. Вазифалар
3. Жавобгарлик
4. Хукуклар

Кишлок хужалигини режалаштиришнинг асосий услублари сифатида куйидагиларни хисоблашимиз ва улар ташкилий вазифа зарурлигини белгилашимиз лозим.


www.qmii.uz/e-lib

1. Норматив усул бунда ишлаб чикаришга сарфланадиган мехнат ва ишлаб чикариш воситалари корхонасининг илмий жихатдан асосланишига амал килади. Улар куйидаги узининг гурухларига булинади:

• бажариш нормаси;

• асосий ишлаб чикариш воситаларининг ишлаш куввати умумий ер майдонини хайдаш микдори ва бошкалар;

• оборот фондларнинг фойдаланиш микдори яъни ёкилгининг сарфи, уруглик, озуканинг, минерал угитларнинг ва бошкаларни сарфлаши;

• ишлаб чикаришдаги хом-ашё ёкилги, уруглик, озука, минерал угит ва бошкаларнинг захира микдори;

• Рентабеллик даражаси.

2. Баланс усулида ишлаб чикаришдаги сарфланаётган харажатлар ва унинг эвазига олинаётган даромаднинг мутаносиб келиши эътиборга олинади.

3. Вариант хисоблаш. Ушбу усулда ишлаб чикаришни ташкил килишнинг бир канча вариантлари тавсия килиниб уларнинг энг самарали турлари танлаб олинади.

4. Монографик усул. Бунда иш турлари биронта корхона мисолида ишлатилганлиги хамда унинг юкори натижа берганлигига караб танланади, яъни мехнатни ташкил этиш, илгор технологияни ёки комплекс механизация танлаб олиниши мумкин.

5. Статистик услуб. Бунда хужаликнинг бир канча булинмалари гурухларга ажратилиб табиий шарт-шароити кишлок хужалик хосилдорлик даражаси ёки чорва молларнинг махсулдорлиги махсулот таннархи тахлил килиниб уларнинг аник ракамлари жорий йил учун кулланилади.

6. Иктисодий математик усул. Бунда корхонанинг ишлаб чикариш фаолияти иктисодий жихатдан ривожаланиш курсаткичи ЭХМлар оркали узатиб бориш кузда тутилади.

7. Тугридан-тугри хисоблаш ва тахлилларни танлаб олиш усули.

Ишлаб чикаришдаги бу усуллар халк хужалигининг аник сохаларига мос келади. Чунки табиий иклим шароити ва бошка таъсирларсиз давом этадиган ишлаб чикаришда иш усулларини куллаш ва натижани билиш мумкин. Режа тузишнинг асосий боскичларида доимий узлуксизлик унинг услубида айтилгани каби мавжуд булиши керак.

### 1.4.Кишлок хужалиги ишлаб чикаришнинг узига хос хусусиятлари.

Кишлок хужалик ишлаб чикариши куйидаги узига хос хусусиятларга эга:

1. Кишлок хужалик ишлаб чикаришининг асосини биологик жараён ёки биологик усул ташкил этади. Бунинг мохияти шундан иборатки кишлок хужалигида махсулот етиштириш жараёни киши мехнатини мехнат предметларига бевосита таъсир этишдан иборат булмасдан, балки мехнат предмети сифатида катнашаётган усимликлар ва чорва молларинингу сиши ва ривожланишига таъсир этувчи шароитларни яратишдан иборат булади:
2. Кишлок хужалиги ишлаб чикаришида усимликлар ва чорва молларини талаб этган биологик шароитларни табиий кучлардан фойдаланган холда кондириш мумкин.

Кишлок хужалигидаги ишлаб чикариш жараёнларини амалга оширишда табиий кучлардан фойдаланиш бу кучларни табиат конунларига кура маълум мавсумларда содир

булгани учун ишлаб чикариш мавсумий характерга эга булади. Бунинг натижасида мехнат сарф килиш, махсулот етиштириш мавсумий булиб, корхонани молиявий холатига маълум даражада таъсир этади.

Кишлок хужалиги ишлаб чикариши кенг худудларда ва очик шароитларда олиб борилиши хамда бу шароитларда мехнат ва ишлаб чикариш воситаларидан фойдаланишга таъсири булади.

Кишлок хужалиги моддий ишлаб чикаришининг дастлабки ва йирик сохаларидан булиб, мамлакат ахолисини озик-овкатга, саноатни эса хом ашёга булган талабини кондириш керак. Шунга кура кишлок хужалиги тараккиёти мамлакат учун хам иктисодий, хам ижтимоий, хамда сиёсий ахамиятга эга.

Иктисодий нуктаи назардан бу соха ахоли ва кайта ишлаш санаоти эхтиёжларини кондириш билан бирга мамлакат миллий даромадининг 1Г4 кисмини, инвестициянинг 30 % дан ортигини, валюта тушуминининг эса 55% дан ортигини беради. Бундан ташкари мамлакат ахолисининг 60% дан ортиги кишлокларда яшайди, мехнатга лаёкатли ахолининг мехнат билан банд кисми 45 % ни ташкил этади. Бу курсаткич ривожланган мамлакатларда 4-5 фоизни ташкил килади. Шунинг учун энг ижтимоий масала ахолини иш билан банд килиш, кишлок билан шахар уртасидаги, оддий мехнат билан индустрлашган мехнат уртасидаги мухим тафовутларни тугатиш кишлок хужалигининг асосий вазифаларидан бири хисобланади.

Кишлок ахолисининг моддий турмуш даражаси, умуман мамлакат ахолисининг озик-овкатлар билан таъминлашини, уларнинг кадриятини, сиёсий тузумга булган муносабатини ифода килади. Шунинг учун кишлокда амалга оширилаётган ислохотлар ва уларни муваффакиятли, ислохотлар мохияти одамларни янги муносабатларга булган ишончини ифода килади.

«Энг мухими бу - муаммонинг сиёсий жихатидир. Бугун биз шуни тобора чукур англаб етаяпмизки, жамиятимизнинг умуман янгиланиши, демократик жараёнларни ривожланиши куп жихатдан кишлок хужалигида ислохотлар нечогли самарали кечаётгани, кишлок хаётини барча жабхаларига нечогли чукур кириб бораётгани билан боглик» И.А.Каримов.

### 1.5. Кишлок хужалик корхоналари фаолиятини режалаштиришнинг ташкилий вазифалари.

Кишлок хужалик корхоналари фаолиятини режалаштиришда сарфланаётган маблагларни самарали булиши учун унинг имкониятларидан фойдаланиш лозим. Бажариладиган ишларни механизациялаш ва бошка ёрдамчи ишлаб чикариш фаолиятини яхши йулга куйишдан иборат. Шунда режалаштириш асосий вазифаси хал килиниши мумкин.

Кишлок хужалик корхоналари фаолиятини режалаштиришни ташкилий вазифаларини бажариш катта ахамиятга эга. Бунда энг аввало унинг принципларига амал килиш керак. Ушбу принципларни ишлаб чикаришда юкори самарага эришиш учун куйидаги шартларга риоя килиш керак:

- ишлаб чикаришда узлуксиз узаро богликликка;
- ишлаб чикаришнинг энг юкори самарага эришиши йулларини аниклашга;
- режаларнинг илмий жихатдан асосланишига;



www.qmii.uz/e-lib

- узаро тенгликка;
- тузилган режаларни бажарилишини назорат килиниши.

Кишлок хужалик ишлаб чикаришини режалаштиришнинг асосий вазифаси кишлок хужалик махсулотларини ишлаб чикаришни купайтириш, шу билан ахолининг озик-овкат махсулотларига ва саноатнинг хом-ашёга булган талабини кондиришдан иборатдир. Давлат кишлок хужалик махсулотлари тайёрлаш, кишлок хужалигини модиий-техника базаси билан таъминлаш, бахо, кредит ва бошка тадбирлар оркали уни режали равишда бошкариб боради. Хужалик режалаштириш системаси оркали саноат ва кишлок хужалигининг ривожланиш суръатларини, хужаликларнинг товар махсулоти хажмини белгилайди. хужаликлар тугри ривожланиши учун моддий манфаатдорлик принципларини изчиллик билан амалга оширади. Кишлок хужалик корхоналари давлатга чорвачилик ва дехкончилик махсулотлари топшириш хамда хужаликлар ишчиларнинг бу махсулотларга булган эхтиёжини таъминлаш маълумотларга караб, шунингдек, чорва моллари бош сони уларнинг махсулдорлигини, хар бир экин майдони хажмини уз хужаликларининг тупрок иклим шароитларини хисобга олган холда берилган топширикнинг бажарилишини таъминлашга каратилган зоотехника, агротехника тадбирларини белгилаб олишлари керак. Хужалик тарккиётининг бир неча йилларга мулжалланган вазифаларини, суръатларини ва прорпорцияларини белгилайди ва бу топширикларни йилларга таксимлайди. Перспектив режаларни ташкилий хужалик ривожлантириш режаси, ижтимоий ривожланиш режаси ва 3-5 йиллик режалар киради. Ташкилий хужалик ривожланиши режаси бир канча йилга тузилиб, корхонани рационал равишда кайта ташкил этиш масалаларини уз ичига олади. Бунда хужаликнинг ривожланишига оид барча масалалар хал этилади Кишлок хужалик махсулотларини етиштириш ва давлатга топшириш. Бозор иктисодиёти шароитида бир канча янгиликлар асосида амалга оширилиши лозим. Бу масала буйича ишлаб чикаришни режалаштиришда куйидагиларга эътибор берилиши керак:

1. Кишлок хужалик корхонасининг ихтисослашганлиги
2. Хужаликда яшовчи ахолининг ва мехнат ресурсларнинг таркиби ва эхтиёжлари
3. Махсулот етиштирувчи хом-ашё ва технологик жараёнларнинг мавжудлиги
4. Етиштирилган махсулотни сифатли даражада булиши учун мавжуд имкониятлар ва махсулотни реализация килишдаги техник ахвол.

Кишлок хужалигида ишлаб чикаришни режалаштириш муаммолари сифатида куйидагиларни айтиш мумкин:

1. Кишлок хужалигида ишлаб чикаришни самарали амалга ошириш учун молиявий маблаг масаласини хал килиш керак. Бунда чет эл инвестициясини кишлок хужаликлар корхоналари учун жалб килинишига эътибор каратиши керак.

2. Тадбиркорлар ва мулк эгалари синфини мустакил хамда уз хусусий ишларига эгалик кисми тоифаларини шакллантириш керак. Бунда президентимиз айтганидек, кишиларнинг мехнатга муносабатини узгартириш хакикий мулкдорлар ижара шартномаси асосида узларига берилган ерга етиштирилган махсулотга эгалик килиш туйгусини карор топтириш керак.

3. Ишлаб чикаришни учун зарур булган техника билан таъминлаш, эхтиёт кисмларни етказиб бериш ва хом-ашё ресурслари билан таъминлашни яхшилаш лозим. Ушбу ишларни


www.qmii.uz/e-lib

амалга оширилмаганлиги учун 1999 йил ширкат хужаликларнинг 17,3% шу йилни зарар билан якунлади. Хозирги кунда уларнинг сони 963 тага етган.

### Мавзу буйича назорат саволлари:

1. КХКФР фанини урганишдан асосий максад нима?
2. Фанни урганишда кандай услублардан фойдаланилади?
3. Бозор иктисодиёти шароитида фаннинг олдида турган асосий вазифаларга нималар киради?
4. КХКФР фанининг халк хужалигидаги ахамияти нимада?
5. Фаннинг мохияти ва мазмуни деганда нимани тушунасиз?
6. КХКФР фани кандай масалаларга боглик?
7. Бозор шароитидаги корхоналар фаолиятини режалаштиришнинг аввалги режалаштиришдан фарки нимада?
8. Фаннинг олдида турган муаммоларга нималар киради?
9. Муаммоларни кандай бартараф этиш мумкин?
10. КХКФР фани кайси фанлар билан узаро боглик?

## 2-МАВЗУ: КИШЛОК ХУЖАЛИК КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИКАРИШНИ РЕЖАЛАШТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ - ИКТИСОДИЙ АСОСЛАРИ

### РЕЖА:

2.1. Кишлок хужалиги корхоналарида ишлаб чикаришни режалаштириш принциплари ва вазифалари.
2.2. Кишлок хужалигида ички хужалик режалари.
2.3. Кишлок хужалигида жорий режалар.
2.4. Хужаликларда истикбол режалар тузишнинг максади.
2.5. Ташкилий-хужалик ва ижтимоий ривожланиш режаси.

**Адабиётлар: 1, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 11, 21, 42, 47**

**Таянч иборалар:** режа, оператив режа, жорий режа, истикбол режа, баланс, кишлок хужалик корхоналари, шартнома, назорат, лойиха, товар махсулот.

### 2.1.Кишлок хужалиги корхоналарида ишлаб чикаришни режалаштириш принциплари ва вазифалари.

Узбекистоннинг ягона хужалик системаси турли сохалардаги корхоналарни уз ичига олиб, бу корхоналар шу системанинг бошлангич бугини хужайрасини ташкил этади. Бу йирик ва мураккаб хужалик системаси ижтимоий мулкка асосланганлиги жамиятнинг хамма

аъзоларининг манфаатларини кондиришга каратилганлиги учун режа асосида ташкил килинади ва ривожлантирилиб борилади. Мамлакатнинг иктисодий ва ижтимоий ривожлантириш йуллари ва суръати, тармоклар ва териториялар, такрор ишлаб чикаришнинг асосий бугинлари уртасида тугри мутаносибликни ташкил этиш жараёнига режалаштириш дейилади. Режалаштириш – бу доимо онгли равишда урнатиб туриладиган мутаносибликдир. Мамлакат халк хужалигини ташкил килиш хусусиятига кура режалар мамлакатнинг айрим территорияларини иктисодий ва ижтимоий ривожлантириш, тармокларни юксалтириш режаларига хамда корхона ёки ички хужалик режаларига булинади. Територия - тармок ва ички хужалик режалари мамлакатни иктисодий ва ижтимоий ривожлантириш режасининг мантикий давоми ва конкретлашган таркибий кисми хисобланади ва хаммаси биргаликда ягона режалаштириш тизимини ташкил килади. Кишлок хужалик корхоналари хам ягона халк хужалигининг таркибий кисми булганлиги учун улар фаолиятини ташкил килиш ва юритиш хам ягона халк хужалиги режалаштириш тизимида ташкил килинади.

Кишлок хужалик корхонаси ва унинг ичидаги ишлаб чикариш булинмалари хамда тармоклар фаолиятини ифода этувчи режалар ички хужалик режалари деб, уларни ишлаб чикиш ва амалга ошириш ички хужалик режалаштириш деб аталади. Режалаштиришнинг асосий вазифаси иктисод ва мадания курилишнинг хамма тармокларини узлуксиз ва жадал ривожлантириш, улар уртасида зарур мутаносибликни таъминлаш оркали ишлаб чикариш самарадорлигини ошириш ва мехнаткашлар турмуш даражасини юксалтиришдан иборатдир. Ички хужалик режалари мамлакатнинг иктисодий ва ижтимоий ривожлантириш режасининг таркибий кисми булганлиги учун уни ишлаб чикиш ва амалга ошрида режалаштиришининг умумий принципларига асосланилади.

Ички хужалик режалаштиришга куйидаги принциплар асос килиб олинади:

1. Давлат нуктаи назаридан ёндашиш;
2. Фан ва техника, илгор тажриба ютукларини хисобга олиш, режанинг сафарбарлик характери;
3. Режа топширикларнинг хисоб-китоб жихатидан асосланганлиги;
4. Ижтимоий харажатларнинг энг куп иктисодий самара беришини таъминлаш, яъни хар гектар ердан ёки 100 гектар ер хисобига энг куп кишлок хужалик махсулоти олишни таъминлаш;
5. Энг мухим, етакчи звеноларни ажратиб курсатиш;
6. Режаларнинг илмий-техникавий жихатдан асосланган, баркарор ва реал булишини таъминлаш. Режалар пасайтирилмаслиги керак. Уларнинг бажарилишини хамиша муайян куч ва имкониятларини купрок сарфлашни талаб килиш лозим;
7. Режа топширикларнинг олиниши. Турли тармоклари уртасида режалар таркмоклар уртасида режалар узаро бир-бири билан богланган булиши зарур;
8. Жорий оператив режаларнинг перспектив режалаштириш билан зарурий бирга кушилиши;
9. Режаларнинг бажарилиши устидан зарур назорат урнатилиши.

## 2.2.Кишлок хужалигида ички хужалик режалари.

Режа тузишда халк хужалигининг асосий, етакчи тармоклари негиз килиб олинади ва уларнинг ривожланиш суръатларига яраша бошка тармокларни ривожлантириш кузда


www.qmii.uz/e-lib

тутилади. Масалан, хозирги режаларда машинасозлик, энергетика, металлургия, химия саноатини ва огир саноатнинг ишлаб чикариш воситаларини ишлаб чикарувчи бошка тармокларини ривожлантириш суръатлари кузда тутилади. Режалаштирувчи органлар халк хужалиги режаларини тузишда баланс методидан фойдаланадилар. Баланс методи халк хужалигининг асосий тармокларини ривожлантириш топшириклари билан шу топширикларни бажариш учун зарур булган моддий - техника имкониятларини олдиндан таккослаб куриш имконини беради. Режа тузиш ишлари уч боскичга булинади:

1.Утган йилги режа курсаткичларининг бажарилишини текшириш ва шу йилги режа тузиш учун материаллар туплаш.

2. Режа тузиш учун тупланган материалларни тахлил килиш, кушимча хисоблаш жадвалларини тузиш.

3 Режа тузишга киришиш.

Тузилган режанинг бажарилишини таъминлаш учун уларни уз вактида текшириб туриш керак. Режаларнинг бажарилишини текшириб туриш ишлари, асосан хужалик рахбар ходимлари, мутахассислари зиммасига юклатилади. Режаларнинг бажарилишини текширишнинг бир неча усуллари мавжуд:

1. Бригадалар, чорвачилик фермалари ва бошка тармоклар хар 10-15 кунда уз оператив иш режаларининг бажарилиши хакида хужалик бошкармасига маълумотлар бериб туради ва бу маълумотлар текшириб борилади.

2. Хар бир-бригада ва чорвачилик фермасидаги ишнинг ахволи, бориши, сифати уз жойида текшириб борилади.

3. Булим, бригада ва фермалар уртасида тузилган шартномаларнинг бажарилиши юзасидан хар ой ва кварталларда узаро текширишлар утказиб турилади.

Режаларнинг бажарилишини уз вактида текшириб туриш иш жараёнида руй берган хато ва камчиликларни тезда бартараф килиш чораларини куришга, янги-янги ютукларга эришишга имкон беради.

Шундай килиб, ички хужалик режалаштиришнинг асосий вазифаси энг кам моддий, пул ва мехнат харажатлари сарфланган холда ялпи ва товар махсулот ишлаб чикаришни купайтириш, таъминлашдан иборатдир.

### 2.3.Кишлок хужалигида жорий режалар.

Корхонанинг йиллик режалари уни конкрет календар йилдаги тараккиёт программаси булиб, шу календар йил учун берилган давлат режа топшириги ва истикбол режа курсаткичларига асосан тузилади. Корхонага етказиб берилган махсулотларнинг тури ва хажми буйича давлатга махсулот сотиш режа топшириги хам тула тукис корхонанининг мавжуд имкониятларини ифода кила олмайди. Факат асосий максад ва йуналишни ифода этади холос. Корхонанининг махсулот етиштириш ва реализация килиш имкониятини тула хисобга олиш ва бу имкониятни ягона режада акс эттириш, режанинг хамма курсаткичлари уртасида мутаносибликларни таъминлаш максади хар бир корхона махсулот сотиш буйича давлат режа топригини олгандан сунг узининг йигма режасини тузади. Бу режада усимликчилдик буйича экин майдонлари, хосилдорлик, ялпи хосил, чорва молларининг тури, бош сони ва махсулдорлиги курсатилган булади. бу кишлок хужалиги тараккиёти асосий


www.qmii.uz/e-lib

курсаткичлари буйича йигма режаси юкори ташкилот томонидан маъкулланганидан сунг, корхонанинг йиллик (жорий ) ишлаб чикариш молия режасини тузишга киришилади. Ишлаб чикариш молия режаси билан бир вактнинг узида булим, ферма ва участкаларнинг йиллик планлари, бригада ва звеноларнинг йиллик ишлаб чикариш топшириклари хам ишлаб чикила бошланади.

Жорий режалаштириш хужаликнинг йиллик ишлаб чикаришни молиявий режаларини хамда - булим, бригада, ферма ва шу кабиларнинг йиллик ражалари ва топширикларини ишлаб чикариш йули билан амалга оширилади Ишлаб чикариш - молиявий режа перспектив режа асосида унинг бажарилишини хисобга олган холда хар бир календар йилга тузиб чикилади.

Булимлар, бригадалар ва фермаларнинг йиллик режалари ва топшириклари ишлаб чикариш - молиявий режада белгиланган вазифаларни аник ижрочиларига етказии беради.

Хужаликларда перспектив (истикбол) режалар икки хил тузилади:

1. Ташкилий - хужалик ва ижтимоий ривожланиш режаси.
2. Беш йиллик режа.

## 2.4.Хужаликларда истикбол режалар тузишнинг максади.

Бизнес режа тизимида истикбол режалар - стратегик режалаштириш, хал килувчи ахамиятга эга булади. Кишлок хужалик корхоналарида тузиладиган истикбол режалар икки турда булади:

1. Корхонанинг ташкилий хужалик ва ижтимоий тараккиёт комплекс режаси.
2. Мамлакатнинг иктисодиёт ва социал ривожлантириш 5 йиллик режаси асосида тузилагн корхонани иктисодий ва ижтимоий ривожлантириш 5 йиллик режасидан иборат булади.

Ташкилий хужалик тузилиш ва ижтимоий тараккиёт комплекс режаси – бу ишлаб чикаришнинг хамма тармоклари ва элементларини (ер, ишчи кучлари, мехнат предмети ва воситаларини) бир-бири билан илмий асосланган пропорцияларда, кенгайган такрор ишлаб чикариш ва хужалик юритишнинг юкори рентабеллигида, ахолининг унумли мехнат килиши, яшаши ва хар томонлама камол топиши учун энг кулай шароитларни яратиб берадиган корхонани вужудга келтириш проектидир. Бу режада корхонани рационал – максадга мувофик ташкил килишга доир хамма мухим масалалар, жумладан, корхона ер территориясини ташкил килиш, ишлаб чикариш булинмаларини аниклаш, ихтисослаштириш ва тармок структурасини белгилаш, тармокларни бир-бири билан боглаш, ишлаб чикариш жараёнларини механизациялаштириш ва ижтимоий-маданий тадбирларни амалга оширишни уз ичига олади.

Корхонанинг иктисодий ва ижтимоий тараккиёт 5 йиллик режаси мамлакатнинг шу муддатга тузилган иктисодий ва ижтимоий ривожлантириш режаси ва унинг курсаткичларига асосан тузилади. Бу режани тузишда шу муддат учун берилган давлат режа топшириклари билан бир каторда, ташкилий хужалик тузилиш ва ижтимоий тараккиёт комплекс режасининг шу 5 йилликка мулжалланган тадбир ва вазифалари асос килиб олинади.


www.qmii.uz/e-lib

Хужаликларда режалаштириш системаси истикбол, жорий (йиллик) ва оператив режалар ишлаб чикишни уз ичига олади.

Истикбол режалар хужаликнинг йуналиши, ривожланиш микёси ва суръатларини бир неча йил олдин белгилаб беради. Бу режалар оптимал вариант излашга, яъни кам мехнат ва маблаг сарфлаган холда куплаб махсулот ишлаб чикариш прогнозига асосланади.

Прогнозлаштиришда куйидаги методлардан фойдаланилади:

- экстрополяция методи - бу корхонада ва ундан ташкарида карор топган тенденцияларни аниклик билан акс эттириш имконини беради;
- экспорт бахолаш методлари - бу метод илмий коллективлар ва амалиётчиларнинг фикрларига асосланади;
- моделлаштириш методи - бу ишлаб чикариш жараёнида техникавий, технологик ва ташкилий узаро алокалар жамини тулик хисобга олиш имконини беради.

## 2.5.Ташкилий-хужалик ва ижтимоий ривожланиш режаси.

Ташкилий хужалик режаси кишлок хужалик корхоналарини окилона ташкил килишга доир хамма мухим курсаткичларни, жумладан, территорияларни белгилаш, тармокларни ихтисослаштириш ва уларни бир-бирига тугри боглаб бориш, ишлаб чикариш жараёнларини механизациялаш хамда интенсивлик даражасини йилдан-йилга ошириб бориш ва бошкаларни уз ичига олади.

Ташкилий хужалик режаси лойиха кисми ва лойихадаги тадбирларни амалга ошириш календар кисми булади. Лойиха кисмида хужаликларни ихтисослаштириш, тармоклар тузилиши ва уларни бир-бирига боглаб бориш усуллари, ер майдонларининг тузилиши, холати ва улардан имкониятига караб, дехкончилик ва чорвачиликнинг асосий тизимлари, капитал жамгармалар микдори, хужалик тармокларининг иктисодий томондан самарадорлиги ва шу кабилар курсатилади.

Календар кисмида лойихадаги тадбирларнинг амалга ошириш муддатлари белгиланади.

Ташкилий - хужалик режасида куйидаги масалалар хал этилади.

1. Дехкончиликни ташкил этиш буйича:

• ирригация - мелиорация курилишлари;
• ер фондидан уни ярокли ва яроксизга булиб тулик фойдаланиш;
• кишлок хужалик экинлари, куп йиллик дарахтлар ва яйловларнинг хосилдорлигини ошириш;
• алмашлаб экиш схемалари сони, улчами ва кайси экинлар билан алмаштирилиши;
• экин майдонларининг структураси;
• агромелиоратив ишларни яхшилаш ва эрозияга карши кураш чоралари.

2. Чорвачиликни ташкил этиш буйича:

• чорва моллари ва паррандаларнинг бош сонини ва махсулдорлигини ошириш хамда уларнинг зотини яхшилаш,
• фермалар хажми ва уларни жойлаштириш;
• Чорва молларини турларга караб бокиш ва асрашни яхшилаш.

3. Моддий-техника базасини мустахкамлаш ва ундан фойдаланиш буйича:

• хужаликни машиналар, техника, асбоб-ускуналар билан таъминлаб бориш;


www.qmii.uz/e-lib

• ремонт базаларини ташкил этиш,
• кишлок хужалик экинларини етиштириш ва йигиштириш технологиясини аниклаш.
4. Мехнат унумдорлиги ва ишчи кучларидан фойдаланиш буйича:
• ахолининг усиши ва иш кучларидан фойдаланиш;
• ахоли яшайдиган пунктлар ва уларни жойлаштириш.
5. Курилишлар ва капитал жамгармалар буйича
• коммунал турар жой, маданий-маиший ва ишлаб чикариш биноларининг хажми, курилиб фойдаланишга топширилиш муддатлари;
• хужаликларда инженерлик секторини жойлаштириш (электрдан фойдаланиш, водопроводлар, канализация, газлаштириш, йуллар, алока йуллари ва бошкалар);
• капитал жамгармаларга булган умумий талабни аниклаш ва уларнинг уз-узини коплаш муддатларини белгилаш ва хоказолар.

Ташкилий-хужалик режанинг алохида булимларини тузиш тартиблари билан хужаликларда ахоли яшайдиган пунктлар ва ахолининг усиши, улар структура таркибининг келгусида янада яхшиланиб бориши алохида ахамиятга эга

Ташкилий-хужалик режада хужаликларнинг келгусидаги асосий йуналиши кандай ва кайси турдаги махсулотларни халк хужалиги учун етиштириб беришини тугри аниклаш катта ахамиятга эга. Аввало, режа тузаётган вактимизда хужаликдаги алохида тармокларнинг умумхужалик даромадида тутган урнини белгилаб олишимиз керак. Дехкончилик, чорвачилик, богдорчилик-узумчилик ва бошка тармоклар келгусида яна кандай ютукларга эришувига караб уларнинг асосий кушимча, ёрдамчи тармокларини белгилашимиз керак. Бунда куйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$Г_{хтм} к \frac{Д_{топ}}{Д_{хоп}} х\ 100\%$$

$Г_{хтм}$ - тармокларнинг хужалик товар махсулотида тутган урни (%);
$Д_{топ}$ - тармоклардан олинган пул даромадлари (сум);
$Д_{хоп}$ - хужалик буйича олинган жами пул даромади (сум).

Ташкилий-хужалик режасида дехкончилик хам энг асосийуринлардан бирини эгаллайди. Дехкончилик тармоклари давлат акти билан хужаликларга биркитилган ер территориясига жойлаштирилади. Хужаликлардаги ерлар уларнинг холатини тугри курсатиб берадиган ерларнинг экспликацияси деган хужжатда хисобга олинади. Бу хужжатда хужаликдаги хайдаладиган ерлар, курик ва буз ерлар, пичанзорлар, яйловлар, куп йиллик дарахтлар, урмонзррлар ва бошка ерлар режа тузиш даврида кандай холатда эканлиги курсатилади. Ердан фойдаланишни ва уларга тармокларни жойлаштириш истикболини белгилашда асосий эътибор уларнинг трансформациясига берилади, яъни бунда курик ва буз ерларни узлаштириш хисобига экин экиладиган майдон купайиши мумкин. Янги сугориш системасига утиш йули билан майда-майда ариклар йукотилиб, экин экиладиган майдон янада ортади. Хужалик территорияси янгидан ташкил этилиши хисобига майда йуллар йук килиниб, замонавий йуллар, кварталлар ташкил этилади. Бу хисобдан хам экин экиладиган ерлар купайиши мумкин.

Демак, хужаликлар узларига биркитилган ерларни, агар мавжуд булса, янги ерларни узлаштириш, ерларнинг мелиоратив холатини яхшилаш, сугориш шохобчаларини, йулларни яхшилаш каби мухим ишларни режалаштиришлари керак. Бу мухим ишларни бажаришда маълум микдорда капитал маблаглар сарф булади.

Режалаштириладиган экин майдонлари алмашлаб экишда кабул килинган экинларнинг алмашинувига ва хужаликни ихтисослаштириш вазифаларига, шунингдек вилоятнинг товар махсулоти етиштиришга нисбатан ортиб бораетган талабларига мувофик келиши лозим. Агар улар куйилган вазифаларга мувофик келмаса, бирор экин учун мулжалланган майдонларни аниклаштириш мумкин.

Режанинг чорвачиликни ривожлантиришни ташкил этиш булимида чорва моллари сонини купайтириш микдорий курсаткичлари билан бир каторда зоотехника, ветеринария ва ташкилий тадбирлар системаси хам ишлаб чикилади. Бу тадбирлар молларнинг махсулдорлигини оширишни таъминлайди ва бу тармокни ривожлантиришнинг асосий вазифаси булган ахолининг кенг ассортиментда ва юкори сифатли энг мухим озик-овкат махсулотларига, саноатнинг хом-ашёга булган талабини кондирадиган микдорда чорвачилик махсулотлари етиштириш, шунингдек, бу махсулотларни арзонлаштириш вазифасига буйсундирилади

Моллар ва паррандалар сонини режалаштириш вактида даставвал чорвачиликнинг асосий тармогидаги моллар сонини аниклаш, ем-хашак базасини яхшилаш имкониятларини хисобга олиш керак.

Чорвачиликнинг айрим тармокларини режалаштириш куйидаги тартибда утказилади:

- тармокнинг 3-5 йил олдинги давридаги самарадорлигини ошириш режалари тузилади.
- корамолчиликда янги тугилган бузоклар ва ёш молларнинг усиш хамда семиртиришга куйилган молларга куйилган тирик вазн хам ялпи махсулот хисобланади. Куйчиликда жун, янги тугилган кузилар ва уларнинг усиши шунингдек, кушимча махсулотлар, гунг хам ялпи махсулот хисобига киради.
- чорва моллар сонини купайтириш ялпи чорвачилик махсулотларини купайтиришда ва режа топширикларни бажаришда хал килувчи шартлардан биридир.

## Мавзу буйича назорат саволлари:

1. Кишлок хужалиги корхоналарида ташкилий режа деганда нимани тушунасиз?
2. Ишлаб чикаришни ташкилий - иктисодий асосларига нималар киради?
3. Режалашпшришнинг тугри амалга оширилиши самарадорликка кандай таъсир курсатади?
4. Режалаштириш кандай боскичларга эга?
5. Ички хужалик режалари деганда нимани тушунасиз?
6. Жорий режаларга кандай режалар киради?
7. Хужаликнинг истикбол режаларининг мазмуни нима?
8. Истикбол режаларни тузишда кандай масалаларга эътибор каратилади?
9. Хужаликда ижтимоий ривожланиш режасининг мазмуни нимадан иборат?
10. Ташкилий-иктисодий ва ижтимоий ривожланиш режаларининг кандай богликлиги мавжуд?

## 3 – МАВЗУ: КИШЛОК ХУЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИДА ИЧКИ РЕЖАЛАШТИРИШНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МАЗМУНИ

**РЕЖА:**

3.1. Кишлок хужалиги корхонасида ички хужалик режалаштириш тизими.
3.2. Жорий еки йиллик режалар.
3.3. Кишлок хужалиги корхонасда оператив еки иш режалари.
3.4. Хужаликнинг истикбол режаларини тузиш.
3.5. Кишлок хужалиги корхоналарида бизнес-режа тузишнинг иктисодий асослари.

**Адабиётлар: 4, 7, 8, 9, 11, 12, 13, 34, 41, 42**

**Таянч иборалар:** ички хужалик режа, оператив режа, жорий (йиллик) режа, истикбол режалар, бизнес-режа, молиявий режа, нарядлар, прогнозлар, ишлаб чикариш режаси.

### 3.1.Кишлок хужалиги корхонасида ички хужалик режалаштириш тизими.

Бир-бири билан богланган, бир-бирини тулдирувчи ички хужалик режалари режалаштириш тизимини ташкил килади. Бошка сохалар каби кишлок хужалик корхоналари фаолиятини ифода этувчи асосий режа бу бизнес режадир. Режалаштириш истикбол, яъни стратегик, жорий ва оператив режаларга булинади. Хозирги пайтда кишлок хужалик корхоналарида истикбол режалар, жорий режалар ва оператив ёки иш режалари тузилади. Истикбол режалар корхона олдига куйилган вазифани бажариш муддатига кура узок муддатли (10-15 йил), урта муддатли (5-10 йил) ва киска муддатли (5 йилгача) режаларга булинади.

Хужаликнинг режалаштириш тизимини куйидаги шакл оркали куришимиз мумкин.





www.qmii.uz/e-lib

Оператив режалар

Бригадалар, звенолар ишчи группаларига нарядлар

КХКФРда бозор иктисодиёти шароитида булаётган иктисодий узгаришларга мос холда амалга оширилиши лозим. Иктисодиётнинг аграр секторини ривожлантириш муаммоларини хал этиш Узбекистоннинг бозорга утишдаги бутун стратегиясини хал килувчи бугиндир. Бу кишлок хужалигининг республика иктисодий ва ижтимоий хаётидаги ролидан келиб чикади. Ахолининг 60% кишлок жойларда яшайди. Миллий даромаднинг 44 фоизидан купроги бугунги кунда кишлок хужалигидан олинади Кишлок хужалиги республика хаётини таъминлашнинг асоси, саноатнинг етакчи тармокларини ривожлантириш учун шунингдек, экспорт ресурслари ва валюта тушумларининг энг мухим манбаларидандир.

КХКФРнинг мухимлиги хам шундаки, хужаликларда ишлаб чикаришни режалаштиришнинг энг мухим томонларини излаб топишдан иборатдир.

Халк хужалигини ривожлантириш режаларини тузиш ва ишлаб чикаришни янада юксалтириш асосида ташкил этиш режалаштириш деб аталади. Иктисодий режа тузганда, ижтимоий тараккиёт эхтиёжларини назарда тутади, яъни ишлаб чикаришни таксимот ва айрибошлашни бутун жамият микёсида режали равишда ташкил этади.

Хужаликларда режалар аник ва илмий жихатдан асосланган булади. Бунинг маъноси шундаки, хар бир хужалик режани тузишда режалаштирувчи булимлар иктисодий шарт-шароит ва имкониятларга, ишлаб чикариш илгорларининг тажрибасидан кенг фойдаланган холда ишлаб чикарувчи кучларни, фан ва техникани ривожлантиришда эришилган даражага асосланади. Режаларнинг аниклиги хужаликда ташкилотчилик иши ва мехнаткашларнинг ижодий ташаббуси билан таъминланади.

Режалаштириш бевосита хужаликларнинг узида амалга оширилиши хамда асосий эътибор хужаликни интенсив ривожлантириш йули билан кишлок хужалик махсулотларини хар томонлама купайтириб боришга каратилиши керак.

Хужаликларда ишлаб чикариш режасини тузганларида режалаштирилаётган тадбирларнинг иктисодий жихатдан канчалик ахамиятли эканлигига алохида эътибор бериш керак. Масалан: экин майдонининг структурасини белгилаш билан бирга экиладиган хар бир гектар экиннинг ахамияти, киммати ва хосилдорлигини пухта тахлил килиш, унинг хужаликка иктисодий жихатдан кандай фойда келтиришини аниклаш зарур.

## 3.2.Жорий ёки йиллик режалар.

Хужаликларда куйидаги турдаги режалар тузилади:

1. Перспектив режа. Бу режага хужаликни ривожлантиришнинг бир неча йилларга мулжалланиб тузилган режалари киради. Унда тегишли йилларда бажарилиши кузда тутилади. Бу режа кишлок хужалмк махсулотларини харид килиш ва ташкилий-хужалик режалари лойихалари асосида тузилади.

2. Йиллик ишлаб чикариш - молия режаси хамда бригада, ферма ва ёрдамчи корхоналарга бериладиган йиллик ишлаб чикариш топшириклари. Бу режага хужаликнинг бир йилги ишлаб чикариш -молия режаси хамда ёрдамчи корхона, ферма ва бригадаларнинг йиллик ишлаб чикариш топшириклари киради.


www.qmii.uz/e-lib

3. Оператив режа. Бу режага кишлок хужалик ишларининг турли даврларига караб тузиладиган иш режалари - яъни кварталлар, ойларда килинадиган ишлар режаси хамда план-нарядлар киради. Бу режада жамоанинг бир йил давомида килинадиган ишлари белгиланади. Ишлаб чикариш - молия режалари асосида хужаликнинг айрим тармокларига йиллик ишлаб чикариш топшириклари берилади.

Ташкилий хужалик режаси кишлок хужалик корхоналарини рационал ташкил килишга дойр хамма мухим курсаткичларни, жумладан, майдонларни белгилаш, тармокларни ихтисослаштириш ва уларни бир-бирига тугри боглаб бориш, ишлаб чикариш жараенларини механизациялаш хамда интенсивлик даражасини йилдан-йилга ошириб бориш ва бошкаларни уз ичига олади.

Ташкилий хужалик режасида лойиха кисми ва лойихадаги тадбирларни амалга ошириш календар кисми булади. Лойиха кисмида хужаликларни ихтисослаштириш, тармоклар тузилиши ва уларни бир-бирига боглаб бориш усуллари, ер майдонларининг тузилиши, холати ва улардан фойдаланиш имкониятига караб дехкончилик ва чорвачиликнинг асосий системалари, капитал жамгармалар микдори, хужалик тармокларининг иктисодий томондан самарадорлиги ва шу кабилар курсатилади.

Жорий (йиллик) режа хужаликнинг йиллик ишлаб чикариш молиявий режаларни хамда булинмалар: булим, бригада, ферма ва шу кабиларнинг йиллик планлари ва топширикларини ишлаб чикиш йули билан амалга оширилади. Ишлаб чикариш - молиявий режа истикбол режа асосида унинг бажарилишини хисобга олган холда хар бир календарь йилга тузиб чикилади. Булимлар, бригадалар ва фермаларнинг йиллик режалари ва топшириклари ишлаб-чикариш молиявий режада белгиланган вазифаларни конкрет шароитларга етказишни максад килиб куяди.

Жорий режаларда истикбол режани календар йилга мулжалланган курсаткичлари конкретлаштирилади, аввал кузда тутилмаган ва режани муваффакиятли бажарилишини таъминлашга ёрдам берадиган кушимча тадбирлар белгиланади. Табиий иклим шароитларига хали хозирча боглик булган кишлок хужалиги ишлаб чикариш учун бу хусусият жуда зарурдир. Корхонанинг йиллик ишлаб чикариш - молия ёки бизнес режаси куйидаги асосий булимлардан иборат булади:

1. Ер фондидан фойдаланиш, ер трансформатция режаси ва ердан унумли фойдаланиш тадбирлари;
2. Усимликчилик буйича ишлаб чикариш дастури – экин майдонлари, хосилдорлик ялпи хосил режаси, усимликчилик махсулотларининг таксимланиши;
3. Угитлардан фойдаланиш режаси – органик ва минерал угитларга булган талаб, угитларни тайёрлаш, таксимлаш, уларни саклаш ва фойдаланиш, угитлар кийматини аниклаш, захарли химиявий моддаларга булган талаб ва улардан фойдаланиш;
4. Чорвачилик буйича ишлаб чикариш дастури - пода обороти режаси, чорва молларининг тури буйича бош сони, уларнинг махсулдорлиги, чорва махсулотларини таксимлаш режаси;
5. Чорвачиликнинг ем-хашакка булган талаби, календар йилга ва режалаштирилаётган йил хосилидан келаси йил хосилига, ем-хашак баланси, ем-хашакларнинг уртача киймати хамда ем-хашаклардан самарали фойдаланиш тадбирлари;
6. Ёрдамчи кушимча ва хизмат курсатувчи тармокларни ишлаб чикариш дастури;
7. Механизация ва электрлаштириш режаси;
8. Мехнат ва иш хаки режаси;
9. Махсулот таннархи режаси:
10. Молия режаси.


www.qmii.uz/e-lib

Бригада ва фермерларга бериладиган йиллик топшириклар ишлаб чикариш - молия режаси билан бир вактда тузилиб унинг курсаткичларини конкретлаштиради ва бригада ва ферма фаолиятининг бир йиллик иш дастури хисобланади.

## 3.3.Кишлок хужалиги корхонасда оператив еки иш режалари.

Маълумки махсулот ишлаб чикариш жараёнларида етиштирилади. Ишлаб чикариш жараёнида мехнат, мехнат куроллари ва предметлари узаро биркади, харакатга келади, мехнат куролларини камраб олган холда мехнат предметига таъсир килиш натижасида тайёр махсулот холига келитирилади. Ишлаб чикариш жараёни махсулотда сунади. Шунинг учун ишлаб чикариш жараёнларини тугри ташкил килиш ва факат махсулот етиштиришни купайтириб бориш асоси, шу билан бирга мехнатни узидан, мехнат куроллари ва предметларидан окилона фойдаланиш уларни хар бир бирлигига купрок махсулот етиштиришни таъминлаш асоси хамдир. Корхонанинг жорий ёки йиллик режаларида ишлаб чикариш умумий холда йирик масштабда, асосий курсаткичларда акс эттиралид холос. Корхона фаолиятини тугри бошкариш ишлаб чикариш дастурларининг муваффакиятли бажарилишини таъминлаш учун йиллик режалар билан бир каторда оператив ёки иш режалари хам тузилиб бу режалар ишлаб чикариш жараёнларини ташкил килишнинг асосий хужжати хисобланади. Оператив ёки иш режаларида белгиланган муддатда бажариладиган ишларнинг тури ва хажми, уларни бажариш учун талаб килинадиган ишчи кучлари, машина ва ускуналар сони, хом ашё ва материаллар микдори курсатилади. Иш режаси экин тури, бригада, булим ва корхона буйича тузилиши мумкин.

Оператив иш режалари йиллик режани янада деталлаштиришдан иборатдир. Бу ражаларда иш жараёнларини оптимал агротехника муддатларида ташкил этиш, бунинг учун зарур буладиган ишлаб чикариш воситалари ва иш кучи хисоби акс эттирилади. Оператив иш режаларини тузишга йиллик режада белгиланган экин майдонларига оид маълумотлар асос килиб олинади. Чорвачилик фермаларида ойлик топшириклар иш режаларининг урнига утади.

Бригада ва звеноларга бериладиган режа-порядлар, фермаларга бериладиган ун кунлик топшириклар, булар бригада ва фермаларнинг иш режаларида белгиланган ишларни аник ижрочиларга етказадиган топширикलардир. Режаларнинг ана шу турлари уртасида узвий богликлик мавжуд булиб, уларнинг хаммаси битта умумий вазифани хал килади, лекин уларнинг хар бири топширикларни узига хал килишга ёрдам беради.

Режаларнинг ана шу турлари уртасида узвий богликлик мавжуд булиб, уларнинг хаммаси битта умумий вазифани хал килади, лекин уларнинг хар бири ички хужалик режалаштиришдаги умумий системанинг зарур звеноси хисобланади.

## 3.4.Хужаликнинг истикбол режаларини тузиш.

Истикбол режалар - Хужаликнинг ривожланиши, йуналиши, микеси ва суръатларини бир неча йил олдин белгилаб беради. Бу режалар энг кулай вариант излашга, яъни кам мехнат ва маблаг сарфлаган холда куплаб махсулот ишлаб чикариш прогнозига асосланади. Корхона буйича туман ва зона кГлиги тармокларини ривожлантириш прогнози билан узвий равишда богланган булиши лозим. Олдиндан аниклашда куйидаги услублардан фойдаланилади:

Экстрополяция услуби: у корхонада ва ундан ташкарида карор топган тенденцияларни аниклик билан акс эттириш имконини беради.

Экспорт бахолаш услубияти: бу услуб илмий коллективлар ва амалиётчиларнинг фикрларига асосланади.


www.qmii.uz/e-lib

Моделлаштириш услуби: у ишлаб чикариш жараёнида техникавий технологик ва ташкилий узаро алокалар жамини тулик хисобга олиш имконини беради.

Прогнозлар истикбол режаларини турларга ажратишга мувофик, узок муддатли (10 йилдан купрок вактга), урта муддатли (5-10 йилга) ва киска муддатли (5 йилгача) прогнозларга булинади. Агар улар кишлок хужалиги корхонасида вужудга келган шароитда узгаришлар руй бериши мумкинлигини курсатса, у холда улар асосида тузилган режада бу шароит кайд килинади ва куйилган вазифаларни хал килиш тадбирларини системаси белгилаб олинади.

Истикбол режалар хужаликнинг йуналиши, ривожланиш микёси ва суръатларини бир неча йил олдин белгилаб беради. Бу режалар оптимал вариант излашга, яъни кам мехнат ва маблаг сарфлаган холда куплаб махсулот ишлаб чикариш прогнозига асосланади.

Хужалик истикбол ва жорий режаларида хужаликнинг ривожланиш эхтиёжлари ва аник шароитга караб, хужаликнинг хар бир сохасида ишлаб чикаришнинг усиш суръатлари аникланади ва хужаликнинг хар бир тармогига тегишли топшириклар белгиланади.

Ишлаб чикаришни узлуксиз устириш ва такомиллаштириш, халк фаровонлигини тобора ошириш манфаатларини кузлаб, халк хужалигининг тармокларини ва хужалик хаётининг барча томонларини узаро мувофиклаштириб ривожлантириш таъминланади.

Кишлок хужалик махсулотларини тайерлаш юзасидан юборилган режага мувофик ва жамоат хужалигининг аник шароити ва резервларини хисобга олиб, хужаликда ишлаб чикаришни ривожлантириш режаларини тузадилар, унда экин майдонларини ва экинлар буйича олинадиган хосилни хамда чорва молларининг турлари буйича сони ва махсулдорлигини белгилайдилар. Бу режалар жамоа хужалигининг умумий йигилишларида мухокама килинади ва тасдикланади.

Умумий йигилишларда тасдикланган экин режалари ва чорвачиликни ривожлантириш режалари ишлаб чикариш бошкармалари томонидан караб чикилади.

Жамоа хужалиги топширган бу режа давлатга махсулот сотиш буйича режали топширикнинг бажарилишини таъминламаган такдирда, жамоа хужалиги унга тегишли узгартиришлар киритиши шарт.

Истикбол режада хужаликни бир неча йил мобайнида ривожлантириш кулами ва суръати олдиндан белгилаб берилади.

Бу режа одатда, мамлакат халк хужалигини ривожлантириш истикбол режасида кузда тутилган муддатга мулжаллаб тузилади. У бир неча йилга, жумладан 5, 10 ва ундан купрок йилга мулжаллаб тузилиши мумкин. Истикбол режалар туфайли режалаштиришнинг узлуксизлиги таъминланади. Шунинг учун хам истикбол режа хужаликни ривожлантиришнинг куп йилга мулжаллаб тузилган дастуридир. Истикбол режанинг энг мухим топшириклари йиллар буйича таксимланади.

Кишлок хужалигида истикбол режаларни тузишда хапк хужалигини янада ривожлантириш истикбол режаларига хамда кишлок ва сув хужалик ва Вазирлар Махкамасининг кишлок хужалигини янада юксалтириш хакидаги карорларига амал килинади.

Истикбол режаларни тузиш, бу ердан максимал даражада фойдаланиш, кишлок хужалик махсулотларини куплаб етиштириш ва махсулотларни купайтириш эвазига жамоа ишчиларининг моддий манфаатдорлигини янада яхшилаш учун имкониятлар очиб беради. Умуман хужаликларнинг беш йилга мулжалланган истикбол режаларида жуда мухим ташкилий-хужалик масалалари хал килинишини курсатилади. Бунда даставвал жойнинг шароитлари хисобга олинган холда махсулот турлари буйича давлат режа топширига мувофик хужаликни ихтисослаштириш масаласи хал этилади.


www.qmii.uz/e-lib

Истикбол режада экин майдонларининг структураси, хужалик тармокларининг йуналиши, янги ерларни сугориш, яйловларга сув чикариш, экин майдонларини кенгайтириш, чорвачилик махсулдорлигини ошириш, моллар туёгини купайтириш, уларнинг озука базасини мустахкамлаш каби тадбирлар курсатилади.

Истикбол режада ишлаб чикариш, маданий-маиший бинолар, йуллар куриш, техника сотиб олиш, электрлаштириш, мелиорация иншоатларини яхшилаш, хужаликнинг ишчи кучларидан фойдаланиш, махсулот таннархини арзонлаштириш ва корхонанинг рентабеллигини оширишга хам эътибор берилади.

Хужаликларнинг истикбол режалари хужаликларнинг табиий ва иктисодий шароитига караб тузилади. Хужалик асосий тармогининг хажми унинг ишлаб чикариш йуналишига караб белгиланади.

Кушимча ер ва ёрдамчи тармокларнинг хажми эса асосий тармокларнинг ривожланишини тула таъминлашни кузда тутиб белгиланади. Хужаликларнинг экин майдонлари микдорини, чорва молларининг сонини ва уларнинг махсулдорлигини белгилашда давлатга махсулотлар сотиш юзасидан берилган топширикларни тулик бажариш хамда хужаликнинг ички эхтиёжларини кондириш хисобга олиниши лозим.

Хужаликнинг истикбол режалари хужалик мутахассислари хамкорлигида тузилади ва хужалик раиси томонидан тасдикланади.

Истикболда дехкончилик сохасини режалаштиришда асосий вазифалар булиб куйидагилар хисобланади.

1 Хужаликнинг ихтисослашуви ва ердан фойдаланишнинг кадастр бахосини аник белгилаб олиш;

2 Хужаликнинг сув ресурслари, асосий фондлари ва мехнат ресурсларидан фойдаланиш даражасини тугри режалаштириш;

3. Хужалик ерларининг экинлар буйича таксимланишида муаммоларни хисобга олиб бориш;

4. Хужаликда чорва молларининг бош сони, уларнинг турлари, махсулдорлиги ва хужалик балансини хисобга тугри ва аник олиб бориш;

5. Хужаликнинг жами етиштириладиган махсулотларини сотиш, кайта ишлаш ва ички таксимлашни тугри режалаштириш;

6. Дехкончилик тармогини ривожлантиришдаги жорий ва келгуси давр харажатларини хисобга олиб бориш.

Хужаликда истикбол режалар икки хил куринишда тузилиши мумкин:

1. Ташкилий хужалик тузилмавий режалар;

2. Иктисодий социал ривожланиш режаси.

Хужаликда истикбол режаларни тузишда хар бир тармокнинг хам истикбол режаси алохида тузилиши керак.

1. Дехкончиликни ташкил этиш буйича:

• ирригация-мелиорация курилишлари;

• ер фондидан уни ярокли ва яроксизга булиб тулик фойдаланиш;

• кишлок хужалик экинлари, куп йиллик дарахтлар ва яйловларнинг хосилдорлигини ошириш;

• алмашлаб экиш схемалари сони, улчами ва кайси экинлар билан алмашлаб экилишини режалаштириш;

• экин майдонларининг структурасини тугри белгилаш;

• агромелиоратив ишларни яхшилаш ва эрозияга карши кураш чораларини уз вактида олиб бориш.

2. Чорвачиликни ташкил этиш буйича:


www.qmii.uz/e-lib

• чорва моллари, паррандаларнинг бош сонини ва махсулдорлигини ошириб, уларнинг зотини яхшилаш;

• фермалар хажми ва уларни жойлаштириш;

• чорва молларини турларига караб бокиш ва асрашни яхшилаш.

3. Моддий-техника базасини мустахкамлаш ва ундан фойдаланиш буйича:

• хужаликни машинала, техника ва асбоб-ускуналар билан таъминлаб бориш;

• ремонт базаларини ташкил этишни режалаштириш;

• кишлок хужалик экинларини етиштириш ва йигиштириш технологиясини аниклаш ва амалга ошириш.

4. Мехнат унумдорлиги ва ишчи кучларидан фойдаланиш буйича:

• ахолининг усиши ва ишчи кучларидан фойдаланиш;

• ахоли яшайдиган пунктлар ва уларни жойлаштириш.

5. Курилиш ва капитал жамгармалар буйича:

• коммунал турар-жой, маданий-маиший ва ишлаб чикариш биноларининг хажми, курилиб фойдаланишга топшириш муддатларини режалаштириш.

Режалаштириш иши факат режа тузиш билан чегараланмасдан, балки режа курсаткичларининг тула бажарилишини таъминлашдан хам иборатдир.

Хужаликларда ишлаб чикариш режаларининг аник бажарилиши устидан назорат килишни яхши йулга куймай туриб, унинг бажарилишини амалга ошириб булмайди. Шунинг энг яхши тузилган режа хам вакти-вакти билан текшириб турилмаса ёки бажаришга сафарбар килинмаса, когозда колиб кетиши мумкин.

Режани назорат килишда маълумотлар оддийгина солиштирилиб колинмасдан, балки иктисодий курсаткичлар буйича бажарилишини хам назорат килиниши лозим. Шундагина хужаликнинг барча ишлаб чикариш топширикларига тугри бахо бериш мумкин.

Хулоса килиб шуни айтиш мумкинки, кишлок хужалик ишлаб чикаришда оператив ва жорий режалар каторида истикбол режаларни тузиш хам мумкиндир. Хозирги бозор иктисодиетида кишлок хужалигида истикболни белгилаб берувчи курсаткичлар ердамида миллий ва амалии асосланган режалар тузиш ва уларни ишлаб чикариш жараенларида куллашни режалаштириш, хужаликларнинг келажакда ривожланихца куплаб имкониятларни вужудга келтириб беради.

КХКФРда ва ишлаб чикаришда истикбол режаларни тузишни режалаштириш ва унинг мохияти шундаки, бу режалар ишлаб чикаришда замонавий фан-техника ютукларидан фойдаланишга имкон беради.

### 3.5.Кишлок хужалиги корхоналарида бизнес-режа тузишнинг иктисодий асослари.

Бозор муносабатлари ривожланиб бориши билан иктисодиётнинг бирламчи бугинларида (корхона, фирма, коорпорация, уюшма ва хоказо) фаолият бизнес режага асосланади. У режалаштиришнинг аник ифодаланиши хисобланади.

Бизнес-режа тузишда бир катор таксидлар кузда тутилади. Биринчидан, тадбиркор бинес гоя (лойихаси)нинг тугрилиги ва реаллигини билишни уз олдига максад килиб куяди. У ишни кандай бошлаш керак, нима ишлаб чикариш керак, канча, кандай ва ким учун ишлаб чикариш керак булган махсулот саволларига жавоб олади. Булардан ташкари ишлаб чикаришни кандай килиб самарали юргизиш, тахликани кандай камайтириш ва ракобатдан кандай устун булиш хакидаги маълумотларга хам эга булинади.

Иккинчидан банклар, хомийлар, инвесторлар ва шерикларига узларининг гояларини асослаб беришни максад килиб куяди. Чунки гояни молиялаштириш, унга кредит бериш ёки хиссадорлик асосида маблаг куйиш улар зиммасида булади.


www.qmii.uz/e-lib

Учинчидан, бизнес-режа корхона ходимларига бизнес фаолиятининг максади, вазифалари ва келажакда унда иштирок этиш, бу лойихада катнашишдан оладиган даромадларни билиш хам зарур.

Бизчес-режа бир йилга ва якин истикбол (3-5 йил учун) тузилади. Бизнес гоянинг муваффакиятли амалга ошиши унинг молиявий таъминланиши гаровидир.

Бизнес-режа турли хил шаклда ва мазмунда булиши мумкин лекин барча бизнес-режалар мазмун жихатдан куйидаги таркибий тузилишлардаги булинмаларни уз ичига олади:

1 Кискача мазмун ёки «хулоса» кисми.

2 Такдим килинадиган махсулот (хизматлар) тавсифи.

3. Сотиш бозорини бахолаш.

4. Ишлаб чикариш режаси, унинг ташкилий ва таркибий тузилишини аниклаш.

5. Тахлика ва хавфни бахолаш.

6. Молиявий режа ва молиялаштириш стратегияси.

7 Корхонанинг ривожланиш истикболлари.

1. Бизнес-режанинг кискача мазмуни баён килингандан кейин корхона хакидаги маълумотлар келтирилади (ташкил килинган ва руйхатдан утган вакти, хизмат курсатадиган банк, ташкилий бошкарув тузилиши, капитал таркиби ва хоказо).

2. Бу булимда такдим килинадиган истеъмол хусусиятлари, ракиблар махсулотидан асосий фарклари ва афзал томонлари, патент ва муаллифлик хукуклари билан химоя килинганлиги, нархлари ва сотишдан кутиладиган фойда нормаси курсатилади, хамда товарнинг кургазмали тавсифи берилади.

3. «Сотиш бозорини бахолаш» булими бозорни тадкик килишга багишланиб, бу корхонанинг маркетинг стратегиясига асосланади. Маркетинг режаси товарларнинг таркалиш схемаси, реклама, товарлар хакида оммада ижобий фикр пайдо килиш ва сотишни кенгайтириш чора-тадбирларини уз ичига олади.

4 Ишлаб чикаришни режалаштириш булимининг асосий вазифаси ташкил килинадиган корхона керакли микдордаги товарларни зарур вактда ва талаб килинган сифат билан реал ишлаб чикариш холатидаги хисоб-китоб килиш билан тасдиклашдан иборат. Бу булимда куйидагилар ёритилиши талаб килинади:

Ишлаб чикаришга хизмат курсатиш каерда ташкил килинади? Кулланиладиган технология ва фойдаланадиган воситалар тури:

Бошка корхоналар билан ишлаб чикариш харажатлари ва истикболда уларнинг узгаришини бахолаш:

Мазкур булим режалаштирилаётган корхонанинг ташкилий ва таркибий тузилиши аникланади. Бунда корхонанинг кадрлар билан таъминланганлиги, турли категорияларда ишловчиларнинг иш хаки шакллари ва даражаси, корхонанинг мулк шакли ва хукукий статуси, корхонанинг хомийлари ва инвесторлари хамда уларнинг хукуклари баён килинади.

5. «Тахлика ва хавфни бахолаш» булимида режалаштирилаётган корхона фаолиятида учраш мумкин булган барча тусикларга эътибор каратилади ва уларни бартараф этиш йуллари моделлаштирилади. Булажак хавфлар тасаввур килиб курилиб, улардан кутилиш йуллари ёки зарарни камайтириш имкониятлари, корхона фаолиятига ёмон таъсир курсатиши мумкин булган омиллар курсатилади.

6. «Молиявий режа» булимида дастлаб сотиш хажмининг прогнози берилади ва бунда эгаллаш мумкин булган ... хамда ундаги шарт-шароитлар хакидаги маълумотлар келтирилади. Кейинги пул сарфлари ва тушумлари баланси, даромадлар ва


www.qmii.uz/e-lib

харажатлар жадвали, корхона активлари ва пассивлари йигма баланси хамда зарар курмасликка эришиш графиги баен килинади. «Молиялаштириш стратегияси»да молиявий маблагларни олиш манбалари, унинг микдори ва валюта турлари буйича таркиби аникланади, хамда маблагларни тулик кайтариш ва коплаш муддатининг кутилаётган вакти асосланади.

7. Бунда корхонанинг якин ва узок келажакдаги ривожланиш истикболлари башорат килинади. Корхонанинг истикболдаги ривожланишига холисона ва объектив бахо берилади. Бизнес-режада юкоридаги булимлардан ташкари кушимча равишда молиявий маблаглар хамда мажбуриятлар, фойда ва зарарлар хисоботи харажат ва унинг турлари (моделлар буйича) кабилар хам келтирилиши мумкин.

**(Интернетдан) Т и Ассоциация Банков Узбекистана. www. tashkent.uzГsection.htm?content_pathкГarticlesГbusiness_economicsГeconomics (25 Кб)**

Узбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Олий мажлиснинг I-сессиясида сузлаган нуткида таъкидлаганидек «Келажакда банк, молия кредит тизимини такомиллаштириш ва уни жахон микёси даражасига кутариш алохида ахамият касб этиши керак» деган фикрларига амал килишимиз лозим.

Бугунги кунда банк ассоциацияси 25 та тижорат банкларини бирлаштириб, Узбекистон бозор иктисодиётида узига хос булган молиявий таъминот хусусиятига эга булиб, келажакда банк инфраструктурасини ривожлантиришда конуний химоялаш вазифаларини белгилайди хамда ассоциация аъзоларига кадрлар тайёрлаш ва илмий таъминот сохасида турли хизматлар курсатиш ва уларга мос булган конун йули билан химояланган база яратиш вазифаларини бажаради.

## Мавзу буйича назорат саволлари:

1. Хужаликларда режалаштириш тизими кандай режаларни уз ичига олади?
2. Оператив режа нима ва унинг ахамияти?
3. Жорий режа нима ва унинг ахамияти?
4. Истикбол режа нима ва унинг ахамияти?
5. Прогнозлар кандай турларга булинади?
6. Истикбол режада олдиндан аниклаш кандай услубларга таянади?
7. Бизнес-режа нима ва уни тузишда нималарга ахамият берилади?
8. Бизнес-режанинг таркибий тузилишлари?
9. Ишлаб чикаришни режалаштириш булимининг асосий вазифаси?
10. Бизнес-режанинг молиявий режа булимида нималар акс эттирилади?

## 4 – МАВЗУ: Кишлок хужалиги корхоналарида ишлаб чикариш воситаларини режалаштириш ва улардан фойдаланиш.

**РЕЖА:**

4.1. Ишлаб чикариш воситалари тушунчаси ва уларнинг таркиби.
4.2. Ишлаб чикариш воситаларидан фойдаланиш курсаткичлари.
4.3. Ишлаб чикариш воситаларини такрор хосил килиш.
4.4 Амортизация фонди ва уни ташкил этиш.
4.5. Машиналар системаси ва корхонанинг машина ва ускуналарга булган талабини аниклаш.

**Адабиётлар: 4, 5, 6, 14, 17, 18, 19, 21, 23, 26, 35**

**Таянч иборалар:** ишлаб чикариш воситалари, мехнат предметлари, мехнат воситалари, ишлаб чикариш фондлари, асосий ва айланма фондлар, амортизация, фонд билан куролланганлик, фонд кайтими, рентабеллик, моддий-техника базаси.

### 4.1. Ишлаб чикариш воситалари тушунчаси ва уларнинг таркиби.

Моддий ишлаб чикаришнинг хамма сохаларида, шу жумладан кишлок хужалигида ишлаб чикариш амалга оширилиши учун унинг уч омили булиши шарт. Булар:

1. Мехнат
2. Мехнат куролллари
3. Мехнат предмети

Мехнат бу кишининг максадга мувофик фаолияти булиб, шу фаолият давомида кишилар мехнат предметига таъсир килиб, уни уз эхтиёжларига керак шаклга киритишдир. Мехнат бу мехнатга кобилиятли инсонлар фаолияти.

Мехнат предмети эса киши мехнати йуналтирилган, киши мехнати таъсир этаётган нарсалар, буюмлардир. Бу асосан хом ашёлар, кишлок хужалигида - уругчилик, ем-хашак, угит, ёш ва бокув молларидир.

Мехнат воситалари ёки мехнат куроллари - мехнатнинг узи билан мехнат предмети уртасида воситачилик килувчи, шу воситалар билан куролланган холда мехнат предметига таъсир этувчи, уни узгартирувчи буюмлардир. Кишлок хужалигида мехнат воситаларига - тракторлар, турли машиналар, ускуналар, куч берувчи воситалар, бинолар, иншоотлар киради.

Мехнат предметлари билан мехнат воситалари (куроллари) ишлаб чикариш воситаларини ташкил этади.

Кийматга эга булган ишлаб чикариш воситалари корхоналарда ишлаб чикариш фондлари сифатида амал килади. Ишлаб чикариш воситалари ва ишчи кучи, яъни ишлаб чикаришнинг хар уч омили биргаликда ишлаб чикариш кучларини ташкил килади. Бу уч омил канчалик ривожланган булса, юкори сифатли ва унумли булса, ишлаб чикарувчи кучлар шунчалик ривожланган булади.

Орхонанинг ишлаб чикариш воситалари ишлаб чикариш жараёнларида катнашиши такрор хосил килиниш хусусиятига кура асосий воситаларга ва айланма воситаларга булинади.

Асосий воситалар (мехнат воситалари) деб узок муддат ишлаб чикаришда катнашадиган, яъни ишлаб чикаришнинг бир нчеа циклида катнашадиган уз кийматини тайёр булган махсулотга аста-секин утказиб борадиган, фойдаланиб булинганидан кейин уз шаклини узгартирмайдиган воситаларга айтилади.

Айланма восител (мехнат предметлари) деб ишлаб чикаришнинг бир циклида катнашиб уз кийматини тайёр махсулотга бирданига, тула тукис утказадиган ва уз шаклини бутунлай узгартириб юборадиган воситаларга айтилади.

Асосий воситалар кишлок хужалиги корхоналарининг асосий фондлари сифатида намоён булади. Улар ишлаб чикаришга катнашувчи асосий фондларга ва ишлаб чикаришга катнашмайдиган (маданий-маиший) фондларга булинади.

Ишлаб чикаришга катнашадиган асосий фондлар уз навбатида :

А) кишлок хужалигига тааллукли асосий ишлаб чикариш фондларига;

Б) кишлок хужалигига тааллукли булмаган асосий ишлаб чикариш фондларига булинади.

Хозирги даврдаги хисоб-китоб ва иктисодий ишлар талабига кура кишлок хужалик ишлаб чикаришнинг тааллукли асосий фондлари куйидаги гурухларга булинади.

1. Бинолар
2. Иншоотлар
3. Утказувчи воситалар
4. Куч берувчи воситалар, тракторлар
5. Иш машиналари ва ускуналари
6. Транспорт воситалари
7. Улчов асбоблари ва лаборатория ускуналари
8. Иш ва махсулдор хайвонлар
9. Куп йиллик дарахтлар
10. Хужалик ва ишлаб чикариш инвентарлари ва хоказо

Кишлок хужалигига тааалукли булмаган ишлаб чикариш асосий воситаларига кайта ишлаш саноати, капитал курилиш, савдо ва таъминот сохаларининг асосий воситалари киради. Ишлаб чикаришга тааллукли булмаган яъни маданий – маиший, уй-жой сохаси воситаларига уй-жой фонди, маиший ва маданий иншоотлар, коммунал хужалик, согликни саклаш, жисмоний тарбия, маориф сохалари фондлари киради.

## 4.2. Ишлаб чикариш воситаларидан фойдаланиш курсаткичлари.

Кишлок хужалик корхоналари ишлаб чикариш воситаларидан фойдаланишни тахлил килишда улардан самарали фойдаланиш йулларини белгилашда куйидаги курсаткичлардан фойдаланилади.

1. Корхона ишлаб чикариш фондларининг таркиби. Фондлар айрим турларининг жами фондлар таркибидаги салмоги (фоизда).
2. Ишлаб чикаришнинг фондлар билан таъминланганлиги (Фт)

$$Ф_{т}К \; \frac{AФ}{e_{p}}$$

Бунда: АФ- кишлок хужалигига тааллукли асосий фондлар.

$e_{p}$ - кишлок хужалигига ярокли ерлар

3. Фонд билан куролланганлик ($Ф_{к}$)



www.qmii.uz/e-lib

$$Ф_к = \frac{АФ}{М}$$

Бунда: М- мехнат (уртача йиллик ходимлар сони )

4. Фонд кайтими яъни хар юз сумлик асосий фондларга етиштирилган ялпи махсулот (ФК)

$$ФК = \frac{ЯМ}{АФ} \times 100$$

Бунда: ЯМ-ялпи махсулот

5. Фонд сигими, яъни хар бир юз сумлик ялпи махсулотга тугри келадиган асосий фондлар киймати (ФС)

$$ФС = \frac{АФ}{ЯМ} \times 100$$

6. Фондларга нисбатан рентабеллик, яъни фондларнинг самарадорлиги ($Р_ф$)

$$Р_ф = \frac{СД \approx Ф}{АФ + АйВ}$$

Бунда: СД – соф даромад
Ф – фойда
АйВ – айланма вакти

7. Айланма воситаларнинг айланиш коэффициенти (АйВК)

$$\text{АйВКк}\frac{ПТ}{АйК}$$

ПТ – бир йиллик пул тушуми
АйК – айланма воситалар, йиллик холда

8. Айланма воситалар айланиши куни (АйВАК)

$$\text{АйВАКк}\frac{АйВК}{365}$$

Кишлок хужалик корхоналарининг ишлаб чикариш воситаларидан фойдаланиш жараёнида хам натура холда хамда киймат улчовида (пулда) хисобга олиб борилади ва режалаштирилади.

## 4.3. Ишлаб чикариш воситаларини такрор хосил килиш.

Ишлаб чикариш воситаларига микдор ва сифат жихатдан бахо бериш максадида натура холда хисобга олиб борилади. Ишлаб чикариш воситаларини такрор хосил килиш, уларни ташкил этиш учун керак буладиган маблагларни режалаштириш ва сарф килиш учун улар киймат (пул) билан хисоблаб борилади.

Корхонанинг асосий воситалари дастлабки кийматда, колдик кийматда ва тиклаш кийматида бахоланади.

Дастлабки киймат асосий воситани шакллантириш, хужаликни келитириш, ишга тушириши билан боглик булган хакикий харажатларни ифода килади. Дастлабки кийматга асосий фонд сотиб олиш, куриш, хужаликка келтириш, урнатиш ва ишга тушириш сарф харажатлари киради.

Колдик киймат асосий воситали кийматидан фойдаланиш муддатида унинг эскириш кисмига тугри келадиган ажратмани чегаралаб ташлангандан кейин колган кисмига (дастлабки киймат минус эскирган учун ажратилган киймат).

Тикланган киймат. Асосий воситалардан фойдаланиш давомида маълум йиллар ичида шу асосий воситаларнинг бахоси узгаради. Шунинг учун турли йилларда ташкил этилган асосий воситаларда дастлабки ва колдик киймати (улар натура жихатидан бир хил булса хам) турлича булиб иктисодий ишларни, махсулот таннархини тугри хисоблаш ва режалаштириш, махсулотларга тугри бахо белгилаш ишларини кийинлаштиради. Шунинг учун хукумат томонидан маълум муддатларда асосий воситалар кайта бахоланиб, турли йилларда танилган уларнинг кимйта и хозирги бахоларда белгиланиб тиклаш кийматида акс эттиралади.

Асосий воситаларни кайта бахолаш, илинтириш, хисоб ишларини яхшилаш, улардан самарали фойдаланиш тадбирларини тугри белгилаш имконини беради. Асосий воситаларни такрор хосил килишнинг асосий манбаи уларнинг эскирган кисмига ёзилган ёки ажратилган амортизация ажратмаси ва шу амортизация хисобига хосил буладиган амортизация фондидир.

Асосий воситаларнинг эскириши икки хил булади:

1. Жисмоний эскириш
2. Маънавий эскириш

Жисмоний эскириш уз навбатида икки хил, яъни асосий воситанинг бевосита ишга катнашимш жараёнида эскириши булса, иккинчиси ишга катнашмасдан об-хавонинг таъсирида эскириши тушунилади.

Маънавий эскириш эса ишга ярокли воситани унга караганда унумлирок ёки арзонрок воситага нисбатан кийматини пасайишидан иборат. Эскириш техникавий тушунча булиб унинг иктисодий мазмунини амортизация тушунчаси ташкил этади. Шунинг учун асосий воситанинг амортизация ажратмасини ташкил этишда уни хажмини белгилашда, жисмоний хам маънавий эскириш даражаси хисобга олинади.

## 4.4. Амортизация фонди ва уни ташкил этиш.

Амортизация ажратмаси асосий воситаларни тиклаш, кайта тиклаш, ремонт килиш ва модернизациялаш учун ишлаттилади. Йиллик амортизация ажратмаси белгиланган амортизация нормасига асосан хисобланади. Йиллик амортизация нормаси асосий воситанинг дастлабки кийматига асосан белгиланиши мумкин. Дастлабки даврда амортизация нормасини белгилаш учун йиллик амортизация суммасини белгилаш талаб этилади. Бу куйидагича аникланади:

$$A_{сум} = \frac{ДК + КР + М + Т - ТХ}{М}$$

Бунда: Асум - амортизациянинг йиллик суммаси
ДК - дастлабки киймат
КР - капитал ремонт киймати
М - модернизация суммаси
Т - тугатишдан келган даромад
ТХ - тугатиш харажтлари
М - фойдаланиш муддати


www.qmii.uz/e-lib

Мисол: тракторнинг дастлабки киймати  5,0 млн, капитал ремонт харажатлари 3 млн , тагитш харажатлари  0,2 млн, тугатишдан келган даромад 0,2 млн  фойдаланиш муддати  7 йил. Бунда:

$$A_{сум} = \frac{5{,}0 + 3 + 0{,}2 - 0{,}2}{7} = \frac{8}{7} = 1{,}14 млн$$

Бунда йиллик  амортизация нормаси $А_н$ :

$$A_н = \frac{A_{сум} \times 100}{ДК} = \frac{1{,}14 \times 100}{5} = 22{,}5\%$$

Автомобилларда  т тула тиклаш учун дастлабки кийматдан, капитал ремонт учун  эса дастлабки кийматидан  хар 1000 км босиб утган  йули  учун норма  белгиланади.

### 4.5. Машиналар системаси ва корхонанинг машина ва ускуналарга булган талабини аниклаш.

Асосий ишлаб чикариш воситалари таркибида механик ишлаб чикариш воситалир жуда катта ахамиятга эга. Ишлаб чикарувчи кучларнинг ривожланиши энг аввало  мехнат куролларининг такомиллашуви билан боглик. Чунки механик мехнат куроллари мехнат унумдорлигининг кеский ошувига, ишлаб чикариш куламининг кенгашига, махсулот бирлигига харажатларнинг кискарувига олиб келади.

Механик  ишлаб чикариш воситалари таркибида  тракторлар ва куч  берувчи машиналарнинг урни бекиёс. Лекин  иш машиналари  уларнинг хусусияти, таркиби кишлок хужалиги экинларига ишлов бериш технолгиясини таркиб топтиришда  асосий омилдир. Чунки иш бажарувчи машиналарнинг хусусияти, уларнинг самарадорлик  курсаткичларига кура  куч  юерувчи машиналарни яратиш талаб этилади.  Кишлок хужалигини механизациялаштириш  ва автоматлаштириш турлди машиналарни  бир тартибда  - системада куллашни талаб этади.  Кишлок хужалигидаги айрим иш жойларида механик воситаларни якка тартибда кушилиш жараёнларига  механизациялаш дейилади.

Иш  жараёнларини  купчилигида ва айникса асосий жараёнларида механик воситаларни куллаш, ишларни  кул  урнига  машинада  бажариш  комплекс механизациялаш дейилади.

Махсулот  ёки  унинг  айрим асосий  кисмини етиштириш билан боглик  хамма иш жараёнларини  кул мехнати  иштирокисиз,  факат машиналар ёрдамида бажарилиши автоматлаштириш дейилади.  Бирон-бир махсулот етиштиришда комплекс механизация  ёки автоматлаштиришни  амалга ошириш учун машиналар системаси булиши керак.

Кишлок хужалигида машиналар системаси  бу  бирон-бир  махсулот етиштириш жараёнидаги узаро  кетма-кет келадиган иш жараёнларида кулланиладиган  бир-бирини тулдирвадиган микдори ва унуми жихатидан  бир-бирига мутаносиб келадиган  турли иш бажарувчи  ва куч  берувчи  машиналарнинг узаро  бирлиги  ёки йигинидир.

Кишлок хужалигида машиналар  системаси турли тармокларда  экинлар группалари буйича  турлича булиб уларда кулланиладиган технологик  хусусиятидан келиб чикади. Технологияни тубдан узгариши  уз навбатид а машиналар системасига узгартиришлар киришини такоза килади. Кишлок хужалигида машиналар системасини яратишда  унга куйиладиган талабларни хисобга олиш керак.  Булар куйидагича:

1. Системага киритилган машина  ускуналарининг  сони, унуми жихатидан бир-бири билан уйгунлашган булиши, иш бажарувчи машиналарнинг узаро ва иш  берувчи машина кувватига мос келиши.


www.qmii.uz/e-lib

2. Иш бажурвчи машиналар комбинациялашган булиши, яъни бир машинанинг узида бир вактда бир неча жараённи бажариши мумкин булишини таъминланиши.
3. Иш ва куч берувчи машиналарнинг универсаллигини ошириш, яъни машина ускуналарини турли экинларда, турли иш жараёнларида фойдаланиш.

Корхона бизнес режаларининг муваффакиятли бажарилиши машина ва ускуналарга булган талабни тугри аниклашга боглик. Корхонанинг машина ва ускуналарга булган талаби корхонанинг ихисослашишига, жойлашишига, интенсивлик даражасига, эришилаётган ва режалаштирилаётган мехнат унумдорлиги даражасига хамда мавжуд иктисодий ва ижтимоий вазиятга, бажарилиши кузда тутилган ишлар хажмига ва уларни бажариш муддатларига боглик.

Корхонанинг машина ускуналарига булган талаби жорий йилга ва истикболга булган талабдан иборат. Талабни аниклашда энг аввало куч берувчи машинага, яъни тракторга, комбайинга ва узи юрар машинага булган талаб аникланади. Тракторга булган талаб жорий йил учун унинг жисмоний улчовида, истикбол учун эса шартли улчовда аникланади. Шартли улчов сифатида эталон трактор хамда трактор тонна – класси кабул килинган.

### Мавзу буйича назорат саволлари:

1. Мехнат предмети таркибига нималар киради?
2. Мехнат воситалари деганда нимани тушунаси ва уларга нималар киради?
3. Ишлаб чикариш воситалари нима?
4. Асосий ва айланма воситалар тушунчаси?
5. Асосий ва айланма воситалар таркиби ва уларни такрор хосил килиш деганда нимани тушунасиз?
6. Асосий воситалардан фойдаланинш иктисодий курсаткичларига кайсилар киради?
7. Асосий воситаларниг эскириши деб нимага айтилади ва кандай турларга булинади?
8. Амортизация нима ва у кандай аникланади?
9. Механизациялаш, комплекс механизациялаш ва автоматлаштиришга таърифберинг?
10. Корхонанини машина ускуналарга булган талаби кандай аникланади?

## 5 – МАВЗУ: КИШЛОК ХУЖАЛИГИДА ЕРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИ РЕЖАЛАШТИРИШ

### РЕЖА:

5.1. Кишлок хужалигида ер ишлаб чикариш воситаси эканлиги, кишлок хужалиги ярокли ерлар тушунчаси.
5.2. Кишлок хужалиги ярокли ерларни ташкил этиш ва жойлаштириш.
5.3. Ердан фойдаланишни режалаштириш ва экинлар буйича таксимлаш.
5.4. Дехкончиликда технологик карталар ва оператив режалар тузиш.
5.5. Дехкончилик тармогини режалаштиришда ички хужалик хисобига амал килиш ва унинг ахамияти.

**Адабиётлар: 1, 3, 4, 5, 6, 8, 10, 12, 19, 21, 23, 26, 46**


www.qmii.uz/e-lib

**Таянч иборалар:** кишлок хужалиги, дехкончилик, режалаштириш, ердан фойдаланиш, технологик карталар, оператив режалар, агротехник тадбирлар, хужалик хисоби, ялпи махсулот, ихтисослаштириш, интенсивлаштириш, интенсив технология.

## 5.1. Кишлок хужалигида ер ишлаб чикариш воситаси эканлиги, кишлок хужалиги ярокли ерлар тушунчаси..

Кишлок хужалиги корхоналарида ер нафакат корхонанинг жойлашиш худуди, шу билан бирга ишлаб чикаришнинг энг зарурий воситаларидан бири сифатида катнашади. Ер энг аввало табиат махсули булиб, дастлабки кишилар мехнати махсули эмас ва уни бошка воситалар билан алмаштириб булмайди. Ер инсонлар учун табиатдан яратилган энг буюк неъмат булиб, у инсонларга яшаш учун озик-овкат ва бошка истеъмол воситалари етиштириб берувчи ишлаб чикариш воситаси хисобланади.

Ерни ишлаб чикариш воситаси сифатида узига хос хусусияти куйидагилардан иборат:

1.Ер табиатдан чекланган, уни инсонлар хохлаганича ярата олмайди.;

2.Ердан тугри фойдаланилганда уз унумдорлигини ошириб боради;

Ердан бошка хамма воситалар ундан фойдаланиш давомида эскиради ва вакт утиши билан уз унумини йукотиб бошка янгиси билан алмаштирилади. Ер эса ундан тугри ва оклиона фойдаланилганда уз унумини ошириб боради. бу ер унумдорлигини , экинлар хосилдорлигини ошириб боришда намоён булади.

Ерга ишлов бериш, мураккаб машиналар, илгор технологиясини жорий килиши оркали кишилар ерга, ундаги экинларга таъсир этиб, уларнинг хосилдорлигини оширади. Шугндай килиб ер кишлок хужалиги ишлаб чикариш жараёнида факат мехнат предмети ёки мехнат йуналтирилган восита сифатида катнашиб колмасдан, асосий восита сифатида экинларга таъсир этувчи восита сифатида катнашади. Шунинг учун ер кишлок хужалик ишлаб чикаришнинг энг асосий ишлаб чикариш воситасидир. Ерни табиатдан чекланганлиги, унинг унумдорлигини ошириб бориш имкониятининг мавжудлиги, шу имкониятни руёбга чикариш учун ернинг табиий унумдорлигини, хусусиятларини хисобга олган холда унга муносабатда булишни такоза этади.

Ернинг табиий хусусиятлари кишлок хужалигини ташкил этищда ва уни ривожлантирищда катта ахамият касб этади. Аммо хал килувчи омил бу иктисодий шарт-шароитлардир. Иктисодий тадбирларни тугри амалга ошириш кишлок хужалиги ишлаб чикаришнинг интенсив асосда олиб боришга, ернинг хар бирлигидан кам мехнат ва маблаг сарф килиш оркали энг куп кишлок хужалик махсулотлари етиштириш имкониятини беради.

Халк хужалигининг тармокларида ерни ахамияти турлича. Агар саноатда ер уларнинг жойлашиш урни булиб хисобланса, кишлок хужалигида эса нафакат ер кишлок хужалик корхоналарининг жойлашиш урни вазифасини утайди. Балки мехнат предмети ва мехнат воситаси вазифаларини бажаради. Кишлок хужалигида ернинг унумдорлиги биринчи уринда туради.

Ер фонди деб, маълум бир мамлакат ёки хужалик худудидаги барча куруклик ва сув ости ер майдонларини йигиндисига айтилади. Узбекистон ер майдони 44,7 млн.га 1924 йили Узбекистоннинг ер майдони 44,7 млн.га ахоли эса уртача 4 млн. 1 кишига тугри келадиган ер майдони 11,1 га ерга тугри келади.

1998 йилга келиб ахоли сони 24 млн.га етди, ер майдони эса узгармасдан колди. Бу йилга келиб 1 кишига тугри келадиган ерлар 1,9 га Бу курсаткичлар шуни ифодалайдики йилдан-йилга бир кишига тугри келадиган ер майдони кискариб бормокда, ернинг киммати ошиб бормокда. Булар эса ердан фойдаланиш самарадорлигини оширишни мухим вазифа килиб куяди. 1998 йил


www.qmii.uz/e-lib

кабул килинган ер кодексига асосан Узбекистонда ер фонди фойдаланиш даражасига караб куйидаги тоифаларга булинади:

- кишлок хужалиги учун (жамоа ширкат хужаликлари, дехкон хужаликлари, фермер хужаликлари, ижара хужаликлари);
- шахар ва посёлка учун ажратадиган ерлар;
- турли хил ер ости бойликлари, курикхоналар ва бошка дам олиш учун ажратадиган ерлар;
- урмон хужалиги учун ажратадиган ерлар;
- сув хужалиги учун ажратилган ерлар;
- давлат захирасидаги ерлар.

Кишлок хужалигида фойдаланиладиган ерлар сифат ва микдор жихатдан хисобга олиниб борилади. Бунинг учун хужаликда хар йили 1 ноябрда ер баланси тузилади. Ер балансини хисоблашда ернинг факат микдор томонини эмас, балки унинг сифат жихатини хам эътиборга олиш керак. Бу масаланинг мохияти шундан иборатки, ерлар микдор жихатидан бир хил булса хам унинг хусусияти хар хил булади. Бу эса ерларни солиштирма бахолашни такозо этади. Ана шу вазифани тупрокни банитирофка килиш бажаради. Банитирофканинг асосий максади хосилдорликни аниклашдан иборатдир. Банитирофка одатда 100 балл системасидан олиб борилади.

### 5.2.Кишлок хужалиги ярокли ерларни ташкил этиш ва жойлаштириш.

Ердан тула ва самарали фойдаланиш ташкил этиш учун ер тузиш ишлари утказилади. Ер тузиш ер тугрисидаги конун хужжатларини амалга оширишга, ерлардан фойдаланиш ва уларни мухофаза этишни ташкил килишга, ер ресурсларини хисобга олиш ва бахолашга, кулай экологик мухитни вужудга келтиришга, ер тузиш ишларини худудудий ички хужалик режаларини тузишга каратилган тадбирлар тизимини уз ичига олади.

Ер тузиш Узбекистон Республикаси Вазирлар махкамаси махаллий давлат хокимияти органлари карорига ёки юридик ва жисмоний шахсларнинг аризаларига мувофик амалга оширилади.

Ер тузиш истикболига мулжалланган, лойихалаш олидидан, хужаликлараро хамда ички хужалик ер тузиш ишларига булинади. Истикболга мулжалланган хамда лойихалаш олдидан амалга ошириладиган ер тузиш ишларига куйидагилар киради:

1. Республика ва унинг минтакалари ер - сув ресурсларидан фойдалани ва уларни мухофаза килиши чизмаларини ишлаб чикиш.
2. Туманлар ва вилоятларнинг ер тузилиши чизмаларини ишлаб чикиш.
3. Тупрок унумдорлигини ошириш билан боглик булган истикболга оид прогнозларни хамда дастурларни ишлаб чикиш.
4. Табиатни мухофаза килиш курикхоналар ташкил ва уларнинг чегараларини белгилаш.

Кишлок хужалигиг ярокли ерлар деганда бевосита кишлок хужалигига таалукли булган, сурункали кишлок хужалик махсулотлари етиштириш учун фойдаланиладиган ерлар тушунилади. Кишлок хужалиги ерларига экинзорлар, яъни доимо дон ва бошка далачилик экинлари экиладиган ерлар, боглар яъни доимо купчилик мевали дарахтлар экиладиган ерлар, яйловлар-доимо чорва моллари бокиладиган ерлар, пичанзорлар-доимо пичан уриб олиш учун фойдаланиладиган ерлар киради.

Хужалик ер майдонларининг тарикиби ва узаро нисбати доимо бир хил булмайди. Ишлаб чикарувчи кучларнинг ривожланиши ахоли эхтиёжларининг усиб бориши билан у хам доимо узгариб боради.

## 5.3.Ердан фойдаланишни режалаштириш ва экинлар буйича таксимлаш.

Ер худудини режалаштириш деганда, корхонани унинг булинмалар ташки чегаралари, тегишли кишлок хужалигига ярокли ерларни корхона территориясида жойлаштириш, алмашлаб кэиш, ахоли пунктларига, йул ва сув шахобчаларини ташкил ва корхона худудида жойлаштириш тушунилади. Корхона ер территориясини тугри ташкил этиш, ер майдонларидан тугри, тула ва унумли фойдаланиш таъминловчи асосий шартлардан бири булганлиги учун бу ишга катта эътибор берилади. Ердан фойдаланилганлигини учун яна ер солигининг жорий этилганлиги бу масаланинг долзарблигини янада оширади. Давлат ердан фойдаланишларига хамда кишлок хужалик корхоналарига конунда белгиланган тартибда ер участкаси ажратиб берилди.

Ер учсаткаси – ер фонидининг кайд этилган чегарага, майдонга, жойлашиш манзилига, хукукий режимига хамда давлат ер кадастри ва ер участкасига булган хукукларига давлат руйхатидан утказиш хужжатлари акс эттириладиган бошка жихатларга эга булган муайян кисми.

Мулажалланган фойдаланиш максадларига кура мустакил ер участкаларига булиниши мумкин булмаган мустакил ер участкалар булинмайдиган ер участкаси хисобланмайди.

Кишлок хужалик корхоналари ер территорияларини режалаштиришда ва ташкил этишда куйидаги тамойилларга амал килишлари керак:

1. Ерни умум халк давлати мулки эканлиги ва ердан фойдалаилганлиги учун тулиб бориши. Хар бир корхона ердан фойдаланишни давлат томонидан назорат килиб турилишини эсда саклаш керак.
2. Ер территориясининг доимийлиги яъни ер ва ундан фойдаланувчилар «Ер кодекси»га биноан абадий фойдаланиш учун (дехкон, фермер хужаликларига) ёки узок муддатга (ширкат хужалик) 40 йилдан кам булмаган муддатга ижарага берилади.

Ерни ундан фойдаланувчилар учун абадий ва узок муддатга берилиши, ерни тубдан яхшилаш, тупрок унумдорлигини ошириш билан боглик булган йирик тадбирларни амалга ошириш, уларни натижасидан манфаатдор булишни таъминлайди. Бу эса тупрок унумдорлигини узок муддат саклашга кишлок хужалигини интенсив асосда ривожланиб бориш имкониятини беради.

Корхонани ташкил этиш учун унга ер майдонининг ажралишида унинг ташки чегараларини белгилашда энг максадга мувофик геометрик шаклини танлаш керак булади. Бунда шу корхона ташкил этилаётган худуднинг рельефи, табиий ёки сунъий тусикларнинг мавжудлиги эътиборга олинади. Лекин бир хил шароит булганда, иктисодий ва ижтимоий талабларга купрок жавоб берадиган геометрик шакл танлаш керак. Масалан, доира, ярим доира, учбурчак, квадрат, тугри туртбачак ва хокоза. Хажми унча катта булмаган корхона ер территорияси учбурчак, квадрат шаклда ва битта ахоли пунктдан иборат булгани маъкул. Йирик, бир неча ахоли пунктидан иборат хужаликни ер территорияси тугри туртбурчак шаклида булгани маъкул.

## 5.4. Дехкончиликда технологик карталар ва оператив режалар тузиш.

Дехкончиликда, дала ишларини ташкил этиш ва режалаштиришнинг технологик карталарга асосан олиб борилади. Технологик карталарда маълум бир усимликни экиш, устириш ва унинг хосилини йигиштириб олиш билан боглик булган барча ишлар катъий бирин-кетинлик билан езилади.

Сунгра хар бир ишни бажариш технологияси ишнинг сифати, микдори, шу ишни бажаришда ишлатиладиган тракторнинг маркаси, кишлок хужалик техникасининг маркаси, ишни бажариш муддати, ишнинг бирлигига сарфланадиган ёгилги нормаси ва жами ишга сарфланадиган ёгилги микдори, иш бирлигига сарфланадиган мехнат сарфи, иш буйича келтирилган харажатлар баен килинади. Технологик карталар уз навбатида хужаликнинг бизнес-режасининг хисоб-китоб кисми хисобланади.


www.qmii.uz/e-lib

Технологик карталар асосида маълум бир махсулотни ишлаб чикариш буйича барча сарф-харажатлар, махсулот таннархи, мехнат унумдорлиги аникланади.

Дала ишларини ташкил килиш технологик карталарга асосан олиб борилади. Режалаштиришда хам технологик карталар ва оператив режалар тузиш хар томонлама хисобга олиниши керак. Технологик карталарда маълум бир усимликни экиш, устириш ва унинг хосилини йигиштириб олиш билан боглик булган барча ишлар катъий бирин-кетинликда езилади. Дехкончиликда тузиладиган технологик карта хар бир экин тури буйича алохида тузилган булиб, куйидаги боскичлардан иборат булади:

•хайдаладиган ер майдонларининг хажми;
• ерларни текислаш ва экишга тайерлаш;
• экинни экиш;
• экинни сугориш;
• экин учун ишлов бериш;
• техника билан ишлов бериш;
• кулда ишлов бериш;
• минерал угит бериш;
• махаллий угит бериш;
• экинларни сугориш, вегетация даврида бажариладиган ишлар;
• хосилни йигиб-териб олиш;
• олинган хосилни ташиш;
• хосилдан тозаланган майдонларни йигиштириш;
• ерни хайдаш;
• сугориш;
• шурни ювиш учун бостириб сугориш;
• келгуси йил учун (бостириб сугориш) тайерлаб куйиш.

Тузилган технологик карталарда оператив режаларни тузиш хамда бу режаларни бажарилишида ишончли имкониятларни кулга киритиш катта ахамиятга эга. Дехкончилик тармогидаги оператив режа уз вактида бажарилмаслиги окибатида йиллик ишлаб чикаришга салбий таъсир курсатилади Шунинг учун, Дехкончилик тармогида фаолият курсатувчилар хар бир ишни оператив, яъни зарурий вазифалар деб хисоблашлари лозим. Дехкончиликда оператив режаларга куйидагиларни мисол килишимиз мумкин-уруг экиш вакти, ишлов бериш, сугориш, хосилни йигиб олиш ва хоказолар, яъни оператив киска муддатда бажариладиган ишлар.

Технологик карталар ва оператив режалар бир-бирига узвий боглик булади.

## 5. 5. Дехкончилик тармогини режалаштиришда ички хужалик хисобига амал килиш ва унинг ахамияти.

Дехкончилик тармогини режалаштиришда ички хужалик хисобига амал килишнинг ахамияти шундаки, кишлок хужалигининг мавсумийлиги, табиий иклим шароитларининг кулай ва нокулайликлари, хамда хозирги бозор иктисодиёти шароитида кишлок хужалик корхоналаридаги катор муаммоларни келишида ички хужалик хисоби уларни хал килиш учун ердам беради. Ички хужалик хисобининг 5 та принципи хам мавжуд булиши керак, яъни узини-узи маблаг билан таъминлаш, моддий рагбатлантириш, пул билан назорат килиш, рентабелликни ошириш ва ички режапарини чукур тахлиллар асосида тузиш.

Дехкончилик кишлок хужалигининг мухим тармоги булиб, у галлачилик, картошкачилик, пахтачилик, озика ишлаб чикариш, богдорчилик, узумчилик каби мустакил тармокларнинг катта

группасини уз ичига олади. Уларнинг хар бири хаёт учун зарур булган озик-овкат махсулотлари, саноатнинг купгина тармоклари учун эса кимматбахо хом-ашё етказиб беради. Бу махсулотларга булган талаб ва эхтиёж йилдан-йилга ошмокда.

Халкимизнинг талаб ва эхтиёжларини кондириш учун эса кишлок хужалик корхоналари ва уларнинг тармокларини, шунингдек, дехкончилик сохасини иктисодий тахлил килиб бориш катта ахамиятга эга. Тахлил килиш хужалик фаолиятини хар томонлама урганишга, мавжуд имкониятларни аниклаш ва шу асосда арзон ва куп ялпи дехкончилик махсулотларини етиштириш имкониятини яратишга олиб келади.

Хужаликнинг дехкончилик тармогини тахлил килишга оид асосий вазифалар куйидагилардан иборат: режанинг бажарилиши даражасини барча курсаткичлар буйича, яъни ялпи махсулот етиштириш, экин майдонлари, хосилдорлик, агротехника тадбирлари ва бошкалар буйича аниклаш, тахлил килинаётган хужалик курсаткичларини илгор хужалик маълумотлари билан таккослаш; махсулот чикишга турли омилларнинг таъсир этиш даражасини, яъни экин майдонларини кенгайтириш ва хосилдорликни купайтириш имконини берадиган еки ишлаб чикариш фаолиятига салбий таъсир этадиган сабабларни аниклаш. Шунингдек, дехкончиликда ялпи махсулот етиштиришни купайтиришда фойдаланилмаган имкониятларни аниклаш ва хисоблаб чикиш хамда уларни ишлаб чикариш фаолиятига жалб килишга доир аник таклифларни киритиш вазифаларидан иборатдир.

Ялпи дехкончилик махсулотларини купайтириш ички имкониятларгагина боглик булмай, балки агротехника чора-тадбирлари режасининг тугри бажарилишига хам богликдир. Дехкончилик экинларининг хосилдорлигига, бинобарин, унинг ялпи хосилига агротехника тадбирлари катта таъсир курсатади. Шу сабабли дехкончилик махсулотлари режасининг бажарилишини тахлил килаётганда хужаликлар белгиланган комплекс агротехника коидалари бажарилган ёки бажарилмаганлигини хам хисобга олиб бориш лозим. Бунда: экинлар качон экилганлиги, кай вактда угитланганлиги, улар кандай йигиштириб олинганлиги, умуман агротехника ишлари режаси кандай бажарилганлигига бахо берилиши керак.

Узбекистон хукумати дехкончилик тармоклари олидига куйидаги асосий вазифаларни куйган:

1. Дехкончилик махсулотлари ишлаб чикаришни мунтазам равишда купайтириш, махсулот ишлаб чикариш суръатлари ахолининг усиш суръатларидан 2-3 марта ортик булиши керак.

2. Пахта, дон ва бошка махсулотлар ишлаб чикаришнинг купайтириш ва Узбекистон мустакиллигини таъминлаш.

3. Дехкончиликни интенсивлаштириш, интенсив технология жорий килиш ва хоказолар.

Кишлок хужалик корхоналарини дехкончилик сохасидаги йуналишларини белгилашда хужаликнинг чорвачилик сохасидаги шарт-шароитлар ва махсулотларни кайта ишлаш имкониятлари хисобга олинади. Бундам ташкари дехкончилик тармогини режалаштиришда хужаликнинг ихтисослашганлик холати асос булади. Дехкончилик сохасини режалаштирилган ишлари муваффакиятли бажариши учун унинг ердан фойдаланиш даражасига хам боглик. Дехкончилик сохасини режалаштиришда асосий вазифалар булиб, куйидагилар хисобланади:

1. Хужаликнинг ихтисослашуви ва ердан фойдаланишнинг кадастр бахоси.
2. Хужаликнинг сув ресурслари, асосий фондлари ва мехнат ресурсларидан фойдаланиш даражаси.
3. Хужалик ерларининг экинлар буйича таксимланишида муаммоларни хисобга олиш.
4 Хужаликда чорва молларининг бош сони, уларнинг турлари, махсулдорлиги ва хужаликбалансини хисобга олиш.


www.qmii.uz/e-lib

5. Хужаликнинг жами етиштириладиган махсулотларни сотиш, кайта ишлаш ва ички таксимлашни хисобга олиш.
6. Дехкончилик тармогини ривожланишдаги жорий ва келгуси давр харажатлари.

### Мавзу буйича назорат саволлари:

I. Кишлок хужалигида ярокли ерлар деб кандай ерларга айтилади?
2. Узбекистонда сугориладиган ерлар канчани ташкил килади?
3. Кишлок хужалиги ерларининг самарадорлиги кайси йуллар билан оширилади?
4. Ерларнинг мелиоратив холатини яхшилаш самарадорликка таъсир курсатадими?
5. Ер фонди деб нимага айтилади?
6. Ер балансини хисоблашда нималарга эътибор берилади?
7. Технологик карталарда нималар берилади?
8. Узбекистонда ер фонди фойдаланиш даражасига караб кандай тоифаларга булинади?
9. Дехкончилик ишларини режалаштиришдаги асосий вазифалар?
10. Технологик карталар ва оператив режалар бир-бирига кандай боглик?

## 6- МАВЗУ: ЭКИН МАЙДОНЛАРИ ВА КИШЛОК ХУЖАЛИК ЭКИНЛАРИНИНГ ХОСИЛДОРЛИГИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ

### РЕЖА:

6.1. Дехкончилик имшлаб чикариш режасининг тузилиши.
6.2. Экин майдонлари таркибини режалаштириш.
6.3. Дехкончиликда экинпарнинг хосилдорлигини режалаштириш.
6.4. Дехкончилик махсулотларини етиштиришнинг тахлил килинишидаги вазифалар.
6.5. Ердан фойдаланишни режалаштириш ва экинлар буйича таксимлаш

**Адабиётлар: 3, 4, 7, 11, 17, 21, 23, 24, 25, 26, 36, 37, 45**

**Таянч иборалар:** экин майдони, хосилдорлик, дехкончилик, ялпи махсулот, дехкончиликда ишлаб чикариш харажатлари, молия режаси, иктисодий унумдорлик, ялпи хосил, интенсивлаштириш**.**

### 6.1. Дехкончилик ишлаб чикариш режасининг тузилиши.

Дехкончилик ишлаб чикариш режасининг тахлил килиш хужалик фаолиятини иктисодий тахлил килишнинг асосий турларидан биридир. Дехкончиликда ялпи махсулот етиштириш ва хосилдорлик режасининг бажарилиши курсаткичларини урганиш факат ялпи махсулот етиштиришни купайтиришнинг хозирги имкониятларини кидириб топиш ва ундан фойдаланишгагина эмас, балки келгусида хужаликнинг дехкончилик тармогини ривожлантиришга доир аник чора-тадбирларни белгилашга хам имкон беради.

Дехкончиликка доир ишлаб чикариш режасининг бажарилишини тахлил килишни кишлок хужалик махсулотлари ялпи хосили тугрисидаги хисобот материалларини урганишдан бошлаш керак.

Ишлаб чикариш-молия режаси, аналитик учёт маълумотлари асосида тузилган йиллик бухгалтерия хисоботлари, шунингдек, бригадаларнинг хисоботлари ялпи хосил режасининг бажарилишини тахлил килишда асосий манба хисобланади. Дехкончиликка доир бу хажжатларда

экин майдонлари, олинган махсулот микдори, режали ва хакикатда олинган хосил хакидаги маълумотлар келтирилади. Кишлок хужалик экинлари майдони, уларнинг хосилдорлиги ва ялпи хосил олиш хакидаги бригадаларга таксимланган режали ва хакикий материаллар йиллик хужалик хисоботларида ва уларнинг бажарилиши хакида хисоботларда мавжуддир.

Дехкончиликда ялпи махсулот етиштиришни тахлил килишни барча турдаги кишлок хужалик экинларининг ялпи хосили режасининг бажарилишини урганишдан бошлаш керак. Бунинг учун экинлардан хакикатда олинган махсулот микдорини режа курсаткичлари билан таккослаш лозим. Режа курсаткичларининг бажарилишига бахо бериш туфайли биз дехкончилик махсулотлари режаларининг бажарилиши кай ахволда эканлигини биламиз. Шунингдек, режа топширикларини тахлил килиш дехкончилик махсулотлари етиштириш кандай ортиб бораётганлигини урганиш, махсулотни купайтириш суръатларини белгилаш имконини беради. Махсулот етиштириш режасини бажарилишини тахлил килишни турли экинлар, хусусан, кишлок хужалигидаги асосий экинларнинг натура шаклидаги курсаткичлари асосида урганиш зарур.

### 6.2. Экин майдонлари таркибини режалаштириш.

Экин майдонларининг таркиби дейилганда жами экиш майдонида айрим турдаги экинлар майдонининг тутган салмоги тушунилади. Экин майдонлари таркиби ёки структураси факат агротехник тадбир булибгина колмай балки йирик ташкилий иктисодий тадбир хамдир. Экин майдонлари таркиби тупрок унумдорлигини ошириш талаби билан бирга махсулот турлари буйича давлат режа топширикларини сузсиз бажариш, тармокларни узаро максадга мувофик уйгунлаштириш талабларидан хам келиб чикади. Шунинг учун экин майдонлари рационал структурасининг асосий вазифаси экиндорларнинг юкори унумдлорлигига эришиш, кишлок хужалик махсулотларини сотиш буйича режа топширикларини бажариш, хужалик ички эхтиёжларини кондириш учун зарур микдорда махсулот етиштириш ва унинг юксак рентабеллигини таъминлашдан иборатдир. Кишлок хужалик корхоналарида экин майдонлари талабига кура алмашлаб экиш тизими белгиланади.

Алмашлаб экиш дехкончилик системасининг мухим звеносидир. Алмашлаб экиш хужалик тараккиётининг тупрок-иклим ва иктисодий шароитларини хисобга олган холда турли кишлок хужалик экинларининг состави, нисбати ва навбатини белгилаб беради. Алмашлаб экишни ишлаб чикиш ва узлаштириш катта ахамиятга эга. Алмашлаб экишни ишлаб чикиш ва узлаштириш катта ахамиятга эга. Алмашлаб экиш булмаса, дехкончиликда юксак маъданият, ерда тартиб булмайди. Хосилдорликни ошириш сохасидаги тадбирларнинг хар кандай системаси агар у алмашлаб экиш жараёнида тадбик этилсагина кутилган натижаларни беради. Алмашлаб экиш экинларни навбат билан етиштиришни, далаларда турли экин майдонларини окилона жойлаштиришни белгилайди. Бу эса гоят мухимдир. Чунки хар бир экин ерга нисбатан уз талабларини куяди, унинг хосилдорлигига хар хил таъсир курсатади. Бир хил экинлар хосил билан бирга купгина озик берувчи моддаларни олиб кетади. Бошкалари эса, аксинча тупрокни зарур элементлар билан бойитади. Умуман олганда, алмашлаб экиш вактида экинларни рационал тарзда навбат билан етиштириш тупрокнинг сув-хаво режимини яхшилайди, махсулот олиш учун унинг имкониятларидан тударок фойдаланишга ердам беради. Айни вактда илмий асосланган алмашлаб экиш тупрок хосилдорлигининг камайишига йул куймайди, балки унинг ошиб боришига сабаб булади.

Хар бир алмашлаб экишга экинларнинг уз структурасига хосдир. Экинлар структураси хам, дехкончилик системаси хам уз холича танлаб олинмайди. Улар зона ва иктисодий шароитларга боглик булади. Шамол эррозиясига учраб турган зоналарда алмашлаб экишда пичанзорлар ва шудгор килиб куйилган ерлар мухим урин эгаллайди. Айни вактда бу тадбир бегона утларга карши курашиш ва намни саклаб колишга ердам беради Хар кандай зонада

дехкончилик системаси ва экинлар структураси хамиша бир хил булиб колавермайди. Ишлаб чикарувчи кучларнинг ривожланиши билан улар узгариб туради. Бундан аввало кулланиладиган угитлар микдори, ишлаб чикаришнинг техника билан, хужаликнинг мехнат ресурслари билан таъминланиши назарда тутилади Агар бирор районда табий шароитлар бирхил экинини эмас, балки бир неча хил экинни етиштириш имконини берадиган булса, уларнинг кайси бирини афзал куриш керак? Бу нарса хар гектар ердан олинадиган махсулот микдорига карабгина белгиланмайди. Турли экинларнинг угитларга моддий ва мехнат ресурсларига талаблари хам катта ахамиятга эга.

Масалан, хайдаладиган ерда етиштириладиган экинларни ва куп йиллик утларни олиб курайлик. Купгина хайдаладтган ерларда етиштириладиган экинлар гектар бошига пичанларга Караганда купрок махсулот беради Аммо хужаликда катта майдонлардаги хайдаладиган ерда етиштириладиган экинларни парвариш килиш учун угит, техник ва ишчи кучи етишмаслиги мумкин. Бундай шароитда майдонларнинг бир кисмини пичанзорлар учун ажратиш максадга мувофик булади. Хозирги вактда хужаликларнинг хаммасида хам алмашлаб экиш пухта узлаштирилган деб булмайди. Бир канча хужаликларда далалардаги экинлар ундан илгариги йилларда етиштирилган экинни хисобга олмаган холда жойлаштирилади, бир даланинг узида куп йиллар давомида хадеб бир хил экиннинг етиштирилишига йул куйилмокда. Бу эса далаларнинг бегона ут босишига, экин касалликлари ва зараркунандаларнинг таркалишига хосилдорликнинг ва тупрок махсулдорлигининг камаиишига олиб бормаокда. Алмашлаб экишнинг тугри узлаштирилиши, хар бир хужаликда ва булинмада конкрет шароитларни хисобга олганда экинлар састави ва навбатини белгилаш-барча рахбарлар ва мутахассисларнинг эътибор марказида булиши керак.

## 6.3. Дехкончиликда экинпарнинг хосилдорлигини режалаштириш.

Дехкончилик махсулотларини тахлил килишда экинлардан олинган ялпи хосил, уларнинг хосилдорлигини куриб чикиш, хам жуда мухимдир.

Ялпи хосил деганда, бутун экин майдонидан олинган махсулот тушунилади.

Хар бир гектар экин майдонидан йигиштириб олинган уртача хосил экинларининг хосилдорлиги деб юритилади. Хосилдорлик ишлаб чикаришнинг маълум тарихий ва табиий шарт-шароитларида етиштирилган экинларнинг холатини тасвирлаб берувчи курсаткичдир. Экинлар хосилдорлиги ер майдонларининг иктисодий унумдорлигини, яъни дехкончиликда фаннинг хозирги замон ютуклари ва илгорлар тажрибалари кай даражада фойдаланилганини курсатади.

Дехкончилик экинларининг хакикий уртача хосилдорлиги ялпи хосилни экин майдонига булиш йули билан аникланади. Хосилдорлик айрим экинлар буйича, шунингдек, бутун бир гурух экинларининг турлари буйича хам хисоблаб чикилиши мумкин.

Хосилдорлик ва ялпи хосил узгаришини тасвирлаб бериш учун режа ва хисобот курсаткичларидан фойдаланиш мумкин. Бунда утган давр маълумотлари бошка хужалик ёки туман, вилоят, республика маълумотлари билан таккослаб курилади.

Дехкончилик тармокларини ташкил килиш, корхонанинг истикбол ва йиллик режаларини хамда ишлаб чикариш бригадаси ва звеноларининг хужалик хисоби топшириклари ишлаб чикишда хал килувчи омил – кишлок хужалик экинлари хосилдорлигини режалаштиришдир. Экинлар хосилдорлигини режалаштиришда энг мураккаб ва шу билан бирга энг асосий зарур курсаткич хисобланади. Чунки, хосилдорлик ишлаб чикаришнинг хамма хусусиятларини уларнинг экинга таъсирини узида мужассамлаштирилади. Ишлаб чикаришнинг айрим омиллари экинлар хосилдорлигига бевосита таъсир этса ва бу таъсирини маълум даражада микдор жихатдан хисоблаш имкони булсада, лекин бошкалари экинлар хосилдорлигига белвосита

таъсир этганлиги учун уларнинг таъсирини беворсита микдор жихатидан хисобга олиш анча кийиндир.

Бундан ташкари хосилдорликка таъсир этувчи омилларнинг хар бири узи алохида таъсир этмасдан балки узаро боглик ва бир-бирини тулдирган холда таъсир этгандагина юкори натижа беради. Бунда хал килувчи омил мехнатдир, бошка хамма омиллар шу мехнатнинг унумдорлигини оширишга хизмат килади.

## 6.4. Дехкончилик махсулотларини етиштиришнинг тахлил килинишидаги вазифалар.

Дехкончилик экинлари хосилдорлигини тахлил килишда маълумотларни факат йиллар буйича таккослаб курмасдан, балки куп йиллик уртача маълумотлардан хам фойдаланиш лозим. Чунки об-хаво шароитининг тез узгарувчанлиги дехкончилик экинлари хосилдорлигининг турли йилларда турлича узгариб туришига сабаб булади. Бинобарин, дехкончилик экинлари хосилдорлигининг таккослаб куриш дехкончиликни ривожлантириш сохасидан умумий фикрлар тугрисида нотугри тушунча бериши мумкин. Шунинг учун хам хосилдорликни тахлил килишда куп йиллик уртача маълумотлардан фойдаланиш максадга мувофикдир.

Дехкончилик махсулотлари етиштиришни тахлил килишда режаларнинг бажарилишини куриш билан бир каторда, хар бир тармокни интенсивлаш даражасини хам тахлили килиб бориш лозим. Чунки, махсулот етиштиришни купайтириш ва кишлок хужалигида ишлаб чикаришни самарадорлигини оширишнинг асосий йуналиши - бу интенсивлаштиришдир. Шунинг учун хам махсулот етиштиришни купайтиришга бевосита таъсир этадиган омилларни урганишда, интенсивлашнинг таъсирини хам тахлил килиш зарур. Бу ялпи махсулотни купайтиришда, унинг таннархини арзонлаштиришда кандай омиллар борлигини очиб беради.

## 6.5. Ердан фойдаланишни режалаштириш ва экинлар буйича таксимлаш

Ер – мехнат жараёни учун моддий зарурий шарт-шароит ва ишлаб чикаришнинг асосий воситаси, унинг энг мухим моддий омилларидан биридир. Ер халк хужалигининг бир канча тармокларида, аввало кишлок хужалиги ва урмон хужалигида ишлаб чикаришнинг табиат ином этган асосий воситасидир. Ер бир канча хусусиятларга эгаки, бу хусусиятлар шу тармокларда ишлаб чикариш жараёни характерига таъсир этади.

Ер ишлаб чикаришнинг кайта ишлаб чикарилмайдагин воситаларидандир. Бу эса ер ресурсларининг чекланганидан ва ернинг иклимий ва бошка табиий омиллар комплексига боглик эканлигидан далолат беради. Умуман олганда ер майдони чекланган, лекин кишлок хужалигида фойдаланиладиган ерлар майдонини мутлок чекланган деб булмайди. Техника ривожлангани, мелиорация ва кишлок хужалигини электрлаштириш кенгайгани ва уман ишлаб чикарувчи кучлар ривожлагани сари янги-янги ерларни кишлок хужалигида ишга солиш имконияти тугилади, лекин бундай имкониятлар чексиз эмас. Бунинг устига индустрлаштириш туфайли тескари ходиса руй бераяпти – ерларнинг бир кисми кишлок хужалик оборотидан чикиб бормокда. Кишлок хужалик махсулотларига булган ва тобора усиб бораётган эхтиёжларни аввало, узлаштирилган ерлардан интенсив ва фойдаланиш хисобига кондириш мумкин. Кишлок хужалик ишлаб чикаришини интенсивлаштириш уни ривожлантиришнинг асосий йули колганлиги ана шундандир.

Ишлаб чикариш воситаси хисобланган ернинг асосий хоссаси, яъни унинг истеъмол кийматини хосил киладиган асосий хоссаси ернинг унумдорлигидир. Иктисодий нуктаи назардан караганда ернинг унумдорлиги унинг инсон учун зарур усимлик махсулотларини етиштириб берувчи хамда чорвачиликни ривожлантириш учун шароит вужудга келтиришдан

иборатдир. Ернинг унумдорлиги унинг таркибидаги озикли моддалар микдорига, тупрок структурасига, экинларнинг тугри таксимланишига ва бошка биологик, иклимий омилларига богликдир.

Ердан юксак даражада самарали фойдаланишнинг асосий дехкончиликнинг рационал системасидир. Бу система муайян хужалик шароитларини хисобга оладиган холда кишлок хужалик экинлари хосилдорлигини ва тупрок махсулдорлигини оширишга каратилган агрономик, зоотехника ва ташкилий-иктисодий тадбирларнинг кенг комплексини уз ичига олади. Дехкончиликнинг рационал системаси, аслини олганда.кишлок хужалигининг ривожланишини белгиловчи хамма докторларни уз ичига олади. Ихтисослаштириш, янги техника ва технологияни жорий этиш, кимёлаштириш ва мелиорациялаш, кишлок хужалик экинларининг янги навларини тадбик этиш ва хоказалар шу жумлага киради.

**Мавзу буйича назорат саволлари:**

1. Кишлок хужалигининг экин майдонлари кандай тартибда режалаштирилади?
2. Кишлок хужалиги экинларининг хосилдорлигини олдиндан режалаштиришда нималарга эътибор берилади?
3. Экинларнинг хосилдорлигини кайси йуллар билан ошириш мумкин?
6. Дехкончиликда ялпи махсулот ишлаб чикариш деганда нимани тушунасиз?
7. Ялпи хосил деганда нимани тушунасиз?
8. Хосилдорлик ва ялпи хосил узгаришини тасвирлаб бериш учун кандай курсаткичлардан фойдаланилади?
9. Дехкончилик махсулотлари етиштиришни тахлил килишнинг ахамияти нимада?
10. Экинлар хосилдорлиги иктисодий самарадорликни оширишга кандай таъсир килади?
11. Кишлок хужалигига ярокли ерлар деб нимага айтилади?
12. Дехкончилик махсулотларини етиштиришни режалаштиришда нималарга эътибор бериш лозим?

## 7 - МАВЗУ: КИШЛОК ХУЖАЛИГИДА ДЕХКОНЧИЛИК ТАРМОГИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ

**РЕЖА:**

7.1. Дехкончилик тизими.
7.2. Экин майдонлари структураси ва алмашлаб экиш.
7.3. Дехкончилик тармогида мехнатни ташкил этишнинг илмий асослари
7.4. Дехкончилик тармогини режалаштиришда ички хужалик хисобига амал килиш ва унинг ахамияти.
7.5. Дехкончиликда асосий иш жараёнларини ташкил этиш.

**Адабиётлар: 3, 4, 5, 8, 20, 23, 24, 25, 26, 29, 30**

**Таянч иборалар:** кишлок хужалиги, дехкончилик, режалаштириш, ердан фойдаланиш, технологик карталар, оператив режалар, агротехник тадбирлар,

хужалик хисоби, ялпи махсулот, ихтисослаштириш, интенсивлаштириш, интенсив технология.

## 7.1. Дехкончилик тизими.

Ахолининг озик-овкат махсулотларига булган талабини муваффакиятли амалга ошириш учун агросаноат комплекси тармокларини яхлит режалаштириш пропорционаллиги ва мутаносиблигининг таъминлаш ва айникса унинг асосий негизи булган кишлок хужалигини мутассил ривожлантириш, самарадорлигини устириш, махсулот сифатини доимо яхшилаб бориш керак булади.

Бу вазифалар агросанаот комплексига ва унинг йирик тармоги кишлок хужалиги ишлаб чикаришига рахбарлик килиш, хужалик юритишнинг илмий асосланган тизимини жорий килиши масалаларига комплекс ёндошувни такоза этади. Хужалик юритиш тизими дейилганда корхона фаолиятини максадга мувофик тарзда ташкил килиш, энг юкори ишлаб чикариш натижаларига эришиш учун амалга ошириладиган ташкилий иктисодий , техникавий ва ижтимоий тадбирлар йигиндиси тушунилади. Бу тизим дехкончилик ва чорвачилик тармокларини юритиш тизимларини хам уз ичига олади.

Кишлок хужалигининг асосий тармокларидан бири дехкончиликдир. Дехкончилик тармогини тугри ташкил килиш ва максадги мувофик юритиш дехкончилик тизимига асосланади. Дехкончилик тизими дейилганда куплаб арзон дехкончилик махсулотлари етиштириш учун ердан тула фойдаланиш, тупрок унумдорлигини оширишга каратилган узаро боглик ва бир-бирини тулдирадиган ташкилий-агротехник тадбирлар йигиндиси тушунилади.

Дехкончилик тизими асосини дехкончилдик технологияси, яъни агротехника ташкил килади. Бу тизим тупрок унумдорлигини саклаш ва яхшилаш сохасидаги агротехник тадбирларнинг комплексидан иборат булиб, парвариш килинаётган экинлар хусусиятига мувофик келиши, уларни усиши ва ривожланишига кумаклашиши хамда пировард натижада юкори хосил етиштиришни таъминлаши керак. Хар хил табиий иктисодий ва хужалик шароитларига мувофик келадиган дехкончилик тизимлари ишлаб чикарувчи кучлар ривожланишига, яъни техник, химиявий воситалар, экинларга ишлов бериш технологияси ва ишлаб чикаришни ташкил этишнинг такомиллашувига караб, доим узгариб такомиллашиб келди ва шундай тараккиё етиб бораверади.

Дехкончилик тизими тугрисидаги таълимот 2000 йилдан ортик таърифга эга булиб унинг тарихий алмашиниб туриши куйидаги тартибда амалга оширилган: урмон ва чакалакзорларни куйдириб дехкончилик килиш; ерларни узок муддатга ташлаб куйиб дехкончилик килиш; шудгор килиб колдириб дехкончилик килиши; ут далали алмашлаб экиб дехкончилик килиш; катор ораларига ишлов бериб дехкончилик килиш; хусусан сугориладиган зоналардаги дехкончилик тизими,

## 7.2. Экин майдонлари структураси ва алмашлаб экиш.

Экин майдонлари структураси дейилганда жами экиш майдонида айрим турдаги экинлар майдонинингтутган салмоги тушунилади. Экин майдонлари структураси факат агротехник тадбир булиб колмай балки йирик ташкилий иктисодий тадбир хамдир. Экин майдонлари структураси тупрок унумдорлигини ошириш талаби билан бирга махсулот турлари буйича давлат режа топширикларини сузсиз бажарих, тармокларни узаро максадга мувофик уйгунлаштириш талабларидан хам келиб чикади.

Алмашлаб экиш дейилганда экинларни йиллар давомида маълум далаларда режали тартибда навбати билан алмашиб турилиши тушунилади. Бу таъриф алмашлаб экишнинг тор маънодаги тушунчаси булиб, унда агротехниканинг мохияти аник ифода этилган. Лекин

алмашлаб экиш кенг маънога эга булиб, дехкончилик тизими ёки бошкача килиб айтганда дехкончилик маданиятининг асосини ташкил килади. У хам агротехник, хам ташкилий иктисодий тадбирларни уз ичига олади. Ташкилий иктисодий жихатдан алмашлаб экиш ердан, ишлаб чикариш воситалари ва иш кучларидан максадга мувофик фойдаланишнинг энг асосий шарти, корхона фаолияти, рентабелли булишининг негизидир. Агроном нуктаи назаридан экинларни режали тартибда инобат билан алмаштириб туришнинг зарурлиги куйидаги сабаблардан келиб чикади:

1. Турли хил усимликларда илдиз системаси турлича чукурликда таралади, шунинг учун илдизлаврнинг тупрок хар хил горизонтидаги охик моддаларидан фойдаланиш хам турлича булади.
2. Маълум ер майдонига структурасига бир неча йил бир хил экин экилаверса ер кучисзланиб колади, дала бегона утлар босади, хар хил касаллик ва зараркунандалар купаяди, нихоят тупрокда микробиологик жараён ёмонлашади.
3. Турли хил усимликлар тупрок унумдорлигининг осишига турлича таъсир курсатади, чунки хосил йигиштириб олингандан сунг тупрокда турли микдорда илдиз массаси колади. Булар тупрокда озик моддалари туплаб, чиригандан сунг кимматли органик угитга айланади. Демак, улар тупрокни озик моддалар билан бойитишдан ташкари унинг механик ва физик хоссасини хам яхшилайди.

Кишлок хужалик корхоналарида алмашлаб экиш маълум системада лойихалаштирилади ва кулланилади. Алмашлаб экиш асосан далачилик, ем-хашак ва махсус алмашлаб экишдан иборат учта турга булинади:

1. Далачилик алмашлаб экиши алмашлаб экишнинг энг куп таркалган тури булиб, дон экинлари, картошка, лавлаги, техник ва бошка дала экинлари етиштиришда кулланилади. Бу турдан мамлакатимиз экинзорларининг ярмидан купрогида фойдаланилади. Асосий экинга караб дала алмашлаб экиш дон, лавлаги, пахта – беда ва хоказо алмашлаб экиш турларига булинади.
2. Озик ем-хашак чорвачиликнинг зарур озикка талабини кондиришга йуналтирилган булиб хар хил озик экинларини етиштириш учун мулажалланади. Ем-хашак алмашлаб экишда озикбоп экинлар жами экинзорнинг ярмидан купрогини ташкил килади. Ферма олди ем-хашак алмашлаб экишида кук утлар, ширали озиклар етиштирилиши асосий уринни эгаллайди ва чорвачиликда йил давомида «яшил конвейер» ни ташкил килишининг асоси хисобланади.
3. Махсус алмашлаб экиш махсус шароит ва агротехникани талаб киладиган экинларда кулланилади. Масалан, шурланган ерларни мелиорациялашда кулланиладиган алмашлаб экиш, шоличилик алмашлаб кэиши ва хоказо.

### 7.3. Дехкончилик тармогида мехнатни ташкил этишнинг илмий асослари

Бутун йил давомида бир канча мухим ишларни бажаришга тугри келади. Хосилнинг такдири ана шуларга бахорги экиш, экин парвариш, пичан уриш, хосилни йигиштириш ва бошка ишларга боглик булади. Ана шу даврда мехнат хам кизгин тус олади, хар бир киши, хар бир машина хисобда булади. Бундай ишларни энг яхши агротехника муддатларида утказиш катьий кун тартиби булишига, иш-кучлари ва техникадан ишнинг кузини билиб мохирона фойдаланишга, машиналарга техника каровини яхши йулга куйишга, ёнилги, сув ва хоказолар билан таъминлашга боглик. Ана шундай мавсумий кишлок хужалик ишларини утказишни тугри режалаштириш билангина ишда пала-партишликка, шошма-шошарликка йул куймаслик пухта назорат ташкил килиш мумкин. Бундам ташкари, йилнинг бошида бирон-бир ишни утказиш олидидан хужаликда кандай вазият вужудга келишини ипидан игнасигача ишдан

назарда тутиб булмайди. Масалан, кузги ва бахорги галланинг аник пишиб етиш муддатини галланинг етиб колиш-колмаслигини, машина-трактор парки кандай ахволда булишини олдиндан билиш мумкин эмас. Ана шуларнинг хаммаси йигим-терим ишларини ташкил килишга таъсир курсатади. Мехнатни яхширок ташкил килиш ва техникадан яхширок фойдаланиш максадларида ана шундай даврлар учун иш режалари тузилади. Бунда техникани тайёрлаш, пухта техника хизмати курсатиш, машиналарни икки сменали ишлашини ташкил килиш, далада ишаотган кишиларга маданий-маиший хизматни таъминлаш ва хоказолар учун нималар килиш зарурлиги аниклаб олинади Иш режасида техника ва кишиларнинг жойлашиши, кундалик иш унуми, ишларни утказиш муддатлари курсатилади. Бундай режа ишнинг бориши устидан доимий назоратни амалга ошириш, ишлаб чикариш жараенларининг бузилиши эхтимоли пайдо булган холларда оператив чоралар куриш имкониятини беради. Чорвачиликда иш режалари мол бокишнинг кишки ва езга даврлари учун куилар жунини киркиш даври ва хоказолар учун тузилади. Бирок режалаштириш режани тузиб чикиш ва уни ижрочиларга етказиш билан тугалланмайди. Режаларнинг бажарилиши устидан назоратни ташкил килиш режалаштиришнинг ажралмас кисми хисобланади. Назорат янгиликни уз вактида пайкаб олиш ва уни хужаликда ейиш, бирон-бир звено ишидаги камчиликларни аниклаш ва уларни йукотишга имкон беради. Шу билан бирга, назорат ходимларнинг топширилган иш учун маъсулиятини оширади, ишдаги камчиликларга муросасиз булиш рухида тарбиялашга ердам беради, интизомини мустахкамлайди. Назорат килиш бу аввало ишлаб чикаришнинг хар бир участкасида, хар бир бригада, хар бир фермада нима килинаетганлигини билиш демакдир. Бунинг учун зарур маълумотлар учет ва хисобот системаси оркали олинади.

## 7.4. Дехкончилик тармогини режалаштиришда ички хужалик хисобига амал килиш ва унинг ахамияти.

Ички хужалик хисоби умум хужалик хисобининг мантикий давоми, корхонанинг ишлаб чикариш булинмалари (биргада, оилавий пудрат, ферма, звено, участка, ремонт устахонаси, трактор ва автомобил парки) , ёрдамчи ва кайта ишлаш корхоналари фаолиятини хужалик хисоби принциплари асосида ташкил килишди. Бу принциплар ички хужалик хисобида оддий ва содда булиб, мазкур корхонанинг ишлаб чикариш булинмалари олдига куйилган вазифалардан келиб чикади.

Ишлаб чикариш булинмаларининг асосий вазифаси махсулот етиштиришни купайтириш, унинг сифатини яхшилаш, махсулот етиштириш билан боглик хараатларни камайтиришни таъминлашдир. Ички хужалик хисоби турли табиий ва иктисодий шароитларда жойлашган ишлаб чикариш булинмалари ходимларининг улар олдига куйилагна вазифаларини муваффакиятли бажаришдан моддий манфаатдорлиги ва жавобгарлигини таъминлашга каратилади.

Хужалик хисоби корхона фаолияти билан бирга ишлаб чикариш булинмалари фаолиятини хам камраб олса, ички хужалик хисобини жорий килиш билан бирга мантикий якунланса энг юкори иктисодий натижани таъминлаш мумкин булади. Кишлок хужалигида, айникса дехкончилик тармогини режалаштиришда ички хужалик хисобини жорий килиш бошка сохалардагига нисбатан мухимрокдир. Маълумки сарф килинган мехнатнинг етиштирилган махсулот микджори, сифати ва унинг таннархида тула ифодаланади.

Кишлок хужалигида махсулот вакт-вакти билан ёки факат йил охирида олинади. Бундан ташкари, мехнат жараёнлари купчилик тармокларда ва айникса дехкончиликда йил давомида купчилик ходим томонидан бажарилади. Бундай холда айрим олинган ходим мехнатнинг сифати тарзида намоён булади. Кишлок хужалигида хар бир алохида олинган

ходим мехнати натижасини хар бир мехнат жараёни якунига карабгина эмас, хатоо ишлаб чикаришнинг йил охиридаги натижасига караб хам тула аниклаш имконияти етарли булмагани учун мехнатга коллектив хак тулаш, коллектив рагбатлантиришни кенг жорий килиш объектив зарурият хисобланади. Бундай тадбирни факат ички хужалик хисобини жорий килиш оркали амалга ошириш мумкин.

Ишлаб чикариш булинмалари фаолиятини ички хужалик хисобида ташкил килиш ва режалаштириш иктисодий ахамиятга эга булибгина колмай, балки жуда катта сиёсий-ижтимоий ахамиятга хам моликдир. Кишлок хужалик корхоналирда ички хужалик хисобини ташкил килиш жуда мураккаб жараён булиб, бир канча тадбирларни амалга оширишни талаб килади. Аввало, корхонанинг ишлаб чикариш хужалик ва молиявий холати чукур тахлил килинади, унинг ер ресурслари, ишлаб чикариш воситалари ва иш кучлари билан таъминланиш даражаси ички хужалик ва тармок ичидан ихтисослаштирилиши аникланади. Зарурат булганда ишлаб чикаришнинг ташкилий структурасига ва иш хаки тулаш системасига маълум узгартиришлари киритилади. Шундан сунг ички хужалик хисоби тугрисидаги низом ишлаб чикарилади.

## 7.5. Дехкончиликда асосий иш жараёнларини ташкил этиш.

Кишлок хужалигида махсулот етиштириш мехнат ва табиий жараёнлар йигиндисидан, табиий шароит ва экиннинг биологик хусусиятига кура махсулот етиштириш учун керак буладиган бутун бир давр турли мехнат (иш) жараёнлари йигиндисидан иборат булади. Агар кишлок хужалигидан бошка биологик жараёнга асосланмаган хамма сохаларда хар бир мехнат жараёни нисбатан мувофикликга алохида ажралиш хусусиятига эга булса ва узидан кейинги мехнат шароитида кайси муддатда катнашишидан катъий назар, олдинги жараёнда хосил килинган натижани саклаб колса кишлок хужалигида эса бундай эмас.

Дехкончиликда махсулот ектиштирш учун экинннинг биологик хусусиятига мос келадиган шароитлар табиатдан олинади, булмаганлари сунъий йкл билан мехнат сарф килиш туфайли содир булганлиги учун мехнат жараёни натижаси факат шу жараён учун ахамиятли булиб бу натижа саклаб колиниши ва давом эттирилиши учун узидан кейинги жараёнларни катъий муддатларда утказишни такоза килади. Акс холда мехнат жараёнининг натижаси узида тула йукга чикиши мумкин.

Масалан, саноатда темирдан бирор детал ишлаб чикариш керак булса аввал у куюв цехда куйилиб маълум керакли шаклга келтирилади, сунгра мехнат жараёнида унга ишлов берилади. Куйилган деталга яна ишлов берилишини кайси муддатда етказишини деталнинг пировард натижада кандай сифатда махсулот булиб етишувига унчалик катта таъсир килмайди. Кишлок хужалигида аксинча, масалан, экишга тайёрлаб куйилган тупрокка белгиланганддан олдин ёки кейин уруг сепиладиган булса, унинг униб чикиши тубдан узгариши мумкин, сунгра усиб чиккан экин (гуза) вактида ягана килинмаса унинг усишига салбий таъсир килади, яъни хосил кам ёки мутлако олинмаслиги мумкин.

Мехнат жараёнида киши фаолияти мехнат воситалари ёрдамида мехнат предметини узгартириб уни олдиндан газарда тутилган шаклга солади. Жараён махсулотда сунади. Мехнат (иш) жараёнлари кам мехнат ва маблаг сарф килган холда кишлок хужалик экинларининг усиши ва юкори хосил бериши учун энг кулай биологик шароитлар яратишга каратилади.

Ишлаб чикаришни ташкил килишнинг принциплари ишлаб чикарувчи кучлар жуда тараккий этган хозирги даврда хам хал килувчи ахамиятга эга. Ишлаб чикариш ва мехнат жараёнини ташкил килишнинг мутаносиблиги корхона, булим, бригада ва иш жойида маълум вакт бирлигида махсулот етиштириш ёки иш бажариш имкониятининг олдиндан



www.qmii.uz/e-lib

белгиланган режа топширигига тугри келиши такоза килади. Мутаносиблик асосий иш жараёнини ташкил этиш нуктаи назаридан олиб каралганда , у бир хил техник чизикдаги хар хил мехнат операцияларида банд булган турли гуруппадаги ходимлар, машиналар ва механизациялар уртасида тугри микдорий муносабатларни урнатишини ифода килади.

Мехнат жараёнларининг узлуксизлиги дейилганда мехнат жараёни хамда мехнат воситалари ва ишчи кучларидан фойдаланишда тухтовсиз, хеч бир танаффуссиз иш юритиш тушунилади. Ишлаб чикариш жараёнлари узлуксизлигини таъминлаш уни интенсивлаштиришнинг асосий йуналишларидан биридир.

**Мавзу буйича назорат саволлари:**

1. Дехкончилик тизими ва унинг асосий кисмлари нималардан иборат?
2. Кандай дехкончилик тизимларини биласиз?
3. Ердан самарали фойдаланишда алмашлаб экишнинг кандай ахамияти бор?
4. Экин майдонлари структураси деганда нимани тушунасиз?
5. Ердан самарали фойдаланишда алмашлаб экишнинг кандай ахамияти бор?
6. Мехнатни илмий асосда ташкил этишнинг мазмуни нимадан иборат?
7. Ички хужалик хисоби нима ва у кандай ташкил этилади?
8. Ички хужалик хисобини ташкил этишдан максад нима?
9. Дехкончиликда иш жараёнларини ташкил килишнг максади нимадан иборат?
10. Мехнат жараёнларининг узлуксизлиги деганда нимани тушунасиз?

## 8–МАВЗУ: ЧОРВАЧИЛИК ТАРМОКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ.

**РЕЖА:**

8.1. Чорвачилик тизими хакида тушунча.
8.2. Чорвачилик фермаларида мехнатни ташкил этиш.
8.3. Чорвачилик тармогида технологик карталарнинг ахамияти.
8.4. Чорвачилик тармокларини режалаштириш.
8.5. Чорвачиликда махсулот етиштиришни режалаштириш

**Адабиётлар: 3, 6, 7, 8, 17, 23, 24, 25, 26, 32, 37, 43**

**Таянч иборалар:** чорвачилик, чорвачилик системаси, ишлаб чикариш воситалари, мехнат таксимоти, механизациялаштириш, интенсивлаштириш, махсулдорлик, технологик карта, чорвачилик тармокларининг иктисодий тармоклари.


www.qmii.uz/e-lib

## 8.1.Чорвачилик тизими хакида тушунча.

Чорвачилик хам дехкончилик каби кишлок хужалигининг мухим тармогидир. У корамолчилик, куйчилик, чучкачилик, паррандачалик, йилкичилик ва бошка тармокларни уз ичига олади. Чорвачилик кимматбахо ва жуда керакли озик-овкат махсулотлари ва саноат учун куплаб турдаги хом-ашё етказиб беради Бинобарин, ахолининг озик-овкат махсулотларига тобора усиб бораетган эхтиёжларини тулик кондириш имкониятлари куп жихатдан ана шу тармокни мувоффакиятли ривожлантиришга богликдир.

Мамлакат иктисодиётининг ривожланиши, халк турмуш даражасининг муттасил усиб бориши хозир чорвачиликни янада тезрок юксалтириш вазифасини биринчи режага куймокда. Бу мухим вазифани бажариш учун энг аввало хар бир хужаликда чорвачилик тармокларини атрофлича анализ килиш лозимдир.

Чорвачилик махсулотлари етиштириш режасининг бажарилиши куп жихатдан хар бир ферманинг иш фаолиятига боглик булгани учун тахлил факат хужалик буйича утказилмасдан, балки ферамаларда хам олиб борилиши керак.

Чорвачилик системаси-бу агросаноат комплекси конкрет тармогининг муаян йуналишидаги тури буйича ихтисослашган чорвачиликда махсулот бирлигини етиштириш учун энг кам мехнат ва моддий-пул сарфлари килиш максадида амалга ошириладиган технология, машиналар системаси ва бошка ташкилий-иктисодий тадбирлар йигиндисидир.

Корамолчиликда ишлаб чикаришни такомиллаштириш ва марказлаштиришни замон талабига жавоб берадиган даражада утказиш ишлаб чикариш воситаларини махсулот етиштириш технологиясини ва мехнат таксимотини узгартиришни такоза килади. Бунда аралаш подага эга булган фермалар урнига махсус сут етиштириш учун, бузок бокиш ва ёш молларни бурдокига бокиш учун ихтисослашган фермалар тузилади.

Хар хил кора моллар фермалари урнига ихтисослашган фермаларнинг ташкил этилиши узига хос ишлаб чикаришни йил давомида бир хил стандартга иш куришга мослашган мехнат предмети ва куроллари булишни, иктисодий ва ташкилий жихатдан анча кулай бошкариш структурасини, ички хужалик хисобини мехнат унумдорлигини ошириш, махсулот таннархини камайтиришни ишлаб чикаришнинг рентабеллик даражасини анча юкори кутаришни такоза этади.

Корамолчиликда ишлаб чикаришни замон талабига жавоб берадиган даражада ташкил этиш, махсулот етиштиришни унга булган талаб даражасига кутариш жуда куп муоммоларни хал этишни талаб килмокда. Чорвачилик бошка халк хужалик тармокларидантубдан фарк килади. Шунинг учун хам ундаги аш жараенларини механизациялаш, айрим иш жараёнлари хар хил техника ва технологияни талаб килганлиги туфайли бу ишларни бажариш учун бир бутун саноат ишлаб чикаришини ташкил этиш зарур булмокда.

Чорвачилик махсулотлари етиштиришнинг интенсивлашган саноат асосидаги турли метод ва формаларини куллаш асосан уч йунапишда олиб борилмокда.

1.хужаликларда механизациялашган йирик фермалар ташкил этиш;

2.хужаликлараро узаро бирлашмаларни ташкил этиш ва ривожлантириш;

3. саноат асосидаги йирик давлат чорвачилик ва паррандачилик комплекслари ташкил этиш.

Чорвачилик махсулотини саноат асосида етиштириш бир бош сигир хисобига мехнат сарфларини 45-50 киши соатига 1 центнер сутга кетадиган мехнат сарфини 1,2-2,0 киши соатига кискартириш имконини беради.

## 8.2.Чорвачилик фермаларида мехнатни ташкил этиш.

Чорвачилик тармокларида мехнатни ташкил хилишни режалаштириш илмий жихатдан асосланишда мехнат ресурсларидан максимал даражада фойдаланиш ва улар жамият манфааиларига хизмат килиши кузда тутилади. Бизга маълумки мехнат куроллари ва предметлари канчалик куп ва мукаммал булмасин уларни ишчи кучи ишчи кучи харакатга келтирмаса, бошкармаса ишлаб чикариш содир булмайди. Шунинг учун мехнатни ташкил килишда улардан фоидаланишни режалаштиришда илмий жихатдан асосланган фермада мехнатни ташкил этиш

Корамолчилик фермасида мехнатни ташкил этиш чорва молларига караш системасига корамолларни бош сони буйича марказлаштиришга, махсулот етиштириш технологиясига, чорвачиликдаги иш жараенларини механизациялаш даражасига кура белгиланади.

Мехнатни ташкил этиш бирлиги доимий ишлаб чикариш бригадаларидир. Бригада - биркитилган чорва молларини ва барча ишларни узаро таксимланган холда мехнат кооперацияси асосида бажариб, уз ишининг натижасига жавобгар булган бир киши бошчилигидаги мехнат коллективидир.

Хозирги даврда хужаликлар корамолчиликдаги чорва молларининг бир йуналишдаги группасини бокишга ихтисослашмокда. Бу холда бригадада бажариладиган ишларининг турлари камайиб, ишлаб чикаришни механизациялаш учун кулай шароит вужудга келади ва хар бир ишни бажарувчининг уз иши буйича малакаси ошади.

Хар бир ишлаб чикариш фаолиятининг пировард натижаси жуда куп ташкилий-иктисодий омилларга аввало, бригадага биринчиси - утган йилда хар ойда шунингдек, йил буйи согиб олинган сутнинг микдорига караб, иккинчиси - йил буйича хар бир сигирдан лактация даврида кун сайин ва ой сайин согиб олинадиган сутнинг микдорига караб.

Режалаштиришнинг иккинчи усули макбул хисобланади.

Сут согиб олишни ой ва кварталлар буйича режалаштиришни хисоблаш максадга мувофик.

## 8.3.Чорвачилик тармогида технологик карталарнинг ахамияти.

Чорвачиликда махсулот етиштиришнинг технологик картаси.

Технологик карта-бу маълум бир ишлаб чикариш техникаси, технологияси ва мехнатни ташкил этиш формасида муаян бир чорва махсулотини етиштиришга каратилган, битта махсулот бирлигини етиштириш ёки бир бош чорва молини саклаш учун канча мехнат ва маблаг сарф булишини курсатадиган хисоб-китобдир.

Махсулот етиштириш технологик картаси хужаликдаги чорва молларининг хусусиятлари, об-хаво ва иктисодий шароитлар, чорва молларига бериладиган озик турлари, ишлаб чикариш жараенларининг механизациялашганлик даражаси хисобга олинган холда тузилади.

Режанинг чорвачиликни ривожлантиришнинг ташкил этиш булимида чорва моллари сонини купайтириш микдорий курсаткичлари билан бир каторда зоотехника, ветеринария ва ташкилий тадбирлар системаси хам ишлаб чикилади. Бу тадбирлар молларининг махсулдорлигини оширишни таъминлайди ва бу тармокни ривожлантиришнинг асосий вазифаси булган ахолининг кенг ассортиментда ва юкори сифатли энг мухим озик-овкат махсулотларига, саноатнинг хом-ашёга булган талабини кондирадиган микдорда чорвачилик махсулотлари етиштириш, шунингдек бу махсулотларни арзонлаштириш вазифасига буйсундирилади Чорвачилик тармокларини ривожлантириш чорвачилик махсулотларини тайёрлаш буйича давлат режа буюртмасига, хужаликни ихтисослаштиришнинг янада кучаиишига асосланади Бунда етакчи тармокнинг устун даражада ривожаланишига табиий ем-хашак майдонларидан, дехкончилик чикиндиларидан ва алмашлаб экиб етиштириладиган

хамда энг кам мехнат ва маблаг сарфлаган холда куп махсулот олишни таъминлайдиган озука экинларидан фойдаланишга алохида эътибор берилади.

Шу билан бирга барча турдаги моллар ва паррандаларни бокиш даражаси ва сифатининг ошиши чорвачиликни интеноивлаштиришнинг хал килувчи омили эканлигини назарда тутиш керак. Чорвачиликни ривожлантиришда ем-хашак базасини етиштириш билан
режалаштирилаетган чорвачилик махсулотларини кулайлаштириш уртасида фарк булишига йул куйиш мумкин эмас Моллар сони асоссиз равишда купайтириб юборилганда махсулдорлик камайиши хисобига чорвачилик тармокларининг иктисодий самарадорлиги кескин равишда камайиб кетади, бу эса махсулот таннархини ошириб боришга ва тармокларнингрентабеллик даражсини камайтирипга олиб келади. Шунинг учун хам чорвачилик тармокларини келгусида ривожлантиришни режалаштириш вактида ем-хашак базасининг купрок усишини кузда тутиши керак.

Моллар ва паррандалар сонини режалаштиришда вактида аввало чорвачиликнинг асосий тармогидаги моллар сонини аниклаш ем-хашак базасини яхшилаш имкониятларини хисобга олиш керак.

### 8.4. Чорвачилик тармокларини режалаштириш.

Чорвачиликнинг айрим тармокларини режалаштириш куйидаги тартибда утказилади:

- тармокнинг 3-5 йил олдинги даврдаги самарадорлиги иктисодий жихатдан анализ килинади. Анализ кишлок хужалик хайвонларининг типи ва уларни бокиш даражасини, молларнинг махсулдорлигини, она хайвонларнинг куп бола тугишини, поданинг структурасини, 1 центнер махсулот етиштиришга сарфланган ем-хашакни, харажат элементлари буйича махсулот таннархини, молларни ишлаб чикариш булинмаларига рационал жойлаштиришни уз ичига олади. Поданинг структурасига иктисодий бахо бериш бутун подага сарфланган ем-хашак ва мехнат харажатлари буйича амалга оширилади Бу харажатлар подадан олинган махсулот билан таккосланади Пода структурасига ана шундай бахо беришда олинган натижаларнинг тугрилиги хайвонларнинг бутун биологик ва хужалик хусусиятларини пухта хисобга олишга богликдир;
- хужаликда тармокни юритиш зонадаги илгор хужаликларда карор топган тажриба ва илмий тадкикот муассасаларининг тавсиялари асосида хар йилги бракни чикариш нормативлари, суйиш учун мулжалланган молларнинг тирик вазни ва хокозалар белгиланади,
- поданинг ташкилий хужалик режаси, узлаштирилган йилдаги обороти ва пода структурасида узгаришлар руй берган бутун оралик йилларидаги обороти тузиб чикилади.
- озукага булган йиллик эхтиёж аникланади.

Бутун ёзги мавсум мобайнида кук озикаларга булган ихтиёж ойма-ой аниклаб борилади. Рационлар тилини белгилаш вактида улар иктисодий жихатдан бахоланади. Бунинг учун озукаларнинг хар хил турларига олдиндан иктисодий бахо берилади Бахо бериш базис йили буйича озука бирликларининг ва хар гектар ер хисобига хазм бор протеиннинг микдори ва уларнинг таннархи буйича олиб борилади. Бу маълумотлар хужаликда факат озука етиштиришнинг иктисодий самарадорлигига хам бахо беришга имкон тугдиради. Амалий жихатдан рационларнинг режалаштирилаётган махсулдорлигини таъминлайдиган, лекин уз структурасига кура фарк киладиган бир канча вариантларини тузиб чикиш максадга мувофикдир.

Пода составини тулдириш пайтида хужаликнинг узидаги молларни купайтириш асосий макба эканлигини унутмаслик керак. Молларии сотиб олиш (вактида) факат хужаликда

купайтирилаетган наслдор ва сермахсул молларни яхшилаш максадида ёки якин йиллар ичида моллар сонини кескин купайтириш зарур деб топилган такдирдагина режалаштирилади.

Режалаштирилаётган даврда молларнинг группалар буйича уртача йирик вазни бир суткадаги уртача семиришнинг режа нормаларига асосланган холда белгиланади. Молларнинг группадаги уртача йирик вазни даслабки вазнини ва группада саклаш даврдаги семиришни бири кушиш йули билан аникланади.

Чорвачиликни ривожлантириш озука борасини, экин майдонларини ва табиий ем-хашак емларидан фойдаланишни хисоблаб чикиш билан мустахкам боглик равишда режалаштирилади.чорвачилик махсулотларининг микдори поданинг еш ва жинсий состави, унинг структураси норматив курсаткичларга омон колади. Шунинг учун кишлок хужалик корхонасида ишчи кучига булган талабни (аниклашдан) режалаштириш зарурий вазифа хисобланади. Талаб килинаётган ишчи кучини аниклашда хар бир ишчига урта хисобда канча бош чорва моли тугри келишига караб аникланади.

Чорвачилик тармогида ишчи кучига булган талабни ривожлантиришда ишлаб чикариш давомида кушимча бажариладиган мехнат еки ердамчи хужалик ишларида катнашадиган ходимларнинг мехнатлари хам хисобга олиниши керак. Ишчи кучига булган талабни ривожлантиришда энг аввало махсулот бирлиги учун сарфланадиган киши кунлари сони ариклаш ва уни тахлил килих катта ахамиятга эга.

Чорвачилмхдаги ишчи кучига булган талабни режалаштиришда етиштириладиган махсулот хажмини унда банд буладиган ишчиларни хамда куйидэгича ишчи кучларини жалб килишни хисобга олган холда хар бир хужаликнинг узига хос булган бошка ички имкониятлари хам хисобга олинади.

Норматив курсаткичларга амал килади. Шунинг учун кишлок хужалик корхонасида ишчи кучига булган талабни режалаштириш зарурий вазифа хисобланади. Талаб килинаетган ишчи кучини аниклашда хар бир ишчига урта хисобда канча бош чорва моли тугри келишига караб аникланди.

Чорвачилик тармогида иши кучига булгая талабни режалаштиришда ишлаб чикариш давомида кушимча бажаралидиган мехнат еки ердамчи хужалик ишларида катнашадиган ходимларнинг мехнатлари хам хисобга олиниши керак. Ишчи кучига булган талабни режалаштиришда энг аввало махсулот бирлиги учун сарфланадиган киши кунлари сони аниклаш ва уни тахлил килиш катта ахамиятга эга.

Чорвачиликдаги ишчи кучига булган талабни режалаштиришда етиштириладиган махсулот хажмини унда банд буладиган ишчиларни хамда куйидагича ишчи кучиларини жалб килишни хисобга олган холда хар бир хужаликнинг узига хос булган бошка ички имкониятлари хам хисобга олинади.

Биркитилган ишлаб чикариш воситаларининг СОСТЗЁИ хажмига, ишлаб чикаришнинг оптимал катта-кичиклигига, иллик хужалик хисоби буйича топширик ва ишчиларнинг моддий манфаатдорлиги, махсулот етиштириш режасини маънавий муносабати ва бошкаларга боглик булади.

Чорвачиликда мехнатни ташкил килишнинг асосий формаси худди дехкончиликдаги каби ишлаб чикариш бригадасидир. Якин вактларгача хужаликларда мехнатни уюштириш ва унга хак тулашга етарли эътибор берилмасди.

### 8.5.Чорвачиликда махсулот етиштиришни режалаштириш

Чорва махсулотлари етиштиришни режалаштириш. Корамоличиликни ривожалантириш махсулот етиштиришни тугри режалаштиришга богликдир. Бригада ва фермаларда йиллик


www.qmii.uz/e-lib

ишлаб чикариш топширикларини тузишда мазкур корамолнинг зоти, унинг биологик имконияти, сигирларнинг сут бериш кобилияти ва хужаликнинг озик базаси, озик турлари хисобга олинади.

Сигирлардан согиб олинадиган сут микдори канча куп булса, унга сарфланган озик микдори шунча кам булади.

Подадаги чорва молларининг махсулдорлиги жуда юкори булса, етиштирилган махсулот бирлиги учун сарф килинган моддий-пул сарфлари уртача махсулот олаетган хужаликларда ишлаб чикаришнинг иктисодий самарадорлиги юкори булганлигини курсатади. Шу каби бу хужаликларда умум ишлаб чикариш ва умум хужалик харажатлари махсулот бирлиги учун кам булади.

Хар бир хужалик уз шароитига мослашган холда юкори махсудорликка эга булиши, моллар зотини яхшилаш, бокиш, сугориш, саклаш ишларини тугри ташкил этиб, махсулдорликни ошириш ишларини режалаштириши максадга мувофикдир. Натижа хар бир бош сигирдан согиб олинадиган сут микдорини 4000-4500 кг.га етказган хужаликлар иктисодий жихатдан энг афзал хисобланади.

Корамолчилик фермасида махсулот етиштиришни режалаштириш йиллик ишлаб чикариш тспширигида акс эттирилади. Фермаларнинг йиллик ишлаб чикариш топшириги куйидаги булимларга эгадир:

- бригада ишлайдиган сут согувчи, подачи, бузок-бокар, оператор ва бошкалар сони;
- фермага биркитилган ишлаб чикариш воситаларининг турлари, сони ва баланс буйича киймати;
- корамолларнинг йил давомидаги оборот бош сони;
- молларни бокиш ва семиртириш йиллик режалари;
- сут согиш ва бузок бокиш ойлик режалари;
- сигир ва бузокларни сунъий кочириш ва бузок олиш режаси;
- хужалик йили учун озик ва тушамага талаб режаси хамда уларнинг сарфи;
- мол, гушти етиштириш ва сут олиш учун килинадиган моддий-пул харажатлари лимитлари.

Фермалар учун топшириклар тузишда ишлаб чикариш, молия режасини тузишдаги норматив ва методикалардан фойдаланилади. Бу нормативлар хужалик ишлаб чикариш шароити, молларининг махсулдорлиги, бокиш усули, озик ва озиклаштириш формаларига караб дифференцияциация килинади.

Согиб олинадиган ялпи сут микдори хар бир бош сигирдан согиб олинадиган уртача сут микдорини мавжуд сигирлар сонига купайтириш йули билан топилади. Согин сигирларнинг сони эса йил бошидаги ва йил охиридаги сигирлар бош сонининг ярмини олиб, унга феврал ойидан йил охиригача ой бошидаги согин сигирлар сонини кушиб, сунгра 12 ойга булиш йули билан аникланади.

Сут согиб олиш режалари йил, квартал ва ойлар учун тузилади. Режа икки йул билан тузилиши мумкин.

**(Интернетдан) Ширкат ва фермер хужаликлари экинзорларни ижарага оладилар. UzReport.com**

24 март куни Узбекистон Республикаси Президентининг “кишлок хужалигида ислохотларни чукурлаштиришнинг энг мухим йуналишлари тугрисида” ги Фармони эълон килинди.

УзА хабар беришича, кишлок хужалигида иктисодий ислохотларни янада чукурлаштириш, кишлокда ишлаб чикариш муносабатларини такомиллаштириш, кишлок хужалиги ишлаб чикаришини бошкаришнинг бозор тамойилларига мос келадиган ташкилий тузилмасини тадбик этиш, кишлок хужалик махсулотлари ишлаб чикарувчиларнинг мустакиллигини кенгайтириш хамда уларнинг

ишончли хукукий мухофазасини таъминлаш максадида сугуорма дехкончилик хамда сугориладиган экин майдонлари чекланганлиги шароитида мулкчиликнинг ижара шакллари ва шартномавий муносабатларда асосланган хужалик юритиш тизимини ривожлантиради.

Фармонда белгиланганидек, хужалик юритишнинг ширкат, фермер ва дехкон хужаликлари ташкилий-хукукий шакллари саклаб колинади. асосий кишлок хужалик махсулотлари ишлаб чикарувчи субъект сифатида фермер хужаликлари булиб колади.

Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят хокимларининг таклифларига мувофик кишлок хужалик махсулотлари ишлаб чикарувчилар билан тайёрлов ташкилотлари уртасида тузилган контракттатсия шартномаларини умумлаштириш асосида жорий йилга пахта ва дон етиштириш прогноз курсаткичлари республика ва минтакалар даражасида белгиланади. кишлок хужалик товар ишлаб чикарувчилари хужаликларнинг ихтисослашувини хисобга олган холда ва тузилган контрактатсия шартномаларига асосан кишлок хужалик экинларини мустакил равишда жойлаштирадилар.

**Мавзу буйича назорат саволлари:**

1. Чорвачилик тизими (системаси) деганда ниамин тушунасиз ва унинг элементларига нималар киради?
2. Чорва молларининг махсулдорлиги кандай режалаштирилади?
3. Чорвачилик махсулотлари етиштиришнинг интенсивлашган саноат асосидаги турли усул ва формаларини куллаш кандай йуналишларда олиб борилмокда?
4. Технологик карта деганда нимани тушунасиз?
5. Чорвачиликда махсулот етиштиршнинг технологик картаси кандай ахамиятга эга?
6. Чорвачиликда мехнатни ташкил килишда нималарга асосланилади?
7. Дехкончиликда ва чорвачиликда мехнатни ташкил килишни режалаштириш нималарга боглик булади?
8. Чорвачиликнинг айрим тармокларини режалаштириш кандай тартибда утказилади?
9. Чорвачиликдаги ишчи кучига булган талабни режалаштиришда нималар хисобга олинади?
10. Чорвачилик тармокларида мехнатни ташкил килишни илмий жихатдан асослаш деганда нимани тушунасиз?

## 9 - МАВЗУ: КИШЛОК ХУЖАЛИГИДА ЯЛПИ ВА ТОВАР МАХСУЛОТ ЕТИШТИРИШНИ РЕЖАЛАШТИРИШ

**РЕЖА:**

9.1. Кишлок хужалигининг ялпи ва товар махсулоти хакида тушунча
9.2. Кишлок хужалигининг ялпи ва товар махсулотини аниклаш услуби.
9.3. Кишлок хужалик ишлаб чикариш дастурини ташкил килиш.
9.4. Кишлок хужалиги махсулотларини давлат томонидан тайёрланиши
9.5. Кишлок хужалиги махсулотларини давлат томонидан тайёрланиши ва сотиб олинишини режалаштириш ва такомиллаштириш.


www.qmii.uz/e-lib

**Адабиётлар: 5, 6, 7, 8, 22, 23, 27, 33, 35, 37, 42, 44**

**Таянч иборалар:** кишлок хужалиги, ялпи махсулот, товар махсулот, дехкончилик ялпи махсулотлари, чорвачилик ялпи махсулотлари, ялпи махсулотнинг киймат куриниши, хужаликлар, товарлилик даражаси, реализация, техника экинлари, харид бахоси.

## 9.1. Кишлок хужалигининг ялпи ва товар махсулоти хакида тушунча

Ялпи ва товар махсулот хужалик ишлаб чикаришини кенгайтирилган тарзда ривожлантириш даражасини акс эттирувчи асосий курсаткичдир. Кишлок хужалик ялпи махсулоти канча куп булса, унинг товар кисми хам шунча куп булиб, бу нарса ахолининг кишлок хужалик махсулотларига ва саноатнинг хом-ашёга булган талабини купрок кондириш имкониятини яратади.

Кишлок хужалик ялпи махсулоти кишлок хужалик ишлаб чикаришида бир йил ичида етиштирилган жами махсулот йигиндисидан ташкил топади. У жамиятнинг жами ижтимоий махсулотининг бир кисми, кишлок хужалигида етиштирилган улушидир.

Ялпи махсулот асосан дехкончилик ва чорвачилик сохасида етиштирилган махсулотлардан ташкил топади. Дехкончиликдаги махсулотга барча кишлок хужалик экинларидан олинган хосил, куп йиллик дарахтлар (токзор, мевали дарахтлар) кучатларини устириш натижасида олинган махсулот киймати йил охири ва йил бошида тугалланмай колган ишлаб чикариш колдиклариниингфарки киради.

Чорвачиликдаги ялпи махсулот эса чорвачиликдан олинадиган барча махсулотлар (хайвонларни суйишдан ташкари), янги тугилган хайвонлар, уларнинг усиши хисобига олинган вазни хамда кушимча махсулотлардан ташкил топади.

Ялпи махсулотга хужаликларнинг ёрдамчи корхоналарида кайта ишланган дехкончилик ва чорвачилик махсулотлари (бугдой уни, сариёг, хайвонни суйиш хисобига тайерланадиган махсулотлар), устахоналарда тайёрланадиган махсулот, хужалик доирасида табиат томонидан тайёр холда бериладиган махсулотлар киради.

**(Интернетдан) Сельское хозяйство. www.tashkent. uzГsection.htm?content_pathкГ articlesГbusiness_economicsГeconomics (25 Кб)**

Узбекистон ялпи ички махсулот таркибининг 27 фомизини кишлок хужалиги махсулотлари ташкил килади. Унда бандлик жами ахолининг 40 фоизини ташкил килади. кишлок хужалиги махсулотларини ишлаб чикаришда асосий урин дон экинларига ажратилган. Пахта ва бугдой экинлари жами экин майдонининг 3Г4 кисмини ташкил этади. Охирги йилларда мамлакатнинг дон махсулотларига булган эхтиёжини кондириш максадидаги давлат сиёсати натижасида пахта экинларини кисман бугдой экинларига алмаштириш жараёни содир булди. Пахта экин майдонлари ва пахтанинг хосилдорлиги 1991 йилдан анча пасайди ва бу вактда бугдой ва бошка донли экинлар экинлари майдони 300 фоизга ошди.

Корамолларнинг бош сони хам йилдан йилга ем-хашак экинларининг етишмаслиги сабабли камайиб кетди. Биз буни хусусий секторда мева ва сабзавот экинлари етишмаслигини купайганлиги билан изохлашимиз мумкин.

## 9.2. Кишлок хужалигининг ялпи ва товар махсулотини аниклаш услуби.

Кишлок хужалик ялпи махсулотига хужаликларда ишлаб чикариладиган махсулотлар билан бир каторда урмончилик, баликчилик, овчилик корхоналарининг махсулоти, кишлок хужалигидаги махсулотларни кайта ишлайдиган корхоналар, устахоналар хамда томорка хужалигида етиштирилган махсулотлар хам киради. Кишлок хужалигида ялпи махсулот натурал куринишда хисобга олинади. Махсулотларни натурал куринишида хисобга олиш кишлок хужалигида етиштирилган ялпи махсулот микдорини аниклаш имконини бермайди. Чунки хилма-хил махсулотларни натура куринишида бир-бирига кушиб булмайди.

Бунда кишлок хужалигида етиштирилган барча махсулотларни бир хил курсаткич билан хисобга олиш зарурати келиб чикади. Бу эса ялпи махсулотни киймат куринишида хисобга олиш йули билан хал килинади. Ялпи махсулотни киймат куринишида хисобга олиш, биринчидан, етиштирилган махсулот хажмини аниклаш, иккинчидан, етиштирилган ялпи махсулот билан таккослаш, учинчидан, ишлаб чикариш кунгабокар, канд лавлаги, пахта, зигирпоя ялпи хосилининг хаммасини, жун ва тухумнинг 80% ини гушт, сут ва сабзавот махсулотларининг 70% ини етиштирмокда.

Кишлок хужалик ялпи махсулоти фойдаланиш характерига караб товар ва нотовар кисмларга булинади. Ялпи махсулотнинг нотоварк кисмидан кишлок хужалик корхоналаридаги такрор ишлаб чикариш учун фойдаланилади. Бунга уруглик, ем-хашак ва хужалик ичида хар хил максадлар учун фойдаланиладиган ялпи махсулот киради. Ялпи махсулотнинг колган кисми олди-сотди жараёнига катнашиб, товар махсулотига айланади. Товар махсулотга давлат тайёрлов ташкилотлари, хужалик ишчилари ва хизматчиларига накд пулга сотилган махсулотларни киритиш мумкин.

Товар махсулотининг усиши бевосита ялпи махсулотнинг усишига богликдир. Ялпи махсулот микдори канча тез усса, товар махсулоти микдори хам шунча тез усади. лекин товар махсулотнинг усиши ялпи махсулотнинг усишига нисбатан тез усмокда. Мамалкатда товар махсулот етиштирувчи асосий корхоналар хужаликлардир. Жами товар махсулотининг анчагина кисмини хужалик ишчиларининг томоркасида етиштирилган махсулотлар ташкил этади.

Товар махсулотнинг кулами унинг товарлилик фоизида уз ифодасини топади. Товар махсулотнинг ялпи махсулотга нисбатан товарлилик даражасини курсатади.

Товарлилик даражаси товар махсулот ялпи махсулотнинг канча улушини ташкил этишини курсатади. Товар махсулотнинг ялпи махсулотга фоиз куринишидаги нисбати товарлилик фоизида уз ифодасини топади. Товар махсулотнинг ялпи махсулотга нисбати товарлилик даражасини курсатади. Товарлилик даражасининг усиши ишлаб чикаришнинг ихтисослашиши даражаси усганлигини, марказлашиш даражаси эса ортганлигини курсатади.

Хозирги вактда товар махсулотни реализация килиш:

а) давлат томонидан кишлок хужалик махсулотларини тайерлаш;

б) корхона ва ташкилотларга махсулот сотиш;

в) хужалик бозорларида махсулот сотиш;

г) хужалик ичида ходимларга махсулот сотиш йули билан амалга оширилади.

Булар орасида асосий уринни давлат томонидан кишлок хужалик махсулотларини тайерлаш эгаллайди. Хужаликлар узлари етиштирган ялпи махсулотнинг 70-75 % ни давлатга сотадилар. Хозирги вактда мамлакатда етиштириладиган техника экинлари хосилининг хаммаси давлат томонидан сотиб олинади. Хужаликлар махсулот сотиш режаларини бажаргандан сунг, ортикча махсулотнинг бир кисмини матлубот кооперацияси хамда давлат ташкилотлари ва корхоналарига сотадилар.

Шундай килиб, кишлок хужалигида етиштирилган махсулотларнинг асосий кисми давлат томонидан сотиб олинади. Бундай булишига сабаб биринчидан, мамлакатнинг озик-овкат

фонди давлат томонидан кишлок хужалик махсулотлари сотиб олиш йули билан барпо этилади, иккинчидан, хужаликлар оладиган фойда хамда хужалик ишлари даромади бевосита давлат томонидан махсулот сотиб олиш куламига ва харид килиш бахоси даржасига богликдир.

### 9.3. Кишлок хужалик ишлаб чикариш дастурини ташкил килиш.

Кишлок хужалик ишлаб чикариш дастурининг асосий булинмалари куйидагилардан иборат:

1. Усимликшуносликни ривожлантириш режаси;
2. Чорвачиликни ривожлантириш режаси;
3. Моддий-техник базани ривожлантириш режаси;

Усимликшунослик ривожланишининг асосий курсактчилари:

1. Усимликшунослик (дехкончилик) махсулотларини харид килиш;
2. Экин майдони;
4. Хосилдорлик.

Чорвачилик режасининг асосий курсаткичлари:

1. Чорвачилик махсулотининг хажми;
2. Корамолларнинг сони;
3. Махсулдорлик.

Моддий техник база дастурида тармокка техника, асбоб-ускуналар, минерал угитлар, электр энергиясини етказиб бериш курсаткичлари хисобланади.

Кишлок хужалиги фаолиятини тавсифловчи асосий курсаткич бу давлат харидларининг хажми хисобланади. Бу курсаткич асосида АСМ тармогига кирувчи курсаткичлар аникланади.

Кишлок хужалик махсулотларини давлатга сотишни аниклаш бир канча унсурлардан иборат:

1. Энг аввало кишлок хужалик махсулотларининг асосий турлари буйича давлат бюртмасининг хажми хисобланади. Давлат бюртмаси давлатнинг ва ахолининг кишлок хужалик махсулотларига булган талаби асосида аникланади.

2. Аникланган талаб кишлок хужалик имкониятлари (ер, сув, мехнат ресурслари) билан богланади.

3. Давлат буюртмаси хажми вилоятлар, туманлар ва хужаликлар буйича таксимланади.

### 9.4. Кишлок хужалиги махсулотларини давлат томонидан тайёрланиши.

Давлат томонидан кишлок хужалик махсулотларини сотиб олишни ташкил этишда контрактация шартномаси катта роль уйнайди. Контрактация шартномасини тайёрлов ташкилотлари хужаликлар билан тузадилар. Бу шартнома хар иккала томон келишуви асосида бир йиллик муддатга, айрим холларда эса беш йиллик муддатга тузилади. Контрактация шартномасида давлатга сотиладиган махсулот микдори ва сотилиш шартлари курсатилади. Шартномада хужаликлар етиштирадиган махсулот турлари, уларнинг сифати, йилнинг кайси муддатларида етиштирилиши ва давлатга сотилиши, кайси жойдаги махсулот кабул килиш пунктларига топширилиши, махсулот кайси ташкилотлар транспортида ташилиши ва бошка шартлар курсатилади.

Контрактация шартномасида давлат билан хужаликлар уртасидаги иктисодий муносабатлар (махсулот сифатига ва топшириш муддатига караб бахолар белгилаш, кишлок

хужалик махсулотлари хисобига давлат корхоналари махсулотини алмаштириш, чорва моллари учун саноат чикиндилари бериш ва хоказо) хам уз ифодасини топади. Муокбил махсулотлар айрибошлаш хозирги вактда кенг авж олмокда. Масалан, хужаликлар давлатга топширган пахгаси эвазига ун, идиш, коп, кунжара, усимлик ёги, шелуха аралаш озик оладилар. Хужаликлар пахта билан бир каторда давлатга бошка махсулотлар сотгани учун хам саноат моллари оладилар.

## 9.5. Кишлок хужалиги махсулотларини давлат томонидан тайёрланиши ва сотиб олинишини режалаштириш ва такомиллаштириш.

Контрактация шартномасида хар иккала томон мажбурияти ва хукуки уз ифодасини топади. Агар хужаликлар контрактация шартномасида курсатилган муддатда давлатга махсулот сотмасалар, махсулот сифати бузилган булса, жарима тулайдилар. Давлат ташкилотлари уз навбатида, хужаликлар учун уз вактида пул маблаги, угит, уруглик, ёкилги, эхтиёт кисмлар етказиб бериш мажбуриятларини бажаришлари шарт. Контрактация шартномаси давлат тайёрлов ташклотлари билан кишлок хужалик корхоналари уртасидаги иктисодий, ташкилий ва хужалик муносабатларини узаро узвий боглик холда амалга ошириш имкониятини беради.

Кишлок хужалик ишлаб чикаришининг ривожланиши кишлок хужалик махсулотларини давлат томонидан тайёрлаш ва сотиб олишнинг хам такомилланишига олиб келади.

Кишлок хужалик махсулотларини давлат томонидан тайёрлаш ва сотиб олишни такомиллаштиришда махсулот етиштиришни режалаштиришни хужаликларнинг табиий-иктисодий шароитларини, ихтисослаштириш истикболларини, ер фонди, моддий техника ресурслари ва иш кучи билан таъминланиш даражасини хисобга олган холда амалга ошириш катта роль уйнайди. Давлат томонидан кишлок хужалик махсулотлари сотиб олишни ривожлантиришда махсулот харид килиш бахоларини ошириш катта ахамиятга эга булди.

**(Интернетдан) Малуй и средний бизнес. <u>www.tashkent.uz</u>Гsection.htm?content_pathкГarticlesГbusiness_economicsГeconomics (25 Кб)**

Бугунги кунда Узбекистон Республикаси иктисодиёти ривожида кичик ва урта бизнес катта ахамият касб этади. Кичик ва урта бизнес корхоналари ташкил килиш жараёни унча катта булмаган харажатлар талаб этади ва ишлаб чикариш ресурслари билан тезда таъминланиб, халк хужалиги товарларини ишлаб чикариш муаммосини хал килишда ва янги ишчи уринларини ташкил килишда яхши самара беради.

Бугунги кунда Тошкент шахрининг кичик ва урта бизнес корхоналари шахар ахолисини 45,7 фоизга якин махсулотлар билан таъминлаб турибди. Ушбу таъминотнинг 17,4 фоиз микдоридаги сумма якка тартибда шугулланаётган тадбиркорлар хиссасига тугри келмокда.

2001 йилда Тошкент шахрида хусусий мулк асосида шугулланган корхоналар орасида 90,2 фоизи кичик ва урта бизнес хиссасига тугри келади.

Кичик ва урта корхоналарнинг катта кисми куйидаги тармокларда руйхатга олинган:

Савдо ва умумий овкатланишда – 42,4 %

Саноат - 19,0%

Курилиш - 11,2 %

Кичик ва урта бизнес корхоналарида саноат махсулотлари ишлаб чикаришни тахлил киладиган булсак, 2001 йилда 2000 йилга нисбатан 9% га

ошган ва жами шахар саноат махсулотлари ишлаб чикаришидан 33,7 фоизни ташкил этади.

2002 йилда кичик ва урта бизнес корхоналарининг экспорт хажми шахар экспорт хажмининг 14,2 фоизини ташкил килди.

**Мавзу буйича назорат саволлари:**

1. Кишлок хужалигида ялпи ва товар махсулот деб нимага айтилади?
2. Хозирги кунда ялпи кишлок хужалиги махсулотининг канчаси товар махсулот хисобланади?
3. Чорвачиликдаги ялпи махсулот нималардан ташкил топади?
4. Кишлок хужалик ялпи махсулотига хужаликларда ишлаб чикариладиган махсулотлардан ташкари яна нималар киради?
5. Нима учун товар махсулотининг усиши ялпи махсулотнинг усишига боглик булади?
6. Хозирги вактда товар махсулотни реализация килиш кандай й уллар билан амалга оширилади?
7. Товарлилик даражаси нимани ифодалайди7
8. Контрактация шартномаси ва унинг роли?
9. Кишлок хужалигида рентадан ортикча етиштирилган махсулот кандай махсулот турига киради?
10. Кишлок хужалик махсулотларини давлат томонидан тайёрлаш ва сотиб олишни такомиллаштиришда нималар хисобга олинади?

## 10 – МАВЗУ: КИШЛОК ХУЖАЛИГИДА МЕХНАТ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ РЕЖАЛАШТИРИШ

**РЕЖА:**

10.1. Мехнат ресурслари хакида тушунча ва уларнинг ахамияти.
10.2. Кишлок хужалигида мехнат ресурсларини режалаштириш ва уларнинг вазифалари.
10.3. Ишчи кучига булган талабни аниклаш.
10.4. Хужаликдаги мехнат ресурсларининг таркиби.
10.5. Мехнат ресурсларидан тупик ва бир меъёрда фойдаланиш имкониятлари

**Адабиётлар: 1, 4, 5, 6, 7, 8, 10, 12, 22, 29, 30, 48**

**Таянч иборалар:** мехнат ресурслари, ишчи кучи, мехнат унумдорлиги, кишлок хужалиги моддий-техника базаси, фан-техника тараккиёти, хужаликнинг ишчи кучи билан таъминланиши, ишчи кучига булган талаб, мехнат ресурслари баланси.

### 10.1. Мехнат ресурслари хакида тушунча ва уларнинг ахамияти.

Мехнат ресурслари деганда барча мехнат килиш кобилиятига эга булган кишилар тушунилади.

Узбекистон Республикаси Конституциясига мувофик, ана шу гурухга касал ва ногирон кишилардан ташкари 16 ёшдан 60 ёшгача булган эркаклар ва 16 ёшдан 55 ёшгача булган аёллар кирадалар.

Халк хужалигининг барча тармокларини бирдай ривожлантириш вазифасини муваффакиятли амалга оширихца мехнат ресурсларидан окилона фойдаланишнинг роли ва ахамияти бенихоя каттадир. Мехнат ресурсларидан энг куп фоидаланиш ва уларни жамият манфаатларига хизмат килдириш кишлок хужалигини янада ривожлантиришнинг ва мехнат унумдорлигини оширишнинг мухим омилидир.

Кишиларнинг мехнат активлигини ошириш яни хар бир хужаликда мехнат ресурсларидан окилона фоидаланиш,кишлок хужалик иктисодиетини жадал ривожланиш йулига утказиш жараенида алохида урин тутади.

Кишлок хужалиги моддий техника базасининг ривожланганлиги ва такомиллашганлиги, янги замонавий машина ва куролларнинг жорий этилганлиги, фан-техника тараккетини жадаллаштириб куплаб мехнат ресурсяарини вужудга келтирмокда Шунингдек, кишлок жойларида умумтаълим мактабларини битириб чикувчиларнинг купчилик кисмини хужаликларда колишлари хам мехнат ресурсларининг купайишига олиб келмокда.

Бу жараён кишлокда мехнат ресурсларини хужаликнинг барча тармокларига тугри режалаштириб, улардан йил буйи бир меъерда фойдаланишни йулга куйишни, мавсумий ишларнинг кескинлигини юмшатишни ва бу сохасидаги янги имкониятлар кидириб топишни такозо этади.

Мехнат ресурсларидан фоидаланиш даражаси хужаликлар фаолиятининг барча курсаткичларига бевосита таъсир килади. Кайси хужаликда мехнат ресурсларидан тула фоидаланилса, уша ерда куп ва арзон махсулот етиштирилади. жамоат хужалиги тез юксалади. Ишчи ходимларнинг моддий ва маънавий фаровонлиги юкори булади. Аксинча мавжуд мехнат ресурсларидан тула фойдаланмаслик ишчи ходимларнинг моддий манфаатларига жиддий салбий таъсир этади.

Демак, мехнат ресурсларидан тугри фойдаланиш факат хужалик учунгина эмас, балки ишчи ходимлар учун хам катта иктисодий самара берар экан.

## 10.2. Кишлок хужалигида мехнат ресурсларини режалаштириш ва уларнинг вазифалари.

Мехнат ресурсларидан фойдаланиш куп сабабаларга, ер билан таъминланганликка, кишлок хужалик ишлаб чикаришнинг мавсумийлигига, табиий шароитга, хужаликнинг ихтисослашувига, тармокларнинг таркибига, кишлок районларида саноатнинг ривожланиш даражаси ва бошкаларга боглик.

Мехнат ресурслари деб, кишлок хужалигидаги ишларни уз вактида бажариш учун талаб этиладиган ишчи кучига айтилади.

Мехнат ресурсларига жамоа хужалигида банд булган мехнатга кобилиятли ешдаги ишчилар бундан ташкари жамоа хужалигида катнашган кексалар хамда ногиронлар, усмирлар ва бошка ходимлар хам киради.

Мехнат ресурсларидан фойдаланишни тахлил килишдан асосий максад, хужаликдаги мавжуд ишчи кучларидан окилона фойдаланиш, уларни тармоклар уртасида тугри жойлаштириш асосида, кишлок хужалик махсулотлари етиштиришни янада купайтириш, мехнат унумдорлигини ошириш, махсулот таннархини арзонлаштириш, унинг рентабеллигини кутаришдир.

Ишчи кучларидан фойдаланиш тахлил килинганда, мавжуд мехнат ресурслари ва уларнинг тармоклар буйича таксимланиши, мехнат баланси, ходимлар ва хужалик ишчиларининг иш вактидан кай даражада фойдаланилаетганлиги ва уларнинг мехнат активлиги аникланади. Бу жуда мухимдир, чунки хужалик ишлаб чикариш бинолари, машинлар, турли техника ва унумли ерлар билан тулик таъминланса-ю, ишчи кучи билан етарли булмаса, у ривожлана олимайди. Шунинг учун хам ишчи хамиша ишлаб чикарувчи кучларнинг энг мухим ва актив кисми хисобланади.

Хозирги вактда хужаликларнинг ишлаб чикарувчи кучларининг ривожаланиши, моддий-техника базасининг усиши, ишлаб чикариш жараенларида механизациялаш, автоматлаштириш


www.qmii.uz/e-lib

даражасининг ортиб бориши туфайли ишчи кучларининг купайиши хам мехнат ресурсларидан окилона ва тулик фойдаланишни такозо этади. Мехнат ресурсларидан окилона фойдаланишнинг туб маъноси ишчи кучининг йил давомида иш билан купрок банд булишидир.

Хужаликларнинг ишчи кучи билан таъминланиши ва ундан фойдаланишни тахлил килишнинг асосий вазифаси:

• мехнат ресурсларининг тузилишини урганиш;

• мавжуд ишчи кучлари хужалик ишлаб чикариш учун етарлими еки йуклигини аниклаш;

• ишчи кучларидан тармоклар ва ойлар буйича фойдаланишни тахлил килиш;

• Мехнат ресурсларидан тулик ва бир меъерда фойдаланиш имкониятларини курсатиш кабилардан иборат.

## 10.3. Ишчи кучига булган талабни аниклаш.

Кишлок хужалик ишларини агротехника муддатларида бажариш куп жихатдан хужаликнинг етарли микдорда ишчи кучи билан таъминланишига боглик.

Ишчи кучига булган талабни аниклахдан аввал хужалик ишчи кучларидан кай даражада фойдаланаетганлигини текшириш, мехнат ресурсларининг хакикий ахволини урганиш, ишга кобилиятли ишчилар томонидан мехнат минимумининг бажарилишини аниклаш, ишчиларнинг жамоа хужалигида ойлар буйича катнашишини еки катнашмаетганликларининг сабабини аниклаш лозим.

Шунингдек, хужаликлар йилнинг бошида уз ишлаб чикариш тармокларини пухта урганиб, улар ишини тугри режалаштиришлари, талаб килинадиган ишчи кучлари сонини олдиндан аниклашлари лозим. Ишчи кучига булган талабни аник хисоблаб чикиш тармоклар буйича ажратилган кишилардан тугри фойдаланишга эришиш имконини беради.

Хужалик тармоклари учун зарур ишчи кучларини ажратишдан олдин тармоклардаги экинлар тури, улардаги иш турлари хажми, ишларни бажаришнинг агротехника муддатлари ва иш миъерлари пухта урганиб чикилиш зарур.

Талаб килинадиган ишчи кучлари асосак икки усулда аникланади. Биринчи усулда турли ишлар учун сарфланиши керак булган киши-кунлари иш турларини бажариш агротехника муддатларига булиш йули билан топилади, яъни иш хажмини унинг кунлик нормасига булиб, натижаси нормани бажаришда иштирок этган ишчиларнинг сонига купайтирилади Бунингучун куйидаги формуладан фойдапаниш мумкин.

$$К_k\ к\ \frac{I_h}{I_n * B_{ki}}$$

Бу ерда:

$К_k$ - керакли киши куни

$I_h$ - ишнинг хажми

$I_n$ - ишнинг нормаси

$B_{ki}$ – нормани бажаришда иштирок этадиган ишчиларнинг сони

Аникланган киши-кунлари сонини ишни бажариш муддатига булиш билан талаб килинаётган ишчи кучларининг сони топилади. Бунда куйидаги формуладан фойдаланиш мумкин.

$$I_k\ к\ \frac{K_k}{I_{shs}}$$


www.qmii.uz/e-lib

Бу ерда:

$I_k$ - талаб килинаётган ишчи кучлари

$K_k$ - жами киши куни

$I_{shs}$ – бажариш муддати (иш куни)

Мисол: 80 га пахта майдонига эга булган бригаданинг гузасини 8 кун ичида ягоналаш керак дейлик. Ягоналашнинг 1 кунлик нормаси 0,30 га. Бригада учун керакли ишчи кучини аниклаш лозим. Биринчи формуладан фойдаланиб, 80 га. пахта майдонини ягоналаш учун канча киши-куни сарфланишини аниклаймиз Бу бизнинг мисолда

$$K_k = \frac{80}{0,30} = 266$$ киши-кунини ташкил этади.

Иккинчи формуладан фойдаланиб, бригадага 8 кун ичида гузани тула ягоналаш учун зарур булган ишчи кучи сонини аниклаш мумкин.

$$I_k = \frac{266}{8} = 33$$ ишчи керак булар экан.

Талаб килинадиган ишчи кучлари сонини аниклашнинг иккинчи усули - бир ишчига урта хисобда бир йилда дехкончилик тармогида неча гектар сугориладиган экин майдони ва чорвачилик тармогида канча бош мол тугри келишини хисоблаб чикишдир.

Мехнат ресурсларини тугри тахлил килиш учун зарур ишчи кучи аниклангандан сунг, хар бир хужаликда мехнат баланси хам тузиш керак. У хужалик учун мехнат ресурсларидан фойдаланиш ва уларни таксимлаш хакида маълумот олиш учун асосий манба булиб хизмат килади.

Мехнат баланси деб, хужаликдаги мавжуд ишчи кучларини унинг ишлаб чикариш учун зарур булган ишчи кучларига таккосланишига айтилади. Мехнат ресурслари баланси кирим ва чиким булимларидан иборат булиб кирим кисмида хакикий ишчи кучи,чиким кисмида эса фойдаланилган мехнат ер ресурслари ифодаланади. Мехнат ресурслари балансида мехнат ресурсларининг умумий сони, улардан фойдаланиш, ёрдамга келадиганларнинг сони ёки бушаган ошикча ишчиларнинг сони курсатилади.

Мехнат ресурслари балансини тузишда режа ёки йиллик хисобот маълумотларидан фойдаланилади. Агар бу ишда режа маълумотларидан фойдаланилган бурса,мехнат ресурсларининг режа баланси хисобот маълумотларидан фойдаланилганда эса мехнат ресурсларининг хисобот баланси вужудга келади.

### 10.4. Хужаликдаги мехнат ресурсларининг таркиби.

Хужаликда ишчи кучларини аниклаш учун биринчи навбатда мехнат ресурсларининг таркибини урганиш керак. Хужаликда мехнат ресурслари: доимий, мавсумий ва вактинчалик ишловчи ишчилардан, инженер-техник ходимлардан, хизматчилардан, хамда кичик хизматчилардан ташкил топади.

Мехнат ресурсларидан фойдаланиш даражаси жамоат ишларида неча киши куни ишлагани билан аникланади. Канча киши-куни ишлаган булса мехнат ресурсларидан фойдаланиш даражаси шунча ортади.

Мехнат ресурсларидан окилона фойдаланиш даражаси хар бир хужалакнинг узига боглик. Мехнат ресурсларидан тула ва тугри фойдаланиш туфайли ишчиларнинг узида бир маблаг билан купрок махсулот етиштириш ва мехнат унумдорлигини ошириш мумкин.


www.qmii.uz/e-lib

Хар бир хужалик узининг мехнат ресурсларидан окилона фойдалана билса, пахта териш машиналарининг унумдорлигини ошириб.улардан тугри фойдаланилса четдан келган ишчи кучига хеч кандай эхтиёж колмайди. Мехнат ресурсларидан фойдараниш даражаси хар бир мехнатга кобилиятли кишига тугри келадиган экин майдонининг хажмига боглик. Чунки хар бир ишловчига канча куп экин майдони тугри келса, шу хужаликда мехнат ресурсларидан фойдаланиш даражаси яхширок булади.

Ишчи кучидан унумли фойдаланилмаслигига факат ишчи кучининг ортикчалиги сабаб булиб колмай, балки мехнатнинг тугри ташкил килинмаганлиги хам таъсир курсатган булиши мумкин.

Мехнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш учун аввало хар бир хужалик узининг келажак режасида ишлаб чикарувчи кучларининг ривожланиши, ахоли сонининг купайиши, техника тараккиётининг жорий килиниши натижасида кишиларнинг бир кисмини ишдан озод булишини хисобга олган холда улардан самарали фойдаланиш тадбирларини ишлаб чикиши керак. Бу тадбирларда ишчи кучининг ортикча кисмини тармоклар буйича кайта таксимлаб чикиш хам режалаб олиниши лозим.

Мехнат ресурсларидан туларок фойдаланишнинг катта омилларидан бири - бу ишлаб чикариш жараёнларини механизациялаш, автоматлаштириш ва мехнатнинг ташкил этишининг илгор усулларини жорий этишдир.

Ишчи кучидан окилона фойдаланишнинг мухим омилларидан бири хужаликни куп тармокли килиб узвий боглаб олиб боришдир.Чунки тармокларда мехнатнинг мавсумийлиги бир хил эмас.

Маълумки бозор иктисодиётига утиш даврида кишлок хужалигини ривожлантиришга катта эътибор берилмокда. Кишлок хужалигини ривожлантиришда ишчи кучига булган талабни режалаштиришни ташкил этиш даркор.

Хужаликларда мехнат ресурсларини тахлил килишда факат уларнинг микдори, таркиби ва таксимланиши тугрисидаги маълумотларни куриб чикиш билан чегараланмаслиги керак. Чунки бу курсаткичлар хужаликлар мехнат ресурслари билан кай даражада таъминланганлиги ва улардан кандай фойдаланаётганлиги хакида фикр юритиш учун камлик килади. Бунинг учун, уша маълумотлар асосида тегишли хужалик, район ва вилоятлар буйича баланс хисоблари бажарилиши лозим. Демак, мехнат ресурсларини тугри тахлил килиш учун зарур ишчи кучи аникланган дан сунг, хар бир хужаликда мехнат балансини хам тузиш керак. У хужалик учун мехнат ресурсларидан фойдаланиш ва уларни таксимлаш хакида маълумот олиш учун асосий манба булиб хизмат килади.

Мехнат баланси деб, хужаликдаги мавжуд ишчи кучларини унинг ишлаб чикариш учун зарур булган ишчи кучларига таксимланишига айтилади. Мехнат ресурслари баланси кирим ва чиким кисмидан иборат булиб, кирим кисмида хакикий ишчи кучи, чиким кисмида эса фойдаланилган мехнат ер ресурслари ифодаланади. Мехнат ресурслари балансида ресурсларнинг умумий сони, улардан фойдаланиш, ёрдамга келганларнинг сони ёки бушаган ошикча ишчиларнинг сони курсатилади.

Мехнат ресурслари балансини тузишда режа ёки йиллик хисобот маълумотларидан фойдаланилади. Агар бу ишда режа маълумотларидан фойдаланилган булса, мехнат ресурсларининг режа баланси, хисобот маълумотларидан фойдаланилганда эса мехнат ресурсларининг хисобот баланси вужудга келади. Баланс ёрдамида мавжуд мехнат ресурслари ва уларга булган талаб аникланади. Шунинг учун хам мехнат баланси хар бир хужаликда тузилиши шарт. Чунки, хар бир хужаликда тузилган мехнат балансига хамда хар бир ишчи хисобига тугри келадиган экин майдони ва унинг механизациялашганлигига караб, канча киши зарурлигини белгилаб олади. Ортикчаларини бошка тармокларни ривожлантиришга жалб килнади. Ортикча ишчи кучларини хужаликдан ташки тармокларга утказиш режали равишда амалга оширилиши керак. Ортикча мехнат ресурсларини бушатиш,

куп омил ва шароитларга, асосан кишлок хужалигида сермехнат ишларни механизациялаш даражасига боглик.

Мехнат ресурсларининг асосий булимига мехнатга кобилиятли 16 ёшдан 60 ёшгача булган эркаклар ва 16 дан 55 ёшгача булган аёллар киритилади. Мехнат ресурслари баланси режасини аниклашда ахолининг таркиби ва сони узгарганлигини эътибордан чикармаслик керак. Чунки 16 ёшга тулган усмирлар мехнатга кобилияти ишчилар сонини тулдиради. Ёши 60 ва 55 ёшдан ошган эркак хамда аёллар эса мехнатга кобилиятлар хисобидан чикарилади.

Кишлок хужалик корхоналари учун зарур булган мехнат балансини тузишда ишчи кучларини тугридан-тугри сонига караб жамлаб куйиш мумкин эмас. Чунки хар бир тармок узига хос мехнат талаб килиб, у механизация даражаси ва хар бир мутахассиснинг жамоат ишлаб чикаришига кушган хиссасига хам боглик. Шунингдек, мехнат ресурслари баланси тузилаётган уртача йиллик хисобигина эмас, балки йил даврларини, биринчи навбатда ишчи кучига булган талабни энг кам ойлар буйича ва иш энг куп булганда зарурат тугиладиган ишчи кучларига караб олиш керак. Мехнат балансини тузишда юкоридагиларни хисобга олиш мехнат ресурсларидан самарали фойдаланиш тадбирларини ишлаб чикишга ёрдам беради.

Мехнат балансини тузиш туфайли ишчи кучларидан тула фойдаланиш имконияти тугилади, ишчи кучларини хужаликнинг тармоклари ва ишлаб чикариш булимлари буйича тугри таксимлаш шароити яратилади.

Мехнат баланси хужалик ишлаб чикариш учун зарур булган ишчи кучи микдорини аниклашга ёки улар ортикча булса, улардан бошка жойларда фойдаланишга имкон беради. Четдан кушимча жалб этилиши лозим булган ишчи кучларини факат хужаликда ишчи кучи етишмаган холда ёки кишлок хужалик ва бошка ишларни курсатилган агротехника муддатларида бажариш кийин булган холлардагина жалб этиш мумкин.

Тахлил килишда, шунингдек, ишчи кучи окимини билиш хам максадга мувофикдир. Ишчи кучи окими деганда уз ихтиёри ёки ишни кечикиш хамда хужаликнинг ишчи тартиб коидаларини бузиш туфайли бушаган ишчилар сони тушунилади.

Ишчи кучи окимини аниклаш хам ишчи кучининг бушаш буйича коэффициентини топиш ишлари аникланади. Лекин бунда ишдан бушаган ишчиларнинг умумий сони олинмасдан, балки уз ихтиери билан бушаган, ишга кечиккан, хужаликнинг ички тартиб коидаларини бузиш туфайли бушаган ишчилар сони олинади. Шунга кура, ишчи кучи окимини уз ихтиёри билан бушаган ишчилар сонини уртача уртача ишчилар сонига булиш йули билан аниклаш мумкин.

Кишлок хужалигида ишчи кучига булган талабни режалаштириш.

Бизга маълумки ишлаб чикариш самарадорлигига эришиш учун мехнатни окилона ташкил килиниши ишчи кучларнинг етарлилиги мехнат унумдорлигининг юкори булиши хамда, ишлаб чикариш воситаларидан ва ускуналаридан окилона фойдаланишга богликдир. Ишчи кучига булган талабни режалаштиришда хужаликнинг бизнес режасида курсатилган хар бир масалага - эътибор берилиши зарур. Бундан ташкари бозор иктисодиети том маънодаги амалиетга аиланаетган вактда хар бир хужалик мустхкамлаши ва ривожланиши энг аввало хужалик бизнес режасини окилона тузишига боглик.

Бизнес куп маъноли атама булиб, муайян натижаларига эришишга йуналтирилган иктисодий тадбиркорлик фаолиятини акс эттиради. Ана шу фаолият муайян тартиб доирасида амалга оширилади ва бу тартиблар йигиндиси бизнес-режа деб аталади.

Шунинг учун бозор иктисодиети шароитида хар бир махсулот еки хизматларнинг харидорлигини оширишга тадбик фаолиятини ва бозорни бахолашдан бизнес-режанинг энг

долзарб масаласи хисобланади. Кишлок хужалиги корхонасида хам бизнес-режа хар бир буладиган ишни тартиб билан режалаштирилга каратилган.

Ишчи кучларини тахлил килишда, улардан хужалик ойлар буйича кандай фойдаланаетганини билиш жуда мухим. Ишчи кучларини бундай анализ килиш мехнатнинг мавсумийлигини курсатади: Шунингдек, ишчиларнинг мехнат активлиги ойлар буйича кай даражада узгаришини аниклашга имкон беради.

Кишлок хужалиги ишлаб чикаришнинг мавсумийлиги куз киш даврида ишчи кучининг хаддан ташкари куплигида ва бахор-ёз даврида унинг етишмаслигида яккол намоён булади.

Хосил йигим-терим даврида айрим хужаликларда ишчи кучи етишмайди. Шунинг учун бу хужаликлар саноат ишчиларини, шахар ахолисини, олий ва урта махсус укув юртлари талабаларини жалб этишга мажбур булади.

Маълумки, кишлок хужалигида иш вакти билан ишлаб чикариш вакти баравар тугри келмайди. Натижада ишлаб чикаришнинг тармоклар буйича ишчи кучига булган талаби бир хил булмайди. Масалан, пахтачиликда гузани ягона килиш, бегона утларни йукотиш, хосилни йигиб-териб олиш пайтларида ишчи кучига булган талаб ортади ер хайдаш, экин экиш, сугориш каби ишларда эса камаяди. Шунинг учун хам ишчи кучидан фойдаланишни режалаштиришда жамоа хужалиги барча тармокларининг ойлар буйича ишчи кучи билан таъминланишини белгилаб чикиш лозим.

Мавсумийликни камайтириш учун ёрдамчи корхона ва хужаликларни ривожлантириш катта ахамиятга эга. Бунинг учун аввало ёрдамчи хужаликдаги ишчиларни моддий рагбатлантириш яхши йулга куйиш керак. Мехнатга кобилиятли кишилар ёз давомида кишлок хужалигининг ёрдамчи корхоналарида ишлайдилар. Шунинг учун кул кучи ёрдамида бажариладиган ишларнинг тури буйича ёрдамчи хужаликлар (корхоналар) тузиш лозим.

### 10.5. Мехнат ресурсларидан тупик ва бир меъёрда фойдаланиш имкониятлари.

Дехкончилик ва чорвачилик тармокларида ишчи кучига булган талабни режалаштиришнинг ахамияти.

Дехкончилик ва чорвачилик тармокларида ишчи кучига булган талабни режалаштиришда ишлаб чикариш давомида кушимча бажариладиган мехнат ёки ёрдамчи хужаликлар ишларида катнашадиган ходимларнинг мехнатлари хам хисобга олиниши керак. Ишч кучига булган талабни режалаштиришда энг аввало махсулот бирлиги учун сарфланадиган киши кунларини аниклаш ва уни тахлил килиш катта ахамиятга эга. Биз бунга мисол тарикасида 1 ц. махт учун сарфланган киши-кунларини жадвал куринишидан фойдаланамиз.

Дехкончилик тармогида етиштирилган 1 ц. махт учун сарфланадиган киши-кунлари.

| № | Экин турлари | Утган йили | Хисобот йили | 1 йилга нисбатан узгариши (%) |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Дон-жами | 0,86 | 0,78 | 90,7 |
| 2. | Пахта | 5,8 | 5,2 | 89,7 |
| 3. | Картошка | 1,4 | 1,5 | 119 |
| 4. | Сабзавот | 0,82 | 0,85 | 103,7 |
| 5. | Полиз махсулотлари | 0,71 | 0,54 | 84,7 |
| 6. | Макка силоси | 0,44 | 0,30 | 69 |
| 7. | Беда пичани | 0,11 | 0,16 | 145,5 |

Ушбу жадвал оркали мехнат унумдорлигини махсулот бирлигига сарфланган киши-куни буйича аниклашга мисол килиб олишимиз мумкин. Жадвалдан куриниб турибдики хар бир центнер, дон, пахта, полиз махсулотлари ва макка силоси учун сарфланган киши-кунлари утган йилга нисбатан анча камайган, яъни мехнат унумдорлиги юкори булганлигини куришмиз мумкин Лекин картошка, сабзавот, беда етиштириш учун мехнат сарфлари анча ошган. Бунда мехнат унумдорлиги камайган Ушбу ракамларни хужаликлардаги ишлаб чикариш воситаларидан фойдаланиш ва мехнат ресурсларидан окилона фойдаланган уртача курсаткични хужалик мисолида тахлил килдик.

Дехкончиликдаги ва чорвачиликдаги ишчи кучларига булган талабни режалаштиришда етиштириладиган махсулот хажмини унда банд булган ишчиларни, хамда кушимча ишчиларни жалб килишни хисобга олган холда хар бир хужаликнинг узига хос булган бошка ички имкониятлари хам хисобга олинади. Хужаликда ишчи кучини тугри режалаштириш йил якунидаги олинган махсулот, кулга киритилган даромад ва мехнат унумдорлигини юкори булиши билан белгиланади.

Ишчи кучига булган талабни режалаштиришда хисобга олиниши керак буладиган курсаткичлар куйидагича:

4. Нафака ёшига етган ишчиларни хисобга олиш. Ёш усмирларни хар бир тармок буйича хисобга олиш.

5. Ногиронлик ва мехнатга лаёкатсиз (вактинча) хисобга олиш.

6. Ёш боласи бор оналарни хисобга олиш.

**Мавзу буйича назорат саволлари:**

1. Кишлок хужалигида мехнат ресурслари деб нимага айтилади?
2. Мехнат ресурсларидан фойдаланиш даражаси кандай курсаткичларга таъсир килади?
3. Мехнат ресурсларидан фойдаланишни тахлил килишдан асосий максад нимада?
4. Хужаликларнингишчи кучи билан таъминланиши ва ундан фойдаланишни тахлил килишнинг асосий вазифалари кайсилар?
5. Кишлок хужалигида ишчи кучига булган талаб кандай аникланади?
6. Мехнат баланси деб нимага айтилади?
7. Мехнат балансини тузишда кандай маълумотлардан фойдаланилади?
8. Мехнат ресурсларидан тугри фойдаланишнинг иктисодий самарадорлиги нимада?
9. Мехнат ресурсларини бир меъёрда режалаштиришда нималарга эътибор берилади?
10. Хужаликда мехнат ресурсларини тахлил килишда нималарга эътибор берилади?

## 11-МАВЗУ: КИШЛОК ХУЖАЛИГИДА МЕХНАТГА ХАК ТУЛАШНИ РЕЖАЛАШТИРИШ

### РЕЖА:

11.1 Кишлок хужалигида мехнатга хак тулашнинг принциплари ва вазифалари.
11.2. Мехнатга хак тулаш шакллари ва тузилиши.
11.3. Мехнатга хак тулаш фондини режалаштириш.

11.4. Дехкончилик ва чорвачилик ишларида мехнатга хак тулашни режалаштириш.
11.5. Бозор иктисодиёти шароитида мехнатга хак тулашнинг шаклларидан фойдаланишни режалаштириш.

**Адабиётлар: 8, 10, 14, 16, 17, 24, 25, 26, 28, 29, 37, 47**

**Таянч иборалар:** бизнес-режа, иш хаки, иш хаки фонди, иш хаки лимити, тариф сеткаси, тариф системаси, тариф разряди, тариф коэффициенти, ишбай иш хаки, вактбай иш хаки, мукофот, санация.

### 11.1.Кишлок хужалигида мехнатга хак тулашнинг принциплари ва вазифалари.

Кишлок хужалик корхоналарида ишлаб чикаришнинг иктисодий самарадорлигини ошириш, ишчи ва хизматчиларнинг мехнат фаоллиги ва мехнат интизоми куп жихатдан моддий манфаатдорлик принципига амал килинишига боглик. Моддий манфаатдорлик принципи ишлаб чикаришнинг асосий принципларидан бири хисобланади.

Моддий манфаатлар хар доим мавжуд ишлаб чикариш муносабатлари базасида вужудга келадиган булганлиги учун, улар объектив характерга эга. Моддий манфаатлар кишилар томонидан тула тушуниб олгандан кейин маълум максад ва харакат сифатида намоён булганда рагбатлантирувчи кучга ёки моддий рагбатлантиришга айланади.

Моддий манфаатлар тизимини куйидаги учта гурухга булиш мумкин:

1. Ижтимоий манфаатлар
2. Шахсий манфаатлар
3. Жамоа манфаатлари

Бу манфаатлар гурухлари узаро диалектик бирлик ва ноантоганистик карама-каршиликларда намоён булади ва харакат килади. Ижтимоий манфаатлар - бу бутун ижтимоий жамоа манфаати, барча мехнаткашларнинг манфаатидир. Жамоа манфаатлари - давлат, жамоа ишлаб чикариш коллективларининг манфаатларидир. Шахсий манфаатлар эса энг аввало жамиятдаги айрим кишиларнинг манфаатидир. Шахсий манфаат факатгина мехнатга хак тулаш билан чекланмайди. Иктисодий муносабатлар моддий манфаат доирасида намоён такрор ишлаб чикаришнг хамма босикларида амал килганлиги учун таксимот ва айникса истеъмол воситалари таксимотида жуда катта ахамиятга эга. Шунинг учун мехнатга караб таксимот иктисодий конун талабини амалга ошириш мехнатга хак тулашни тугри ташкил киилш оркали, шахсий манфаатдорлик таъминланади.

Кишлок хужалик корхоналарида мехнатга хак тулашни тугри ташкил килиш учун куйидаги тушунчаларга амал килиш талаб этилади:

1. Иш хакининг усиш суръати, мехнат унумдорлиги усиш суръатига тугри келиши, яъни мехнатга хак тулашни ташкил килишда уни шундай шакл ва тизимни ишлаб чикиш хамда жорий килиш керакки, у мехнат унумдорлигини устун даражада усишини таъминлаши, акс холда ижтимоий жамгаришни амалга ошириб булмайди.
2. Иш хаки даражаси ходимларни уз малакаси ва мутахассислигини доимо ошириб боришга рагбатлантириш даражасида булиши.
3. Мехнатга хак тулашни ташкил килишда бажариладиган ишларнинг хусусияти, ишларни бажариш, махсулот етиштириш шароитлари, ишларнинг огир енгиллиги, малакали мехнатни талаб килиш – килмаслиги хисобга олинишши керак.
4. Хак тулашнинг шакл ва тизимини хамда унинг даражаси ишлаб чикаришнинг микдор курсаткичлари билан бир каторда унинг сифат курсаткичларини янада яхшилаш, ишлаб


www.qmii.uz/e-lib

чикаришнинг мавжуд имкониятларини хисобга олган холда корхона фаолияти режалаштириш ва юритишини рагбаталантирадиган даражада булиши керак.

5. Мехнатга хак тулаш энг аввало ишлаб чикаришнинг окибат натижалари билан бевосита боглик булиши.
6. Мехнатга хак тулаш шакл ва тизимини оддий, содда хамда барча ходимлар тушунарли булиш.

Бу принципларга тула амал килиш иш хакини рагбатлантирувчи вазифасини янада оширади, ходимларнинг мехнат фаоллигини таъминлайди.

Узбекистон Республикаси ва президенти моддий манфаатдорлик ва мехнатга хак тулашнинг назарий масалаларини янада ривожлантириб, мехнатга хак тулашни такомиллаштириш борасида жуда йирик тадбирларни амалга ошириб келмокда.

## 11.2.Мехнатга хак тулаш шакллари ва тузилиши.

Кишининг мехнат фаолияти турли туман булганлиги учун унинг мехнатига хак тулаш хам турлича шаклларда намоён булади.

Иш хаки асосан икки шаклда булади:

1. Ишбай хак тулаш
2. Вактбай хак тулаш

Мехнатга ишбай хак тулаш бу ходимларнинг хакикатда бажарган иши токи етиштирган махсулотига туланадиган иш хакидан иборат. Ишбай хак тулаш бажариладиган ишга ёки маъсулотга норма белгилаш имконияти булган ва уни аник хисобга олиш мумкин булганда кенг кулланилади. Иш хаки тулашнинг бу шакли ходимларнинг иш бажаришидаги моддий манфаатдорлигини таъминловчи асосий омилларидан бири булиб хисобланади.

Вактбай хак тулаш бу ходимларнинг сарфланган иш вакти, яъни соат, смена кун учун туланадиган иш хакидан иборат. Мехнатга хак тулаш ишлаб чикаришда катнашаётган ходимлар сонига ёки бажарилган иш, етиштирилган махсулот учун туланиши мумкин. Ишлаб чикаришда катнашаётган ходимлар сонига иш хаки якка атртибда ёки майда гурух, гурух таркибида булиши мумкин. У ёки бу хак тулаш таркибини тулаш, экимн турлари, махсулот етиштириш технологияси, мехнат жараёнини шу жараён окибат натижаси билан канчалик богланганлигига, яъни мехнат таксимоти ва мехнат кооперацияси канчалик даражага етганлигига боглик.

Бундан ташкари мехнатга хак тулаш уз олдига куйилган вазифанинг бажарилишига кура асосий иш хаки ва кушимча хак тулашга булинади.

Асосий иш хаки бу агротехника, зоотехника хамда ташкилий хужалик талабларига кура белгиланган иш, махсулот етиштириш нормасини бажарганлиги учун олдиндан белгилаб куйилга ставка ёки расценка, лавозим оклади туланадиган иш хакидан иборат. Бу кафолатланган иш хакини ташкил килади.

Кушимча иш хаки бу кушимча мехнат сраф килиш оркали, иш жараёнларини такомиллаштириш оркали кушимча етиштирилган махсулот ёки юкори сифатли махсулот хамда шу махсулотларни етиштириш учун харажатларни тежаш эвазига туланадиган иш хакидир. Кушимча иш хаки натурал пул холида туланиши мумкин. Кушимча иш хакини хажми жуда катта булмаслиги керак. Акс холда асосий иш хакининг ахамиятини ва ролини кескин камайтиради.

Мехнатга хак тулаш тизими - бу узаро богланган, бир максадга каратилган, бир-бирини тулдирувчи турли хак тулаш шаклларининг узаро йигиндисидир. Мехнатга хак тулаш шаклларига кура хак тулаш тизимлари икки катта гурухга булинади:

1. Ишбай хак тулаш тизими
2. Вактбай хак тулаш тизими

Биринчи гурухга куйидаги хак тулаш тизимлари киради:

1. Оддий чегараланмаган ишбай тизим
2. Ишбай прогрессив тизим
3. Ишбай мукофот тизим
4. Аккорд мукофот тизим

## 11.3.Мехнатга хак тулаш фондини режалаштириш.

Хужаликлар ва кишлок хужалигидаги бошка давлат корхоналарига бизнес режа топширикларини етказишда иш хаки фондининг умумий суммаси ёки нормативи шу жумладан маъмурий-бошкарув ходимлари учун иш хаки лимити буйича топширик берилади. Иш хаки фонди буйича бериладиган топширик корхонанинг махсулот етиштириш ва бошка ишлаб чикариш шароитларига асосланади.

Бу иш хакига белгиланган кушимча ойлик ходимларнинг уртача ойлигини белгилашда хисобга олинмайди. Хужаликнинг маъмурий-бошкарув ходимлари сони ва иш хаки фонди хужалик директори томонидан тасдикланади, ишчилар кумитаси билан келишилган холда ишлаб чикариш структураси, штатлар ва ойлик мансаб маошларига асосан режалаштирилади ва маъмурий-бошкарув аппарати учун белгиланган иш хаки фонди чегарасида булади.

Хужаликнинг бизнес режасида ходимларнинг хар бир категорияси буйича иш хаки фонди аник хисоб-китоб килинади. Ишчилар буйича иш хаки фонди (асосий, даврий, вактинча), касби (механизатор ва хоказо) буйича режалаштирилади. Иш хаки ишчилар учун аввало, хар бир иш тури буйича тузиладиган технологик карталарга кура, чорвачиликда чорва молларини бириктириш нормаларига, бошка сохаларда бажариладиган ишларнинг хажми ва таъриф системасига кура аникланади. Иш хаки фондининг умумий суммаси таъриф иш хаки ва мукофот суммасидан (иш хаки хисобидан) бериладиган, айрим ишларни уз вактида ва сифатли бажарганлиги учун бериладиган кушимча хакдан ишчиларнинг малакасига (тракторчи-машинист, сувчи ва хоказо) бериладиган, жамоат ишларини бажариш даври учун туланадиган иш хакидан иборат. мАлакасиучун иш хакини режалаштиришда хар бир касбдаги ишчиларга (тракторчи-машинистга, сувчига, чорвадорга) туланадиган тариф иш хакига нисбатан уртача % аникланади хамда шу тоифадаги ишларнинг тариф иш хаки шу уртача % га орттирилади.

Ходимларнинг уртача ойлик маоши хар бир тармок ва тоифа буйича (ишчилар маоши-касб буйича) амалда кулланиладиган хак тулаш системасига асосан белгиланади. Йиллик иш хаки фондига ходимларнинг отпуска хаклари хам кушилади. Ходимларнинг сони ва уларнинг иш хаки фонди факат корхона ва унинг тармоклари буйича хисобланиб колмай, балки шу билан бирга харакатлар йуналиши ва характерига мувофик хам хисобланади.

Ишчиларнинг сони ва иш хаки хар бир тармок буйича бевосита сарфларга, дехкончилик ва чорвачилик буйича умум ишлаб чикариш сарфларига ва умум хужалик сарфларига булинади. Иш хаки фондининг ортикча сафр килинган кисми кейинги ойларда кайтарилиши (тулдирилиши) шарт.

Иш хаки фондининг ортикча сарф булишига йул куйган корхона рахбар ходимлари ортикча сарфлар кайтарилгунга кадар мукофотдан мухрум килинади.

Иш хаки фондининг тулдирилмаган кисми хисобот йилдан кейинги йилнинг биринчи ярмигача корхона хисобида саклаб колинади.

Корхона белгиланган муддатда (6 ой мобайнида) еки муддатидан олдин ортикча сарф килинган иш хакини тула копласа, иш хакининг ортикча сарф булишига йул куйган рахбарларга тегишли мукофотнинг 50% и берилиши мумкин. бу нарса хужаликнинг ишлаб чикариш ва хизмат булинмаларига хам тааллуклидир.

1999 йил 1 августдан бошлаб Узбекистон Республикасидаги ягона тариф сеткасида энг кам иш хаки 1750 сум килиб белгиланди ва куйидаги 22 разряд коэффициентлари билан танишамиз.


www.qmii.uz/e-lib

| Тариф разрядлари | Тариф коэффициенти | Тариф разрядлари | Тариф коэффициенти |
|---|---|---|---|
| 0 | 1,000 | 12 | 4,395 |
| 1. | 1,780 | 13 | 4,673 |
| 2. | 1,958 | 14 | 4,845 |
| 3. | 2,155 | 15 | 5,242 |
| 4. | 2,389 | 16 | 5,532 |
| 5. | 2,596 | 17 | 5,827 |
| 6. | 2,832 | 18 | 6,125 |
| 7. | 3,080 | 19 | 6,428 |
| 8. | 3,334 | 20 | 6,735 |
| 9. | 3,592 | 21 | 7,046 |
| 10. | 3,854 | 22 | 7,351 |
| 11. | 4,121 | | |

## 11.4.Дехкончилик ва чорвачилик ишларида мехнатга хак тулашни режалаштириш.

Узбекистон хужаликларида 1962 йилга кадар ишчиларга иш хаки асосан бажарган ишининг микдори ва сифатига туланадиган булиб, бу тартибда хак тулаш ишчиларни махсулот етиштиришни купайтириш, унинг сифатини яхшилашда етарли рагбатлантирмас эди. Ишчиларнинг ишлаб чикариш окибат натижаларини таъминлашдаги манфаатдорлигини кучайтириш максадида 1962 йилдан бошлаб иш хакини етиштирилган махсулот хажми билан боглайдиган хак тулаш таркиби жэорий килинди. бундай хак тулаш тизимига аккорд мукофот (кутара мукофот) хак тулаш тизими деб аталди.

Хозирги даврда кишлок хужалик корхоналарида мехнатга хак тулаш учун аккорд мукофот, ишбай мукофот, вактбай мукофот тизимидан фойдаланилмокда.

Аккорд мукофот тизимининг мохияти шундан иборатки, бунда иш хаки хакикатда етиштирилган махсулотга олдиндан белгилаб куйилган расценка буйича туланадиган булгани учун ишчилар махсулот етиштиришни купайтириш, унинг сифатини яхшилашдан бевоситаманфаатдор булади. Корхонада аккорд мукофот хак тулаш тизимини самарали жорий килиш ва фойдаланиш уччун жуда каттта иктисожий тадбирларни амалга ошириш талаб килинади. Чунки кишлок хужалик ишлаб чикаришни, айникса дехкончилик ва айрим чорвачилик тармокларининг даврий характерга эгша булиши, ишлаб чикаришнинг кенг ва мураккаб мехнат кооперациясига асосланиши бу сохаларда махсулот етиштириш ва ишлаб чикариш натижаларини купчилик ишчилар мехнат натижасига боглик килиб куяди. Шунинг учун аккорд мукофот хак тулашни тугри ташкил килишнинг асосий шартларидан бири мехнат коллетивларини бригада звено ва оилавий пудратчиларни максадга мувофик шаклда ташкил килиш улар фаолиятини асосан уюштиришдан иборатдир.

Аккорд мукофот хак тулаш тизимида иш хаки мехнат бирлигига ёки шу махсулот кийматининг 100 сумига белгиланиши мумкин. Махсулот бирлиги учун кутара расценка йиллик махсулот етиштириш режасига ва бригада, звено ва оилавий пудратлар бажаридагн йиллик кишлок хужалик ишлари учун хисобланаган тариф иш хаки фонидининг 125 фоиз хисобидан аникланади. Маккажухори дон учун, шоли ва бошка айрим экинларда кутара расценка тариф иш хаки фонидининг 150 фоиз хисобидан белгиланди.

Махсулот олгунга кадар ишчилар билан иш хаки буйича хисоб-китоблар махсулот учун белгиланган иш хаки юзасидан аванс тарикасида бажарган ишининг микдори ва сифатига кура белгиланган тариф ставка ва иш нормаларига кура ёки нарядли холда ойлик маоши таркисида


www.qmii.uz/e-lib

борилади. Бригада оилавий пудрат ва звеноларда бундан ташкари махсулот олунгунча ишчилар билан хисоб китоб вактбай шаклда, нарядсиз тартибда олиб борилиши мумкин. Бунда механизаторларга механизация ишлари тариф жадвали III-VI разраядларини тариф стаквасидан кул ва от улов ишларида кул ишлари тариф жадвали III-V разрядни тариф ставкасидан фойдаланиш рухсат этилади.

Корхоналар уз иктисодий даражаси ва хажмига кура ишчиларга хак тулашда аккорд мукофот тизим урнига ишбай мукофот тизимни куллаши мумкин. Ишбай мукофот хак тулаш хам дехкончиликда хам чорвачиликда икки кисмдан иборат ташкил килинади:

1. Бажарилган ишлар учун иш хаки:
2. Махсулоти учун туланадиган иш хаки:

## 11.5.Бозор иктисодиёти шароитида мехнатга хак тулашнинг шаклларидан фойдаланишни режалаштириш.

Хужаликларда мехнатга хак тулаш тизимида хозирги кунда бир мунча мухим узгаришлар килинди. Республикада карийб хамма Хужаликларда ички хужалик хисоби тулик жорий килиниб ишчи ходимларга етиштирилган махсулотларнинг микдорига караб иш хаки тулаш тартиби амалга оширилади. Зарар куриб ишлайдиган давлат хужаликлари санацияга туширилди ёхуд жамоа хужаликларига айлантирилди.

1966 йил июль ойидан бошлаб хужаликлар мехнатга кафолатланган иш хаки тулашга утдилар. Хужаликларда кафолатланган иш хаки тулашнинг амалга оширилишини жамоа ишлаб чикаришни ривожлантиришда ишчи ходимларнинг моддий манфаатларинигина оширди. Жамоа ва жамоа ширкат хужаликлари мехнатга хак тулашнинг олти разрядли тариф ставкасига утди. Хозирги кунда эса 22 та разряд буйича мехнатга хак туланади.

Жамоа ва жамоа ширкат хужаликларида мехнатга хак тулаш шакли талабларига жавоб берадиган булиши керак, яъни хар бир ишчи ва мехнаткаш дехкон бажарган ишининг микдори ва сифатига караб хаки туланиши керак. Тариф жадвалида белгиланган ишбай мукофот таркибида хар бир ишчи асосий иш хакларидан ташкари асосий ишбай бахоси билан бажарилган ишларнинг сон ва сифатига караб мукофотлар берилади. Мукофотларнинг асосий курсаткичи эса махсулот етиштириш режасини ортиги билан бажарилиши ва махсулотлар еки бажарилган ишлар таннархини арзонлаштиришдир.

Ишбай мукофот тартибида хак тулаш кенг авж олиб бормокда. Кутара-ишбай ва кутара-ишбай мукофот тартибида муайян бир ишни бажариш бошидан охиригача шартнома билан бахолаб берилади, иш таомомлагандан кейин хисоб-китоб килинади, хак туланади. Иш хаки етиштирилган махсулотлар микдорига караб туланади.

## Мавзу буйича назорат саволлари:

1. Мехнатга хак тулаш мохияти ва тамойилларини айтинг?
2. Мехнатга хак тулаш шаклларига кайсилар киради?
3. Мехнатга хак тулаш тизимлари нималар ва уларга кайсилар киради?
4. Мехнатга хак тулашнинг асосий ва кушимча иш хаки турлари тугрисида тушунча беринг?
5. Аккорд мукофот иш хакининг мохияти нимада?
6. Дехкончилик ва чорвачилик тармокларида аккорд расценкалар кандай белгиланади?
7. Ягона тариф сеткаси, тариф разряди ва тариф коэффициенти хакида тушунча беринг?
8. Ходимларнинг иш хаки фонди хужаликнинг кайси режасида курсатилади?
9. Иш хаки фондининг умумий суммаси нималардан ташкил топган?
10. Кишлок хужалигида ишбай мукофот хак тулаш кандай кисмлардан ташкил топади?


www.qmii.uz/e-lib

## 12-МАВЗУ: КИШЛОК ХУЖАЛИК КОРХОНАСИНИНГ МТПдан ФОЙДАЛАНИШНИ РЕЖАЛАШТИРИШ

**РЕЖА:**

12.1. Кишлок хужалик корхоналари фаолиятида машина ва тракторларнинг роли хамда ахамияти.
12.2. Хужалик ичида транспортлардан фойдаланишни тракторларни шартли эталон тракторларга айлантириш.
12.3. Кишлок хужалигида машина ва тракторларга булган талабни аниклаш.
12. 4. Хужаликнинг МТПида техник каров ва жорий ремонтни режалаштириш.
12. 5. Нефт махсулотларига булган талабни аниклаш.

**Адабиётлар:5, 6,7, 17, 22, 23, 25, 30, 36, 40**

**Таянч иборалар:** агросервис хизматлари, ижтимоий инфратузилма, кичик ва урта тадбиркорлик, кишлок хужалик корхоналарининг моддий базаси, машина-трактор парклари, товар моддий ресурслар, техник каров, жорий ремонт, капитал ремонт, амортизация.

### 12.1. Кишлок хужалик корхоналари фаолиятида машина ва тракторларнинг роли хамда ахамияти.

Кишлок хужалигида мавжуд булган ишлаб чикариш кувватларидан самарали фойдаланишда агросервис хизматларини ташкил килиш мухим ахамият касб этади.

Бозор иктисодиёти шароитида турли мулк шаклига асосланган кишлок хужалик махсулотлари ишлаб чикаришни ташкил этишда техника, маблаг, хизмат таъминоти сохасини куллаб-кувватлаш иктисодиётни ривожлантиришга олиб келади.

Узбекистон кишлок ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш борасида жуда катта ишлар амалга оширилмокда:

• кишлокларда кичик ва урта тадбиркорликни ривожлантириш;
• кичик ва урта саноат корхоналарини олиб кириш;
• дехкон хужаликларига агросервис хизмати курсатиш сохаси такомиллашмокда.

Бу омиллар кишлок хужалигида иктисодий ислохотларни янада чукурлаштириш, хозирги даврдаги долзарб масалаларни ечишда кул келмокда.

Бирок, кишлок хужалик корхоналари моддий базасининг заифлиги ишлаб чикаришни ташкил этишда бир катор кийинчиликларни юзага келтирмокда.

Айникса ишлаб чикариш кувватларининг чекланганлиги ички имкониятлар хисобига бартараф этиш мумкин булмай колди. Бу эса, уз навбатида агротехник хизмат сохаларини ривожлантиришни такозо этмокда. Кишлок хужалигига агросервис хизмати курсатиш хамда етарли микдорда техника ва эхтиёт кисмлар билан таъминлаш ишлаб чикаришни ривожлантиришнинг мухим омили эканлигини хаётий тажрибалар тасдикламокда.

Шу нуктаи-назардан мавжуд техник хизмат курсатиш корхоналарини кайта тузиш давр талабига айланмокда.

Янги таркибий-ташкилий тузилмалар сифатида МТПларни мисол келтириш мумкин. МТПларнинг амалии фаолияти кишлок хужалик ишлаб чикаришида техника таъминотида муаммоларни хал этишга каратилган.

Маълумки, Вазирлар Махкамасининг 1997 йилда "Машина трактор паркларининг моддий техника базасини мустахкамлаш ва уларнинг фаолиятини самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тугрисида"ги карори кабул килинди.

## 12.2. Хужалик ичида транспортлардан фойдаланишни тракторларни шартли эталон тракторларга айлантириш.

Хужаликларда кулланиладиган ишлаб чикариш нормаси йил бошида мавжуд булган трактор ва машиналарнинг сони, жорий йилда техникани ишлатиш учун керак буладиган эхтиет кисмлар, уларни етказиб бериш хамда хисобдан чикариш хакидаги маълумотлар бошлангич маълумот сифатида кабул килинади.

Юкоридаги шартларга асосан тракторларни шартли эталон тракторларга айлантиришда куйидаги коэффициентлар кабул килинган.

| № | Тракторларнинг маркаси | Тракторларни шартли эталон коэ-ти |
|---|---|---|
| 1 | К-700 | 2,10 |
| 2 | Т-100, Т-100М | 1,34 |
| 3 | Т-4А | 1,45 |
| 4 | Т-4 | 1,33 |
| 5 | ДТ-75 | 1,0 |
| 6 | ДТ45 | 0,86 |
| 7 | Т-40 | 0,48 |
| 8 | Т-28*4 | 0,50 |
| 9 | Т-4А | 0,50 |
| 10 | ДТ-75М | 0,10 |
| 11 | МТЗ-50 | 0,55 |
| 12 | Т-28*3 | 0,48 |
| 13 | Т-28М | 0,60 |
| 14 | КД-35 | 0,57 |
| 15 | КДП-35 | 0,57 |
| 16 | МТЗ-52Л | 0,57 |
| 17 | МТЗ-52 | 0,57 |
| 18 | КДП-38,Т-38 | 0,57 |
| 19 | ДТ-20 | 0,27 |
| 20 | Т-16М | 0,22 |

Истикбол режалаштиришда эса мазкур зонадаги трактор ва машиналар синфига оид булган техникавий тавсифномалар, уларнинг хизмат килиш муддатлари, ишлаб чикариш нормалари ва бошка маълумотлар аниклаб чикилади.

Кишлок хужалиги корхоналарида эмас, балки умуман ишлаб чикариш жараенида техникалардан окилона фойдаланиш ва уларни техник каровдан утказиб туриш асосли масъулиятли вазифа хисобланади. Шунинг учун хам машина-трактор паркларидан фойдаланишни режалаштиришда уларнинг техник каров утказиш даврлари хам олдиндан режалаштирилади.

Бу режалаштирида куйидагиларга амал килиш зарур хисобланади:

1. Мавжуд булган техникаларнинг умумий сони, уларнинг турлари;

2. Бажарадиган иш жойлари;
3 Техник каров утказиладиган жойларни аниклаш;
4 Техник каров учун сарфланадиган жами харажатлар;
5. Техник каров утказишда катнашадиган маъсул шахслар таркиби;
6. Техник каров утказишнинг аник норматив муддатлари.

Трактор ва машиналар хар 60 мотосоат ишалаганидан сунг 1-техник назорат, 240 мотосоат ишидан сунг 2-техник назорат, 960-мотосоат ишлаганидан сунг 3-техник назорат, 1920 мотосоатдан сунг жорий ремонт ва 5760 мотосоатдан сунг эса капитал ремонт утказлиши лозим. Ушбу ишлар уз вактида амалга оширилса техникалар кувватидан оптимал фойдаланиш имконини беради.

Тракторлар ва кишлок хужалик машиналарини техник каровдан утказишда улар бажарадиган ишларнинг норматив микдорлари ±10% гача хисобга олинади.

Кишлок хужалиги корхонасида машина-трактор паркларидан фойдаланишни режалаштириш окилона амалга оширилиши учун хамда мавжуд булган техникалардан узок муддатларда фойдаланиш имкониятига эга булиш учун уларда утказилган техник каровларни уз вактида амалга оширилиши хамда техникаларни саклашга катта эътибор бериш талаб килинади. Кишлок хужалик корхонасининг машина-трактор паркидан фойдаланишни режалаштириб боришда бизнес-режанинг хар бир булими, хар бир курсаткичи учун канчалик таъсири борлигини назарда тутишимиз керак

Чунки бунинг охирги натижаси хужаликнинг молиявий натижалар якуни билан таккослаб курилади, яъни махсулотни сотишдан тушган тушум, курсатилган хизматлардан тушган тушум, маъмурий харажатлар асосий ишлаб чикариш фаолиятининг натижалари бошка барча харажат хамда олинган соф фойда ёки зарар билан таккосланади. Унинг хар бир курсаткичи алохида тахлил килинади.

Техникаларнинг иш унумидан канчалик окилона фойдаланилса хужалик иктисодий ахволининг шунчалик юкори булишига хизмат килади.

### 12.3. Кишлок хужалигида машина ва тракторларга булган талабни аниклаш.

Корхона бизнес режаларининг муваффакиятли бажарилиши машина ва тракторларга булган талабни тугри аникланашига боглик. Корхонанинг машина ва тракторларга булган талаби корхонанининг ихтисослашишига, жойлашишига, интенсивлик даражасига, эришилган ва режалаштирилаётган мехнат унумдорлиги даражасига хамда мавжуд иктисодий ва ижтимоий вазиятга бажарилиши кузда тутилган ишлар хажмига ва уларни бажариш муддатларига боглик. Уз навбатида бажариладиган ишларнинг хажми дехкончилик тармокларида экинларнинг таркиби ва хосилдорлигига, экин майдонларига кабул килинган агротехник усули ва тадбиркорга, чорвачиликда эса чорва молларининг бош сони, уларнинг махсулдорлиги, зоотехник усулларга боглик булади. Бундан ташкари ишларинг умумий хажми корхонанинг бошка сохаларида бажарилган ишларини хам уз ичига олади.

Корхонанининг машина тракторларга булган талаби жорий йилга ва истикболга булган талабдан иборат. Талабни аниклашда энг аввало куч берувчи машинага, яъни тракторга, комбайинга ва узи юрар машинага булган талаб аникланади.

Тракторга булган талаб жорий йил учун унинг жисмоний улчовида, истикбол учун эса шартли улчовда аникланади. Шартли улчов сифатида эталон трактор хамда тонна-класси кабул килинган.

Истикбол технологик карталарни (экин турлари буйича) ишлаб чикишда ва бунга асосан турли нормаларни белгилашда – тонна классдаги улчови кенг ишлатилади.

Тракторларга булган талаб хар бир трактор маркаси буйича (жорий йилга) ёки шартли тракторга (истикболга) тугри келадиган жисмоний иш хажмига асосан хисобланади. Бунда куйидаги формуладан фойдаланилади:

$$T = \frac{UX}{Hx \times UK}$$

Бунда: Т- тракторларга булган талаб
UX- иш хажми
Нх – кунлик иш нормаси
UK –агротехник муддатдаги иш кунлари

Бу формуладаги кунлик иш нормаси урнига соатлик иш нормасини куллаши мумкин, бунда формула куйидаги шаклда булади.

$$T = \frac{UX}{Hc \times Kc \times UK}$$

Бунда: Нс –соатлик иш нормаси
Кс – смена ёки бир кунда неча соат ишлаши, яъни ишни неча сменада ташкил этилиши

Шуни инобатга олиш керакки кишлок хужалигида бир иш сменаси етти соат килиб кабул этилган. Бу формуладан комбайинлар ва узи юрар машиналарга булган талабни аниклашда фойдаланилади. Тракторларга осиладиган ва тркаладиган, яъни иш машиналарига булган талаб ташкил этилган агрегат хусусиятига кура тракторларнинг талаб килинган сонига кура аникланади.

## 12.4. Хужаликнинг МТПида техник каров ва жорий ремонтни режалаштириш.

МТПларнинг моддий техника базасини янада мустахкамлаш ва кишлок хужалигида техник хизмат курсатишда уларнинг ахамиятини ошириш, махсулот етиштирувчи майда товар ишлаб чикарувчиларга, шахсий ердамчи ва дехкон хужаликларига сервис хизмати курсатиш масалаларини хал этиш республикамиздаги "Узкишлокхужаликтаъминоггузатиш" давлат-кооператив кумитасига юклатилган. Айни пайтда машина-трактор парклари таркибида ихтисослаштирилган булимлар ташкил зтилиши ва уларни шакллантиришнинг ахволи алохида назорат остига олиниши кайд килинади.

МТП давлат-хиссадорлик жамиятининг таркибий булинмаларидан бири - у кишлок хужалиги махсулотлари етиштирувчиларга хизмат курсатиш, сервис хизмат курсатиш, дехкон хужаликларини эхтиёт кисмлар ва товар моддий ресурслар билан таъминлашдан иборат.

Иккинчи таркибий булимда тузатиш ва савдо таъминот базасининг функцияси техникани мукаммал ва жорий тузатиш, узель ва агрегатларни тузатиш, деталларни тиклаш ва янгиларини ясаш, эхтиёт кисмлар билан таъминлаш, трактор ва кишлок хужалиги техникасининг ишлаб чиккан агрегатлари, узеллари ва двигателларини бир жойга туплаш ва урганиш, мукаммал тузатилганларини таклиф этиш курсатилган.

Кишлок хужалик корхоналарига МТПларнинг агросервис хизмат курсатиш моддий техник таъминотини таъминлашда хужаликлар билан хисоб-китоб ишлари олиб борилади.

Кишлок хужалиги корхонасини трактор ва бошка кишлок хужалиги машиналарига булган эхтиежи хужаликнинг тупрок иклими шароитига, унинг йуналишига, технологиясига асосланган холда амалга оширилади.

МТПдан фойдаланишни жорий режалаштиришнинг бошлангич хужжати, жамоа ширкат хужалигининг бизнес-режаси, булинмаларнинг технологик карталари хисобланади. Истикбол режалаштиришда эса ташкилий хужалик режаси бошлангич хужжат хисобланади.

МТПдан фойдаланиш вактида жорий йил учун тузилган бизнес-режадан ерларнинг турлари, экин майдонлари ва уларнинг тузилиши, хайдалган ерлар, пичанзорлар, бог ва узумзорлар майдони, чорва моллари ва паррандаларнинг сони, мелиорация ва ирригация ишларининг хажми, режалаштирилаетган хосилдорлик, угит солиш нормаси ва бошка маълумотлар езиб олинади Кишлок хужалик корхоналарида хар кандай маркадаги тракторнинг эталон шартлардаги ва техник нормалаштириш усули буйича аникланадиган ишлаб чикариш нормаси эталон ишлаб чикариш нормаси дейилади.

Тракторлардан фойдаланиш даражасига бахо бериш, уларга булган эхтиежнинг хар бир утказиладиган таъмирлаш орасидаги муддатларни трактор ишлари бирлигига сарфланадиган ёнилгини режалаштириш ва бошка курсаткичлар учун трактор ишларининг шартли бирликлари зарур булади.

Трактор агрегатларининг умум ишлаб чикариш нормасини улчаш бирлиги сифатида шартли эталон гектар (шартли натурал бирлик) кабул килинади.

У куйидаги шартлар булганда 1 га. ер хайдашга мувофик келадиган ва эталон сифатида кабул килинадиган ишлар хажмидан иборатдир:

1. Агрегатнинг харакат тезлиги 5 кмГс булганда, каршилик 0,50 кгГсм$^2$;

2. Тупрокка ишлов бериш чукурлиги 20-22 см; 3 Тупрокнинг намлиги 20-22% гача,

4. Рельеф - текис огиш бурчаги 1° тенг;

5. Ернинг конфигурациям;

6. Хайдаш узунлиги 800 м.;

7. Денгиз юзасидан баландлиги 200 м.;

8. Хайдаладиган ерда тош ва тусикларни йук булиши.

Кишлок хужалиги корхонасида МТПдан йил давомида самарали фойдаланиб бориш мехнат унумдорлигини ошириш хамда самарадорликни оширишнинг асосий омилларидан хисобланади.

**12.5. Нефт махсулотларига булган талабни аниклаш.**

Корхонанинг нефт махсулотларига булган йиллик талаби трактор ишларининг йиллик хажми хамда иш бирликлари уни табакалаштирилган ёкилги сарфлаш нормасига асосан аникланади. Автомобиллар учун ёкилги талаби юк ташишинг йиллик хажми, енгил автомобилларнинг йиллик йул босиши ва хар бир автомобил маркаси буйича хар 100 км йул босиши учун белгиланган ёкилги сарфи нормасига асосан аникланади.

Хужаликларда йил давомида тракторлар, комбайинлар ва автомобилларнинг салт юришига тугри келади, хамда ёкилга сарфланади. Бунинг учун хар бир русумдаги тракторлар учун табакалаштирилга ёкилги сарфлаш нормаси белгилаб куйилади.

Асосий ёкилги (дизель ёкилгиси, бензин ва хоказо) билан бир каторда машина ускуналари учун кушимча ва мойлаш материаллари сарф килинади. Мойлаш материалларига булган талаб асосий ёкилгига булган талабга нисбатан фоиз хисобидан берилган нормага мувофик аникланади. Масалан: хужаликнинг бир йиллик режалаштирилган трактор ишлари хажми 200 минг эталон гектар белгиланган булса ва бир эталон гектарга асосий ёкилги сарф нормаси 13 литр белгиланган булса, шу ёкилгига булга бир йиллик талаб

$T = ИИХ \times Нё = 200000 \times 13 = 2500000 \approx 2600$ тоннага тенг булади.

Бунда: Т – йиллик бажарилган иш учун талаб килинган ёкилги

Нё -ишнинг бир-бирилги ёкилги нормаси

Ремонтларни утказиш ва машиналарни ремнотдан кейин синаб куриш учун талаб этиладиган ёкилги сарфи, хар бир ремонт сони учун белгиланган ёкилги срафи нормасига


www.qmii.uz/e-lib

биноан аникланади. Ёкилгига булган талабни аниклаш учун ёкилги сарфи нормалари амалий машгулотлар утказиш учун тузилган кулланмаларда келтирилган.

**(Интернетдан) Лизингдан фойдаланувчилар купаймокда.**

**UzReport.com**

Узбекистонда лизинг асосида техника сотиб олаётган дехконлар сони тобора ортиб бормокда. биринчи чорак давомида дехконлар томонидан 664 техника лизинг асосида сотиб олинди.

2004 йилнинг биринчи чораги давомида дехконлар томонидан 664 техника лизинг асосида сотиб олинди, бу эса утган йилнинг шу даврига нисбатан 3,2 марта купдир. Бу хакида «Узкишлокхужаликмашлизинг» акциядорлик лизинг компаниясининг келишув-хукукий депортаменти бошлиги Фахриддин Хожиев хабар берди.

Агар 2000 йилда лизингдан атиги 6 нафар фермер фойдаланган булса, хозир уларнинг сони 2390 нафардан ортиб кетди.

Лизинг шартномаси 7 йил муддатга тузилади, бунда техника кийматининг бор-йуги 15 % микдорида пул туланади. Йиллик устама фоиз эса Марказий банк томонидан белгиланган кайта молиялаш ставкасининг 50 % микдоридан ошмайди.

### Мавзу буйича назорат саволлари:

1. Узбекистон кишлок ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш борасида кандай ишлар амалга оширилмокда?
2. Тракторларни шартли эталон тракторларга айлантириш учун кандай коэффициентлар кабул килинган?
3. Кишлок хужалигига агросервис хизмати курсатиш деганда нимани тушунасиз?
4. МТПдан фойдаланишни жорий режалаштиришнинг бошлангич хужжатига нима киради?
5. Кишлок хужалиги корхонасининг МТП дан фойдаланишни режалаштириш кандай тартибда амалга оширилади?
6. Техник каровни утказиш кандай режалаштирилади?
7. Кишлок хужалигида машина, тракторларга булган талаб кандай аникланади?
8. Эталон ишлаб чикариш нормаси деганда нимани тушунасиз?
9. Корхонанинг ёкилги-мойлаш материалларига булган талаб кандай аникланади?
10. Кишлок хужалиги корхонасида МТПдан фойдаланишни яхшилашнинг кандай йуллари мавжуд?

## 13 –МАВЗУ: КИШЛОК ХУЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИДА МАХСУЛОТ ТАННАРХИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ

### РЕЖА:

13.1. Кишлок хужалигида ишлаб чикариш харажатлари тушунчаси.
13.2. Кишлок хужалиги корхоналарида дехкончилик махсулотлари таннархини режалаштириш.
13.3. Махсулот таннархини калькуляция килиш.
13.4. Дехкончилик махсулотлари таннархига таъсир этувчи омиллар.
13.5. Чорвачилик махсулотлари таннархини режапаштириш.

**Адабиётлар: 4, 7, 8, 9, 10, 15, 18, 25, 26, 29, 30, 31, 33**

**Таянч иборалар:** махсулот таннархи, тежамкорлик, таннарх таркиби, хосилдорлик, харажатлар, фойда, даромад, рентабеллик, чорвачиликнинг иктисодий самарадорлиги, комплекс механизациялаштириш, автоматлаштириш.

## 13.1.Кишлок хужалигида ишлаб чикариш харажатлари тушунчаси.

Хеч бир фаолият сарф-харажатсиз булмайди. Бозор иктисоди шароитида хар бир корхона, фирма, колаверса, хар бир шахс уз фаолиятида максимум фойда олишга интилади. Кишлок хужалиги корхоналарининг максади хам шунга каратилган. Бунга кандай килиб эришиш мумкин? Бунга эришиш учун корхона, фирмалар уз фойдаси микдорини купайтиришни максад килиб куйган хар бир шахс ишлаб чикариш, хизмат курсатиш жараёнини шундай ташкил этиши керакки, бунда бир хил хажмдаги ишлаб чикариладиган махсулотга имкони борича кам ишлаб чикариш омиллари жалб этилган ёки ишлаб чикаришга кам харажат сарф килиши керак. Маълумки, ишлаб чикариш жараёнида жонли ва буюмлашган куринишдаги барча мехнат сарфлари ишлаб чикаришнинг ижтимоий харажатларини ташкил этади. Ишлаб чикаришнинг ижтимоий харажатлари товар кийматини ифода килиб иш вакти билан улчанади.

Бозор талабига кура ишлаб чикарилган хар кандай товар киймати куйидаги формула билан ифодаланади:

$$WкCкVкM$$

Бунда: W – товар кийматини, C – сарф килинган ишлаб чикариш воситалари кийматини, V – зарурий мехнат натижасида яратилган зарурий махсулот кийматини, M – кушимча мехнат сарфи натижасида яратилган кушимча махсулот кийматини ифода этади.

Кушимча махсулот киймати товарларни ишлаб чикариш жараёнидан то истеъмолигача булган боскичларда катнашган жами тадбиркорлар манбаидир. Бу ишлаб чикариш ва савдо капитали билан катнашган тадбиркорларнинг фойдаси, банк капиталининг кредити, ер эгасининг рентаси, турли тоифадаги ижарачиларнинг ижара хаклари куринишида намоён булади.

Агарда товар кийматидан кушимча кийматни чегаралаб ташланса, товарда капиталлашган кийматни коплайдиган эквивалент, яъни товар ишлаб чикаришга сарфланган элементлар СкV колади. Бу СкV товар ишлаб чикарувчилар учун ишлаб чикариш харажатларини (ТС) ташкил килади.

Назарий жихатдан ишлаб чикариш харажатлари иктисодчи ва бухгалтер нуктаи назардан урганилиши ва тушунилиши керак. Бухгалтер нуктаи назаридан хакикатда корхона томонидан килинган хамма сарф-харажатлар хисобга олинишини талаб этилади ва хакикий харажат сифатида хужжатларда акс эттирилади. Иктисодчи нуктаи назардан иктисодий харажатлар тушунчаси мавжуд булиб, у ресурсларнинг тахлиллиги ва улардан фойдаланишни бошкача мукобил йуллари хам борлигидан келиб чикади. Иктисодий харажат хар кандай ресурсдан фойдаланиш варианти ичидан энг самарали вариантида ишлаб чикарилган товар кийматини ифода килади. Ишлаб чикариш харажатлари ташки ва ички харажатларга булинади. Ташки харажатлар деб фирма ресурслар етказиб берадиган хамкорларга тулайдиган харажатлари тушинилади. Махсулот етиштириш, иш, хизматларни бажариш учун пул туланмайдиган, яъни уз мехнати ва ресурсларин сарфлаш ички харажатлар хисобланади.

Ишлаб чикариш харажатларини етиштириладиган махсулот хажмига кура доимий ва узгарувчи харажатларга булинади. Доимий харажатларга бино иншоотлар, урнатилган ускуналр турли туман туланиши керак булган мажбуриятлар, рента туловлари, сугурта взнослари, юкори мансабдор рахбарлар маоши ва шу кабилар киради. Узгарувчи харажатлар деб ишлаб чикариш хажмига боглик булган, унинг узгариши билан микдори узгариб турадиган харажатларга


www.qmii.uz/e-lib

айтилади. Узгарувчи харажатларга хом ашё, ёкилги, энергия, транспорт хизмати, иш хакининг купчилик кисмига ва шунга ухшаш бошка тадбирларга килинган харажатлар киради.

Ишлаб чикариш харажатларига корхонада фирмада махсулот етиштириш билан боглик харажатлар акс эттирилса, давр харажатларида ишлаб чикаришни бошкариш хамда махсулотларни сотиш билан боглик булган харажатлар акс эттирилади. Кишлок хужалик корхоналарида хакикий таннарх хамда норматив таннарх аникланади.

## 13.2.Кишлок хужалиги корхоналарида дехкончилик махсулотлари таннархини режалаштириш.

Таннарх - муайян микдорда махсулот етиштириш учун килинган барча харажатларнинг пул шаклидаги ифодасидир. Махсулот таннархини пасайтириш хужалик иктисодиетини мустахкамлайди, етиштирилаётган махсулотларнинг рентабеллигини янада оширади.

Катъий иктисод килиш ва тежамкорлик халк хужалагини ривожлантиришнинг, халк фаровонлигини оширишнинг энг мухим шартидир. Шунинг учун хужалик яъни кишлок хужалик корхонасининг хар бир сохаси буйича махсулот таннархини арзонлаштиришга эришиш лозим. Бунинг учун тармокларда ишлаб чикаришни тугри режалаштириш, ундаги имкониятларни аниклаш лозим.

Махсулот таннархи кишлок хужалик корхоналари мехнат ресурслари ишлаб чикариш воситалари фан ва техника ютуклари хамда илгорлар тажрибасидан кай даражада фойдаланаетганликлари ишлаб чикаришни нечогли тугри ташкил килинганликларини асосий курсаткичи хисобланади.

Таннарх курсаткичи ёрдамида ишлаб чикариш харажатлари канчалик кискарганлигини аниклаш, шунингдек, хужаликда, бригада ва фермада махсулот бирлигига килинган сарфлар микдорини таккослаб куриш мумкин.

Кишлок хужалик корхоналари махсулот таннархини хисоблаш оркали уз ишлаб чикариш фаолиятлардаги ижобий ва салбий томонларни аниклайдилар.

## 13.3.Махсулот таннархини калькуляция килиш.

Кишлок хужалик корхоналарида айрим турдаги махсулотлар, дехкончиликда дон, пахта, шоли ва хоказо, чорвачиликда сут, устирилган вазн, жун, тухум хамда тирик вазн таннархи аникланади. Шунинг учун кишлок хужалигида маъсулотлар таннархини хисоблашни калькуляция килиш учун харажатлар кабул килинган элементлар ва моддаларга мувофик экинлар тури ёки гурухи, чорвачиликда эса чорва моллари тури ва гурухлари буйича хисоблаб берилади.

Махсулот таннархини аниклаш учун харажатларни айрим гурухлар ва турлар буйича алохида-алохида хисоблаб борилишига таннархни калькуляциялаш дейилади. Харажатлар хисобга олинадиган объектларни калькуляция объектидеб аталади. Дехкончиликда калькуляция объекти сифатида айрим экин турлари масалан, пахта, кузги ёки бахорги бугдой, шоли ва хоказо, чорвачиликда сут, корамол подаси, устириладиган пода, чучкалар ва хоказо булиши мумкин. Айрим махсулотларни ишлаб чикариш хажми унчалик катта булмасдан калькулация объекти сифатида экинлар гурухи масалан, бошокли дон экинлари, сабзавотлар, полиз ва шу каби ишлаб чикариш технологияси, махсулотдан фойдаланиш хусусияти билан бир-бирига якин экинларнинг бир гурухи калькулация объекти сифатида кабул килинади ва улар буйича харажатлар режалаштирилиши хисобланади. Махсулотлар таннархини калькуляция килишда жами харажатлар тугри бевосита харажатларга ва эгри белвосита харажатларга булинади. Бундан ташкари махсулотни яратишдаги урнига кура асосий харажатларга ва устама харажатларга булинади. Махсулотни етиштириш технологияси билан

бевосита тугри боглик булган ва махсулот таннархига туппа тугри олиб бориладиган харажатлар асосий ёки тугри харажатлар деб аталади. Бунги уруглик, ем-хашак, бевосита ходимларнинг мехнат хаки киради. Махсулот етиштириш технологияси билан бевосита богланган, лекин бир неча экин турига ёки гурухига тааллукли булган харажатлар асосий комплекс харажат хисобланиб, калкуляция объектларига маълум курсаткичларга асосан тасдикланади.

Ишлаб чикариш билан боглик булган белвосита эгри харажатлар махсулот таннархига, яъни экинлар, чорва моллари ва гурухларига шу харажатлар хусусиятини ифода этадиган бирон бир курсаткичига мутаносиб таксимланади.

Махсулотларни сотиш, корхонанин бошкариш ва бошка операцион харажатларни узида мужассамлаштирган давр харажатлари, махсулот сотишдан олигна ялпи фойда хисобидан копланади. Лекин бирон-бир махсулот етиштиршни ва уни сотиш билан боглик натижаларни аниклаш, унга иктисодий жихатдан бахо бериш учун шу экин ёки махсулотнинг фойдалилигини аниклаш зарур булган такдирда давр харажатларини у ёки бу махсулотдаги салмогини аниклашга тугри келганда бу салмок махсулотлар ишлаб чикариш харажатларидаги салмокка асосан таксимланади.

Кишлок хужалигининг дехкончилик ва чорвачилик тармокларида алохида калькуляция объекти хисобланган экин турлари ва чорва гурухларидан биологик хусусиятларига кура бир эмас бир неча махсулот олиниши мумкин. Уларни ишлаб чикариш максади ва хужаликда тутган урни ва ахамиятига кура :

- асосий махсулотларга;
- ёндош махсулотларга;
- кушимча махсулот ёки чикиндиларга булиш мумкин.

## 13.4.Дехкончилик махсулотлари таннархига таъсир этувчи омиллар.

Дехкончилик махсулотлари таннархини режалаштириш факат бу тармокнинг рентабеллигини оширишнигина эмас, балки бутун хужалик фаолиятига ижобий таъсир этади. Шунинг учун хам дехкончилик махсулотлари таннархини харажат турлари буйича режалаштирилиши лозим.

Дехкончилик махсулотлари таннархини режалаштиришда харажатларнинг умумий микдорини билишдан ташкари, уларнинг турларини хам урганиш лозим. Бунинг учун аввало мазкур махсулот таннархининг таркибини диккат билан тахлил килиб чикиши керак .

Таннарх таркиби деганда харажатларнинг айрим кисмларини жами килинган харажатлар суммасига нисбати тушунилади. Таннарх таркиби турли махсулотларда турличадир. Жумладан, чорвачиликда мехнат хаки ва озикалар киймати харажатларнинг асосий кисмини ташкил килса, пахта таннархи таркибида эса иш хаки сарфларининг салмоги юкори булиши мумкин.

Харажатларни кискартиришда уларнинг иктисодий самарасини хисобга рлимай туриб кискартиришга йул куймаслик керак. Чунки бу таннархни пасайтиришга салбий таъсир этиши мумкин. Жумладан, сарфланадиган угит микдори озайтириб юборилса, экинларнинг хосили камайиб кетади. Бу эса махсулот таннархининг ортиб кетишига олиб кеяади. Шунинг учун хам харажатларнинг хар бир элементини кискартириш тадбирларини белгилаш пайтида, албатта, уларнинг иктисодий самарасини тула хисобга олиш лозим. Махсулот таннархини режалаштиришда факат таннархининг нима сабабдан камайган еки ошганини эмас, балки таннархга кандай омиллар таъсир килганини хам билиш лозим.

Экинларнинг хосилдорлиги ошиб борган сари махсулот етиштириш таннархи хам камая боради. Хосилдорилик канчалик юкори булса, махсулот бирлигига тугри келадиган харажатлар микдори хам шунча кам булади.

Дехкончилик махсулотини таннархини режалаштиришда таннархга таъсир этувчи омилларни факат утган йилги маълумотлар билан солиштирмасдан, балки режа курсаткичлари билан хам таккосланиши керак. Дехкончилик махсулотлари таннархини режалаштиришда факат асосий махсулотлар таннархи билан каноатланмасдан балки кушимча махсулотлар таннархини хам етарлича режалаштириш керак. Бунинг жуда катта ахамияти бор. Чунки, купгина хужаликларда одатда дехкончилик махсулотларини етиштиришда сарф килинган чикимларнинг хаммаси факат биргина асосий махсулот турининг таннархига кушиб юборилади. Бу билан дехкончиликнинг асосий махсулотлари таннархи сунъий равишда ошириб юборилади. Шунингдек, кушимча махсулотлар таннархи мутлако хисобланмайди. Жумладан, дон етиштиришда дон асосий, похол асосий махсулот хисобланади. Бунда шу экин турини етиштириш учун килинган чикимларнинг хаммасини факат бир махсулот турининг таннарихига кушиш нотуфидир.

## 13.5.Чорвачилик махсулотлари таннархини режапаштириш.

Чорвачилик махсулотлари таннархини режалаштиришда дехкончилик тармоги сингари хисобот маълумотларидан, шунингдек, уртача куп йиллик маълумотлардан фойдаланилади. Кишлок хужалиги корхоналарида чорвачилик махсулоти таннархи бизнес-режанинг алохида булимида хам курсатилади. Хисобот йилидаги таннарх даражаси утган йилги ёки базис йилидаги хамда илгор хужаликдаги тегишли курсаткичларга солиштириб режалаштирилиши лозим. Бу бизга йиллар буйича хар бир махсулот таннархининг пасайтирилганлигини еки оширилганлигини билдириб туради. Махсулот таннархи даражаси куп хужаликларда хар хил-булади ва бир-биридан фарк килади. Бу хужалик рахбарининг махсулот таннархини пасайтириш юзасидан олиб борган ишига тугри бахо бериш имконини тугдиради.

Махсулот таннархини камайтириш имкониятларини аниклаш учун аввало чорвачилик махсулотларининг таркибини тахлил этиш, харажатларининг айрим элементларини, абсолют хамда нисбий микдорини белгилаш зарур. Таннарх таркиби муайян чорва махсулотини етиштириш учун килинган харажатлар орасида айрим харажатларнинг нисбатини курсатади. Махсулот таннархининг таркибини анализ килиш чорва махсулоти таннархини камайтириш учун хужаликда кандай амалий чоралар кераклигини белгилашга имкон беради.

Тажрибалар шуни курсатмокдаки, чорвачилик махсулотлари таннархининг таркида асосий салмокни мехнат хаки ва озука киймати ташкил килади.

Махсулот таннархига факат мехнат ва моддий-пул харажатларигина эмас балки, бир бош молига сарфланган харажат хамда махсулдорлик хам таъсир этиши мумкин. Чунки хужалик хар бир молга хаддан ташкари куп харажат килиб, оз микдорда махсуллот опиши, чорва махсулотини таннархини ошириб юбориши еки бунинг акси хам булиши мумкин. Шунинг учун хам чорвачилик махсулотлари таннархини режалаштиришда уларга таъсир этувчи омилларнинг хар бирини алохида куриб чикиши керак. Чорвачиликнинг иктисодий самарадорлиги бир канча курсаткичлар билан жумладан, чорва ва паррандалар сони хамда улар махсулдорлигининг усиши, махсулотнинг сифати, ем-хашак сарфи, махсулот таннархи- ва махсулот етиштиришнинг рентабеллиги билан аникланади.

Кишлок хужалик корхоналарида махсулот таннархини пасайтириш учун ишлаб чикаришни ихтисослаштириш, ердан окилона фойдапаниш, ишлаб чикариш жараенларини комплекс механизациялаштириш ва автоматлаштириш, моддий манфаатларни ошириш, транспорт ва маъмурий-хужалик харажатларини камайтиришдан иборат.

## Мавзу буйича назорат саволлари:

1. Ишлаб чикариш харажатлари деганда нимани тушунасиз?
2. Ишлаб чикариш харажатлари таркиби нималардан иборат?
3. Ишлаб чикариш харажатларини кайси йуллар билан тежаш мумкин?
4. Махсулот таннархи тушунчаси ва унинг турлари?
5. Таннархини режалаштиришда нималарга эътибор берилади?
6. Дехкончилик махсулотлари таннархини режалаштиришда нималарга эътибор берилади?
7. Махсулотлар таннархини калькуляция килиш деганда нимани тушунасиз?
8. Дехкончилик махсулотлари таннархи кандай калькуляция килинади?
9. Чорвачилик махсулотлари таннархи кандай калькуляция килинади?
10. Доимий ва узгарувчан харажатларга нималар киради?

## 14. КИШЛОК ХУЖАЛИК КОРХОНАСИНИНГ МАХСУЛОТЛАРИНИ СОТИШ БУЙИЧА ШАРТНОМАЛАР ТУЗИШНИ РЕЖАЛАШТИРИШ

**РЕЖА:**

14.1. Шартномалар хакида умумий тушунча.
14. 2. Товарни етказиб бериш шартномаси.
14.3.Кишлок хужалик махсулотларини контрактация шартномасини тузиш.
14.4. Шартномаларни расмийлаштиришнинг мукобил усуллари.
14.5. Кишлок хужалик махсулотларини контрактация шартномаси асосида сотишни режалаштириш.

**Адабиётлар: 4, 5, 6, 19, 20, 21, 22, 24, 26, 27, 39, 40**

**Таянч иборалар:** товар, махсулот, шартнома, контрактация шартномаси, бадалли шартнома, бадалсиз шартнома, оила пудрати, тадбиркор, бизнес-режа, мажбурият, ракобатбардош махсулотлар ишлаб чикариш, товар етказиб бериш шартномаси.

### 14.1. Шартномалар хакида умумий тушунча.

Шартнома фукаролик-хукукий битимларнинг турларидан бири хисобланади.

Шартнома мажбуриятлар булишининг энг мухим асосларидан биридир.

Шартнома корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фукаролар уртасида ахолига хизмат курсатиш сохасидаги хужалик муносабатларнинг асоси хисобланади. Фукаролар узларига тегишли булган мол-мулкдан фойдаланиш вактида, ташки савдо-сотикда шаклидан фойдаланадилар.

Шартноманинг мазмуни уни тузиш вактида томонлар келишиб олган шартларнинг мажмуидир. Шартлар мухим, оддий, тасодифий шартларга булинади. Барча мухим шартлар буйича бир битимга келинган булса, шартнома тузилган хисобланади.

Шартнома бадалли ва бадалсиз булади. Бадалли шартномада бир томоннинг бажариши, иккинчи томоннинг талаби мукобил кондирилишига мое келади. Бадалсиз шартномада талабнинг мукобил кондирилиши булмайди.

Шартномалар ижтимоий-хужалик вазифасига кура куйидагича булиши мумкин: мол-мулкни мулк сифатида беришга, тезкорлик билан бошкариш еки тула хужалик юритишга каратилган, бошка томоннинг фойдаланишга каратилган Шартномалар (олди-сотди, мол етказиб бериш, уй-жойни сотиб олиш, ижарага олиш); муайян ишларни бажариш билан боглик

булган Шартномалар (пудрат); хизматлар курсатиш билан боглик булган шартномалар (юк ташиш, экспедиция шартномаси); биргаликда хужалик 'фаолиятини ташкил этишга каратилган шартномалар; ижодий фаолият махсулини сотиш билан боглик булган шартномалар. Тадбиркор булган махсулот етказиб берувчи мазкур шартнома буйича белгиланган муддатларда харидорга мулк сифатида, унинг тула хужалик юритиш учун товар етказиб бериш мажбуриятини олади, бу товар тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш ёки шахсий (оилавий) истеъмоли билан боглик булмаган бошка максадлар учун мулжалланган; харидор эса товарни харид килиш ва унга муайян нарх тулаш мажбуриятини олади.

## 14.2. Товарни етказиб бериш шартномаси.

Товарни етказиб бериш шартномаси субъектлари тадбиркорлардир. Шартнома мавзуи тадбиркорлик фаолияти учун мулжалланган товар хисобланади. Сифати шартномада белгиланган талабларга жавоб бермайдиган товар етказиб берилган такдирда харидор уз ихтиёри билан куйидагиларни бажаришга хаклидир:

- товар етказиб берувчидан товарнинг камчиликларини тузатиб беришни талаб килиш, бунинг учун макбул мудцатни белгилаш;
- хакикатда етказиб берилган товар етказиб бериш вактида кандай кийматларга эга булса, уша кийматни тулашдан бош тортиш;

Товар етказиб бериш шартномаси хакидаги коидалар контракция шартномасига хам тадбик этилади, у шундай шартнома хисобланадики, унга биноан кишлок хужалик махсулоти ишлаб чикарувчи шундай махсулотни тайерловчига узи ишлаб чикариш махсулотни шартномада кузда тутилган муддатларда ва ассортиментда мулк сифатида тула хужалик юритиш учун топширади, тайерловчи эса ишлаб чикарувчига кишлок хужалик махсулоти етиштиришда ердам бериш, уни кабул килиш, олиб кетиш ва унга муайян микдорда хак тулаш мажбуриятини олади. Шартнома мавзуи кишлок хужалик махсулоти хисобланади.

Бизга ота-боболаримиз хавас ва орзу килган мустакиллик замонида яшаш насиб этди. Истикбол шарофати билан жонажон Ватанимиз-она тупрогимизнинг донги бутун дунега таралмокда. Мамлакатимизда хукукий демократии ислохотлар тобора чукурлашиб, бозор муносабатлари карор топаетир.

Жамиятимизда кечаетган шиддатли янгиланиш палласида хар бир сохада, шу жумладан кишлок хужалигида, хам янгича узгариш, янгича киефа кашф этмокда. Ватанимизнинг чекка кишлоклари ва унинг фукароларида хам янгича маърифат, дуне микесида бохабарлик, янгиликка, хаетнинг олдинги марраларига интилиш сезилмокда.

Контракция шартномаси янги хужалик йили бошланишидан икки ой олдин тузилиши белгиланган булиб, бу янги йил учун етиштирувчининг хам, сотиб олувчининг хам ишлаб чикариш бизнес режаларини тузиш имкониятини яратади. Унда барча масалалар маълум шарт ва мажбуриятлар асосида келишиб олиниши зарурдир.

Хуш, бу мажбуриятлар сирасига нималар киради?

Кишлок махсулотини етиштирувчилар ишлаб чикарилган кишлок хужалиги махсулотини шартномада назарда тутилган микдор ва муддатларда, белгиланган сифат курсаткичларига амал килган холда тайерлаб куйишлари, агар етказиб бериш келишилган булса тайерловчининг манзилига етказиб бериш мажбуриятини олади. Сотиб олувчи ташкилотнинг зиммасига хужалик томонидан такдим этилган махсулотни уз вактида кабул килиш ва хак тулаш, унинг сифатини тугри аниклаш, хужаликни идиш ураш материаллари, олдиндан дон дон кийматининг 40 фоизидан, колган турдаги махсулотларнинг 25 фоизидан келиб чиккан холда аванс билан таъминлаш мажбурияти юклатилмокда.

Айникса, картошка уругчилигни ривожлантириш буйича аввалги йилларда килинган ишлар уз самарасини бера бошлади. 1995 йилда истеъмолчиларга 6500 тонна, 1996 йилда эса 12 минг тонна картошка етказиб берилган булса, унинг хажми 1997 йилда 28 минг тоннани ташкил килди.

## 14.3.Кишлок хужалик махсулотларини контрактация шартномасини тузиш.

Кишлок хужалиги махсулотлари етиштириш хажмларининг усиб бораетганлигига карамай, вилоятдаги тайерловчи ташкилотлар томоидан махсулотларни шартнома асосида сотиб олиш ривожланаетганлиги ва аксинча, айрим сохаларда йилдан-йилга камайиб бормокда. Масалан, 1996 йилда кишлок хужалиги жамоалари томонидан тайерланган узумнинг 82 фоизи, сабзавотнинг 35,5 фоизи, хул меванинг 64 фоизи контракция шартномалари асосида тайерлов ташкилотларига сотилган булса, 1997 йили бу курсаткичлар узумда 73,5 фоиз, сабзавотда 28,5 фоиз, хул мевада 56 фоизни ташкил килди. Жамоа чорвачилигида етиштирилган махсулотнинг сотилишида хам худди ана шундай ахволни кузатиш мумкин.

Хуш, бунинг сабаби нимада? Тайерловчи ва кайта ишловчи корхоналарнингфаолияти тухташими? Йук, албатта. Вилоятда хар йили янги-янги корхоналар ташкил этиляпти, замонавии технология ва чет эл инвестициялари жалб этилган кушма корхоналарнинг сони тобора купаймокда. Кайта ишловчи "МАСК" Узбекистон-Италия, "Навигул" Узбекистан-Болгария кушма корхоналари, сабзавот ва узумни кайта ишлаш юзасидан йилдан-йилга уз фаолиятини кенгайтирмокда. Мевадан шарбат ишлаб чикарувчи "Андижон дурдонаси" Узбекистон-Британия кушма корхонаси ишга тушиш арафасида турибди. Италиянинг "Саидвик" фирмаси ускуналари урнатилган Хужаобод мева куритиш заводи, аввалдан ишлаб келаетган Андижон, Хужаобод ва Асака консервалаш корхоналари ишлаб турибди. Сут махсулотлари ишлаб чикарувчи Андижон ва Шахрихон заводлари енига Избоскан туманида "Расулий", Пахтаобод туманида "Айва", Андижон туманида "Усмонхожи" кичик сут ишлаб чикариш корхоналари кушилди.

Вилоятларда бундай корхоналарни ташкил этишдан ишлаб чикаришни тобора ривожлантириш билан бирга ташки бозорга ракобатбардош махсулотлар ишлаб чикариш, дехкон билан сотиб олувчи уртасида узаро тенглик принципи асосида тузилган шарткома буйича махсулотнинг харид бахоларини бозор муносабатларидан келиб чиккан холда белгилаш ва шу асосда иш ташкил этиш кузда тутилган.

Кишлок хужалиги махсулотларини тайерлаш ва сифати буйича давлат инспекцияларининг зиммасига кишлок хужалиги махсулотиниетиштирувчилар билан тайерловчилар уртасида тузилган контракция шартномалари бажарилишини назорат килиш, бу масала юзасидан уларга амалий ердам курсатиш ва томонлар уртасидаги низоларни хал этиш вазифаси юклатилган.

Белгиланган вазифаларни бажариш давомида купчилик мехнаткашларидан юкорида келтирилган номутаносибликлар тугрисида саволлар тугилади. Хатто айрим холатларда етиштирувчилар томонидан, шартномалар тузилмайди, тузилган шартномалар эса бажарилмай кол ад и.

"Дехкон уз мехнатидан манфаатдор булмас экан, кишлок хужалигидаги хар кандай ислохотлар кутилган натижани бермайди", Президентимиз томонидан билдирилган бу фикрлардан хулоса чикариб, томонлар уртасида тузиладиган шартномани юкори погонага кутариш учун уни тузатиш ва бажариш билан боглик булган хужжатларга эътибор бериб иш тутмогимиз лозим.

Хар йили мавсум бошланиши олдидан республика кишлок ва сув хужалиги Вазирлиги, "Узпахтасаноатсотиш" хиссадорлик уюшмаси ва "Уздонмахсулот" корпорациялари томонидан пахта ва донни ташиш юзасидан тасдикланган таърифлари асосида вилоятимиз хужаликлари ва

тайёрлов ташкилотлари учун маъкул буладиган таърифлар ишлаб чикилиб, жойларга амалда куллаш учун жунатилмокда. Бу хусусда бошка сохаларда хам буларни эътиборга олиш зарурияти тугилмокда. Сут, гушт, пилла, мева, сабзавот, узум, полиз экинлари, тухум ва жун тайёрлаш билан шугулланувчи корхоналар вазирликлари, концернлари ва уюшмалари хам транспорт харажати юзасидан хеч булмаса 1 йилда 1 марта таклифлар тайерласалар айни муддао булар эди.

## 14.4. Шартномаларни расмийлаштиришнинг мукобил усуллари.

Кишлок хужалигида амалдаги конунчилик билан бир каторда шериклар муносабатларини тартибга солишда шартнома мухим восита хисобланади. У хар кандай ишбилармонлик битимини тузиш ва бажарилишини таъминлаш жараёнининг асосий кисми сифатида намоён булади.

Шартноманинг маъноси, бу – томонлар мажбуриятларининг урнатилиши, узгариши ёки бутунлай тухтатилиши йуналишидаги розилигидир. Тижорат хукукида бу тушунча куйидаги куринишларда амалга оширилиши белгилаб куйилган:

Контракт – шартнома, келишув, хар иккала томон учун хукук ва мажбуриятларни мухлатлари билан белгиловчи хужжатдир. Бозор муносабатларига утган давлатларда контракт куп таркалган шартнома шакли хисобланади.

Келишув – корхона, ташкилотлар хамда фукароларнинг расмийлашган бир томонлама мажбурияти булиб, у мулк хукукини олиш ёки беришда ишлатилади. Унинг куп таркалган шакли лицензиялашган келишувдир. Бозор муносабатларига утиш муносабати билан куйидаги шартномалар кенг таркалмокда: ошкора, кушилиш тугрисидаги ва олдиндан тузиладиган шартномалар.

Ошкора шартнома – тижорат ташкилоти билан тузилган келишув булиб, унда унинг товар сотиш, иш ёки хизматлар бажариш буйича мажбуриятлар белгиланади ва бу шартнома ташкилотга мурожаат килган хар кандай шахс учун тижорат ташкилоти амалга оширадиган фаолият турлари буйича (чакана савдо, умумий транспорт воситаси билан ташиб бериш, алока хизмати, энергия таъминоти, тиббиёт, мехмонхона хизмати ва бошкалар) йулга куйилиши мумкин.

Тижорат ташкилоти ошкора шартнома тузиш муносабатларида бир шахсга бошкасига караганда купрок ён босиш хукукига эга эмас конунда ёки бошка хукукий хужжатларда кузда тутилган холатлар бундан мустасно.

Товарлар, хизматлар ва ишлар нархи, ошкора шартноманинг бошка шартлари барча истеъмолчилар учун урнатилган имтиёзлар хисобга олинади.

Тижорат ташкилотининг ошкора шартнома тузишдан, истеъмолчига зарурий товарлар, хизмат курсатиш ва баъзи бир ишларни бажариш имкони була туриб, бу буйича ошкора шартнома тузишдан бош тортиши ман килинади.

Кушилиш шартномаси хар икки томоннинг бири томонидан ишлаб чикилган ёки бошка стандартлашган шаклда белгиланган ва иккинчи томон кабул килиши мумкин булган тула шартномага кушилиш тугрисидаги келишувдир.

Олдиндан тузиладиган шартнома асосий шартнома учун белгиланган шаклда ёки асосий шартнома мазмунини акс эттирадиган бошка шаклда тузилади. Агарда олдиндан тузиладиган шартномада унинг амал килиш муддати курсатилмаган булса, унда, асосий шартнома имзоланган дакикадан бошлаб бир йил давомида тузилиши керак.

Ишчи битимлар шартнома, контрактлар ёки келишувлар асосида зарур хукук ва ваколатларга икки ёки ундан ортик физик шахслар уртасида тузилади.


www.qmii.uz/e-lib

**(Интернетдан) “TS technology” 800 миллион сумлик кимматли когозларни муомалага чикарди. UzReport.com**

Тошкентда “TS technology” - Узбекистон – АкШ кушма корхонасининг 800 миллион сум микдоридаги кимматли когозларини муомилага чикариши муносабати билан такдимот маъросими булиб утди. Бир неча йиллардан буён Узбекистон бозорида самарали фаолият курсатиб келаётган ушбу кушма корхона мамлакат таълим муасасалари ва ишлаб чикариш корхоналарига замонавий технологияларини етказиб бериш ва уларга малакали хизмат курсатиш билан шугулланади.

Такдимот маъросимида ушбу кимматли когозларни муомилага чикаришдан кузланган максад корхона акциядорлари сафини янада кенгайтириш оркали махсулот ва хизмат сифатини янада ошириш экани таъкидланди. Бу эса корхона мижозлари сонининг сезиларли даражада ортишига хизмат килажаги айтилди.

Такдимот маросими доирасида Тошкентдаги 24 мехрибонлик уйи тарбияланувчиларига энг замонавий комьпютерлар ва интернет тармогига уланиш имконини беруви пластик карточкалар топширилди.

### 14.5. Кишлок хужалик махсулотларини контрактация шартномаси асосида сотишни режалаштириш.

Тузилаётган контракция шартномаларида асосан икки томоннинг, тайерловчи билан етиштирувчининг манфаатлари инобатга олинади, лекин уни бажарилмай колиш окибатида томонларгина эмас, халк хужалигининг ривожланишига хам путур етади. Айрим холатларда икки шахснинг, яъни хужалик ва тайерлов ташкилоти рахбарлари еки мутасадди ходимларининг муносабатлари окибатида тузилган шартномалар бажарилмай колади.

Кези келганда, шуни хам айтиш лозимки, «Шартнома тузган икки томон келишиб олгандан кейин мулкий жавобгарликни куллашнинг хожати йук" деб уни тузишга хам бажарилишига хам бепарволик билан караётган рахбарларимиз хам учрайди.

Маълумки бозор иктисодиётига утишнинг талабларидан бири - бу хар бир хужалик юритувчи субъект узининг бизнес режасига эга булиши керак. Хозир кишлок хужалик корхоналари, у жамоа хужалигими, ширкатлар уюшмасими, фермер хужалигими янги хужалик йилини бизнес режа тузиш билан бошлаши керак.

Режада келгуси йилда канча пахта, дон, гушт, сут, тухум, сабзавот ва бошка кишлок хужалик махсулотлари ишлаб чикади ва унинг кайси кисмини давлатга сотади, кайси кисмини тайёрлов ташкилотларига сотади ва кайси кисмини узининг эхтиёжига ёки жамоа аъзоларига бериши курсатилади.

Бундан келиб чикадики, ана шу тайёрлов ташкилотларига сотадиган кисми давлат буюртмаси булган махсулотлар ва эркин нархда сотиладиган махсулотларга булинади. Контракция шартномалари ана шу бизнес режадан келиб чикиб тузилса, у хаётий ва бажарилиши мумкин булган шартномалар булади.

Хаёт, бозор иктисодиёти талаблари эндиликда етиштирувчилар ва тайёрловчилар уртасида тузилаётган контракция шартномалари иккала томон уртасидаги алокаларни хукукий таъминлайдиган бирдан-бир хужжат булиб колмокда. Шунинг учун шартномалар ва шартномавий интизомга тулик риоя килиб хужалик юритадиган давр келди.

## Мавзу буйича назорат саволлари:

1. Шартнома деганда нимани тушунасиз?

2. Шартноманинг кандай турларини биласиз?
3. Товар етказиб бериш буйича шартнома уз ичига кандай мажбуриятларни олади?
4. Кишлок хужалиги махсулотларини тайерлаш ва сифати буйича давлат инспекцияларининг зиммасига кандай мажбуриятлар юклатилган?
5. Бозор муносабатларига утиш муносабати билан шартномаларнинг кандай турлари кенг таркалган?
6. Товар махсулотини сотиш буйича шартномалар кандай тузилади?
7. Товар махсулотини сотиш ва топшириш буйича тузилган шартномаларни кимлар назорат киладилар?
8. Кишлок хужалиги корхонасида товар махсулотининг хажми кандай тартибда белгиланади?
9. Шартнома качон, канчага ва нимага асосан тузилади?
10. Давлатга кишлок хужалик махсулотларини сотиш буйича шартнома тузиш бизнес режада кандай тартибда курсатилади?

## 15. КИШЛОК ХУЖАЛИК КОРХОНАСИДА ИШЛАБ ЧИКАРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯДАН ФОЙДАЛАНИШНИ РЕЖАЛАШТИРИШ

**РЕЖА:**

15.1. Замонавий технологиядан фойдаланишнинг ахамияти.
15.2. Замонавий, янги техниканинг иктисодий самарадорлигини аниклаш усуллари.
15.3. Пахтани плёнка остига экиш ёки Андижон технологияси.
15.4. Томчилатиб сугоришда гузага сув бериш ва озиклантириш таркиби.
15.5. Пахтани сугоришни энг фойдали усули

**Адабиётлар: 8, 10, 11, 16, 19, 20, 21, 22, 26, 27, 34, 44**

**Таянч иборалар:** кишлок хужалик ишлаб чикариши, замонавий техника ва технологиялар, фан-техника тараккиёти, техникани такомиллаштириш, ярим автомат ва автомат машиналар, комплекс механизациялаш, автоматлаштириш, прогрессив технологиялар, интенсивлаштириш, агротехник тадбирлар, гузанинг вегетация даври.

### 15.1 Замонавий технологиядан фойдаланишнинг ахамияти.

Кишлок хужалик корхонасида ишлаб чикаришнинг замонавий техника ва технологиядан фойдаланиб режалаштириш хозирги бозор иктисодиети шароитида мухим ахамият касб этади. Хужаликлар янги машиналар билан тобора купрок таъминланаетган техника тараккети даврида, техника тараккиети ходимлар малакасига, мехнатни ташкил килишга тобора купрок талаблар куйилади Бирок техника тараккиетини ишлаб чикаришга таъсири шу билан чекланмайди Янги машиналарни жорий килиш билан кишлок хужалик ишларини олиб бориш технологияси, услублари тубдан узгаради Дехкончилик ва чорвачилик ишларини олиб боришда илмий техника тараккиети кандай янги технологик усулларни хужаликларга тавсия этади.

Янги техника ва технологияни жорий этиш хакида фикр юритадиган булсак, ишлаб чикаришдаги техника тараккиетининг мухим йуналиши техникани мунтазам равишда такомиллаштиришдан, эскирган техникани янги, бирмунча унумлирок ва тежамлирок техника билан алмаштиришдан иборат.

Техникани такомиллаштириш машиналар, агрегатлар ва механизмлар кувватини орттириш, уларнинг ишлаш тезлигини орттириш, уларнинг ишлаш тезлигини ошириш, бошкаришда, одатда, куп жисмоний мехнат сарфланишини талаб килувчи оддий

машиналардан ярим автомат ва автомат машиналар, комплекс-механизациялашган ва автоматлашган корхоналарга утиш йули билан бормокда.

Дехкончиликнинг хамма тармокларида буш механизациялаштирилган тармокларида хам, хозирги пайтда анча юксак даражада механизациялаштирилган тармокларида илгор технология жорий килинмокда Дехкончиликда бошка тармокларга нисбатан юксак даражада механизациялаштирилган галлачилик хужаликларида технологияни такомиллаштиришнинг бир неча операцияларни бир-бирига кушиш ва уларни бир комбинациялаштирилган сеялкакульти-ватор бунга мисол була олади Бу технология ерни ишлаш ва экинни парвариш килиш учун кетадиган харажатларни кискартиришда фойда беради. Шундай йул билан ишни тезрок ва энг яхши агротехник муддатларда амалга оширишга эришилади Янги технология похол ва сомонни йигиштириб олишда тобора кенг жорий килинмокда Маълумки, бу ишлар хозиргача хам куп жойларда механизациялаштирилмаган Аммо похол ва сомонни механизация ердамида йигиштириб олишнинг кулланилаетган технологияси юксак даражада такомиллашмаган.

Дехкончиликнинг бошка тармокларида технологиями такомллаштиришнинг узига хос томонлари бор. Бу хол кул мехнати урнини машиналар эгалласа, бошка холда механизациялашган ишлар технологияси такомиллаштирилади.

Баъзида ана шу икки йуналиш бир вактда амалга оширилади.

Масалан, кандлавлаги етиштиришда уни кавлаб олгандан кейин юклаш ва тушириш учун шунингдек, илдизини кулда тозалаш учун шунингдек, илдизини кулда тозалаш учун куп маблаг ва мехнат сарфланади. Лавлагини йигиштириб олишнинг янги технологияси – поток усули ва поток булиб ташиш усули лавлаги етиштиришда ёрдам беради. Бу усуллар канлавлаги етиштиришдаги янги техннологиянинг ажралмас кисми хисобланади. Бу технология юксак дехкончилик маданияти негизида эгатларнинг равон ва эгатлар орасидаги кенгликни бир хил булиши, тупрокни юмшок холда саклаш имконини беради. Бу эса лавлаги етиштириш комбайнларини юксак унум билан ишлашини, юкори ва мутассил хосил олинишини таъминлайди.

## 15.2.Замонавий, янги техниканинг иктисодий самарадорлигини аниклаш усуллари.

Фан- техника тараккиёти самарадорлигини янги техникани куллаш натижасида олинган иктисодий самарани уни ишлаб чикаришга килинган барча харажатлар микдорига булиш йули билан аникланади.

Йиллик иктисодий самара дейилганда халк хужалиги микёсида олинган иктисодий тежам тушунилади.

Янги техниканинг иктисодий самарадорлигини белгиловчи курсаткичлар булиб фойданинг усиши, таннархнинг камайиши хисобланади. Бу ишлар асосан янги техникани куллаш натижасида амалга оширилади.

Фойданинг усиш курсаткичи куйидаги формула ёрдамида аникланади:

$$\Delta П_{JT} = (Ц_T - C_T) - (Ц_1 - C_1) \times A_T$$

Бунда: $\Delta П_{JT}$ - режалаштириш даврида фойдани усиши, сум хисобида

$Ц_T$ ва $C_T$ – улгуржи бахо (оборот солигисиз) ва бир – бирлик махсулотнинг таннархи (техника киритгандан кейингиси)

$Ц_1$ ва $C_1$ – улгуржи бахо (оборот солигисиз) ва бир – бирлик махсулотнинг таннархи (техника киритилмасдан аввалгиси)

$A_T$ – янги махсулотнинг Т йилдаги хажми



www.qmii.uz/e-lib

Янги техникани жорий килиш натижасида махсулот таннархининг камайиши куйидагича аникланади.

$$\Delta C = (C_1 - C_T) \times A_T$$

Бунда: $\Delta C$ - янги техникани жорий килиш, таннархини камайтиришдан келиб чикадиган самарадорлик

$C_T$ – янги махсулот таннархи

$C_1$ – эски махсуло таннархи

$A_T$ – янги махсулотнинг Т йилдаги хажми

Янги техникани ихтиро килиш ва фойдаланишдан келиб чикадиган хужалик хисоби самараси куйидагича аникланади:

$$Э_X^T = \sum \Delta П_T - E_H \sum \Delta K_T$$

Бунда: $Э_X^T$ - йигма хужалик хисоби самараси

$\sum \Delta П_T$ – Т йилда янги техника буйича килинган тадбирлар натижасида фойданинг усиши

$E_H$ - янги техника самарадорлигининг норматив коэффициенти

$\sum \Delta K_T$ - Т йилда тадбирлар учун сарфланган капитал маблаг

## 15.3.Пахтани плёнка остига экиш ёки Андижон технологияси.

Кишлок хужалик корхоналарида ишлаб чикаришни замонавий технологиясидан фойдаланиш пахтачилик сохасида хам кенг кулланилмокда. Бунга Андижон услубини мисол килишимиз мумкин.

Республикамиз пахтачилигида плёнкадан фойдаланиб, эрта муддатларда кучат олиш кенг жорий килинмокда. Кузатишларнинг курсатишича плёнка остига экилган чигитнинг унувчанлиги, ундан олинган хосилнинг ривожи, кучатнинг калинлиги одатдаги усулга нисбатан юкори булади. Дархакикат гузанинг вегитация давридаги ривожи ва хосилдорлиги шу гуза ундирилган чигитнинг унувчанлик ва усимтасининг дастлабки, ривожланиш холатларига куп жихатдан боглик. Шундай экан, экишни плёнкадан фойдаланиб эрта муддатларда утказиш чигитнинг даладаги унувчанлиги ва бошка кимматли курсаткичлари ортишига, усимликнинг хосил элементлари туплаши ва хосилдорлигига курсатадиган таъсирларини урганиш хам катта ахамиятга эга.

Тошкент Давлат аграр университетининг кичик тажриба даласида 1998 йил утказилган тажрибалар бу масалани илмий жихатдан ойдинлаштиришни максад килиб куймокда. Уларда эртапишар "С-4727", уртапишар "Наманган-77" ва кечпишар "Бухоро-6" гуза навларининг чигити 26 мартда плёнкали (тажриба) ва плёнкасиз (назорат) вариантларда экилди. Вариантлар 4 такрорли ва 40 уялик каторлардан ташкил топди. Хар бир уяга 5 тадан уруг ташланди.

Вегитация даврида иккала вариантда хам чигитнинг даладаги унувчанлиги, гузанинг биринчи хосил шохи урни, кусаклари сони, 50 фоиз пишиб етилиши ва хосилдорлигини урганиш максадида кузатув хамда хисоб-китоб ишлари олиб борилди. Бу жараенда назорат ва тажриба вариантлари орасида маълум бир конуний узгаришлар борлиги, чунончи, чигитнинг дастлабки ривожига плёнка курсатадиган ижобий таъсир вегитация даврининг охиригача сакланиб аникланади. Чигитнинг далада унувчанлигини урганиш бу борада вариантлараро катта фарк борлигини курсатди. Чунончи, бу тафовут назоратдагига нисбатан плёнкали вариантдаги "С-4727" навида к5,3 фоизни, "Наманган-77" навида к16,7, "Бухоро-6" навида к11,4 фоизни ташкил этди.

Шундай килиб, чигитни плёнка остига экиш унинг унувчанлиги ва нихоллари ривожи тезлашишига, вегитация натижалари юкори булишига олиб келди. Чунки, чигитнинг даладаги


www.qmii.uz/e-lib

унувчанлиги уртача 5 фоиздан, 15 фоизгача ошиши усимликларда хосил шохлари эртарок пайдо булишини, купрок кусаклар шаклланишини таъминлади. Натижада эртапишарлик кечпишар "Бухоро-б" навида 4, эртапишар "С-4727" ва уртапишар "Наманган-77" навларида 9, 10 кунгача тезлашди. Хосилдорлик гектар хисобига уртача 4 центнергача ошди. Бунда хосилнинг асосий кисми юкори сифатли тола оланадиган биринчи теримда йигиштириб олинган хом ашёдан иборат булди.

Бир неча йилки, Андижонликлар ташаббуси билан гуза плёнка остига экилиб, мул хосил олиняпти. Янги технология уз афзалликларини курсатмокда. Чигит экиш давридаги кийинчиликлар хисобга олинмаса, бу усул, шубхасиз, самарадордир.Чунончи, гектаридан унлаб центнер кушимча хосил олиниши билан бирга хужалик иктисодий жихатдан самарадорликка эришади. Андижон вилоятида 1998 йилда барча пахта майдонига шу усул билан пахта экилди. Хуш бу илгор усулнинг муаммолари борми? Бор! Бу гузани зараркунанда ва касалликлар билан шикастланиши ва бегона ут масаласидир. Бу борада тажрибалар 1997 ва 1998 йиллар мабойнида мамлакатимизнинг турли вилоятларида утказилди. Тажрибаларда гузанинг нихоллик даврида сурувчи зараркунанда билан зарарланиш ва илдиз чириш касалликларига чалинишининг олдини олиш максадида чигит «Гаучо-м» дориси билан упаланиб плёнка остига экилган чигитдан униб чиккан гузаларда хам оддий усулда экилиб, ундирилган гузаларда хам шира ва трипс июннинг бошигача ривожлана олмас экан. Тажрибада плёнка остида ундирилган гуза илдиз чириш касаллиги билан оддий усулдагига нисбатан 41 фоиз кам шикастланиши аникланди.Гоммоз билан эса, аксинча, плёнка остидаги гузалар 21,3 фоиз, назоратдагилар 9,2 фоиз зарарланди. Бунда плёнка ёмгирни купрок сачратиб, касаллик таркалишига сабаб булади дейиш мумкин. Кузги туплам (кук курт) учун гуза севимли озука эмаслиги сабабли, бегона утлар деярли усмайдиган плёнкапи пайкалларда бу зараркунанда хавфли туюлмайди. Пленка остига чигит экиш технопогияси бузилган, яъни чигит тушган жой устига гунг солинган холларда нихолларни сим курт зарарлайди.

Янги технологияда бегона ут муаммосига хам дуч келинади. Таъкидлаш керакки, экишга мулжалланган ер етилган, кумок, кесаксиз ва текис булиб, унда куп йиллик утлар авж олмаган булса, чигитни плёнка остига экишни узи бегона ут муаммосини хал килади. Хуллас, янги технологияда гузани зараркунанда, касаллик ва бегона утлардан саклаш енгил хал этилади. Барвакт униб чикиб, ривожланиши нихолларнинг кисман шикастсиз ва соглом усишига имкон яратади.

Ушбу янги технология, яъни пахтани плёнка остига экиш, хозирги паитда мамлакатимизнинг турли вилоятларида кулланмокда ва юкори хосил ошишга, гузаларни касаллигини олдини олишга, гузалардаги кусаклар сони ортишига ва энг асосийси хосилдорликни оширишда узининг яхши самарасини бермокда.

## 15.4. Томчилатиб сугоришда гузага сув бериш ва озиклантириш таркиби.

Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «гузани плёнка остига экишга оид чора-тадбирлар тугрисида»ги 410 сонли карори кабул килингач, ушбу усул республикамизнинг барча вилоятларида кулланила бошланди.

Маълумки, гуза агротехникаси хар минтака, хар бир вилоят, туман ва хужаликнинг тупрок иклим шароитига мос холда белгиланади. Демак, гузани пленка остига экиш учун хар бир иклим шароитига мос келадиган истикболли технологияни яратиш ва уни мунтазам такомиллаштириб бориш керак. Гузанинг хар бир навида ташки мухитга талабчанлик турлича. Навлар физиологик ва биологик хусусиятларига кура, сугорилишига караб хар хил хосил беради. Ушбу хусусиятларни пленка остида экилган гуза хосилдорлигига урганиш максадида бир канча тажрибалар утказилмокда. Бу тажрибалардан чигитнинг тез униб чикишида чигитнинг нави, уни сугоришда кулланиладиган технология гузани ривожланишида тупрокнинг харорати ва бошка гузани хосилдорлигини оширишга таъсир этувчи омиллар урганилмокда ва тадбик этилмокда. Узбекистонда сув танкислигининг кучайиб бориши ундан самарали фойдаланишни такозо этади килади. Шу боис

экинларни сугоришнинг тежамкор технологиялармни ишлаб чикиш мухим ахамиятга эга. Экинларнинг томчилатиб сугориш эса ана шундай тадбирлар сирасига киради.

Тажриба участкаларидаги гуза парваришида кулланилаётган агротехник ишлар, технологик жараёнлари "томчилатиб сугориш, угитни сув билан эритиб бериш усул"ларини хисобга олмаган холда, хужаликда кулланилаетган агротехник тадбирлардан фарк килмади. Томчилатиб сугорилган вариантларда сув доимий окимда эгатлаб сугорилган вариантлардагига нисбатан икки марта кам сарфланди.

Ургатилаетган вариантларда гузанинг усиш ва ривожланишига сугориш усуллари, сугориш тартиби ва минерал угитлар меъерларининг таъсири яккол сезилади, натижада хосил тугтаниши хам турлича булади. Гузанинг гуллаш ва кусакларнинг етилиш фазалари томчилатиб сугориш вариантларда эртарок бошланади. Сугоришнинг 70-75-65 тартибидан 75-80-65 тартибига утилганда гузанинг гуллаши, кусакларнинг очилиши кечикди. Угитлар меъери оширилган сари хам худди шундай натижалар олинади. Феенёлочик кузатишлар натижаларига кура, томчилатиб сугорилган вариантларда гузанинг усиши ва ривожланиши нисбатан яхши кечади.

Усимликларнинг буйи 4,5-5,0 см, улардаги хосил бугинлари 1,5-2,0 донага, сентябр ойига келиб эса кусаклар сони 1,0-1,5 донага ортик булиши кузатилади. Сугориш гуза гуркираб усади. Бирок бунда кусаклар сони 70-75-65 тартибидагига нисбатан 0,5 тага камаяди. Тажриба давомида олинган маълумотларга асосланиб, гузанинг усиши ва ривожланиши сугориш тартиби ва усулига, бериладиган минерал угитлар меъерига боглик деган хулоса чикариш мумкин. Томчилатиб сугорилган вариантларда пахта эрта очилгани сабаблй 1-теримда купрок хосил териб олинди. Сув такчиллиги сезилаетган бир вактда томчилатиб сугориш технологиясини куллаш нафакат сув сув танкислигини олидини олишда балки, пахта хосилдорлигини оширишда хам узининг ижобий таъсирини утказади. Маълумки, республикамизда сугоришнинг кадимдан кулланиб келинаетган илгор усуллари мавжуд. Шулардан яна бири ерга чукур ва киска жуяклар оркали сув ташишдир. Мазкур усулнинг афзаллиги шундаки, бунда сув тупрокка тез сингади хамда тупрокнинг табиий намлиги тез сакланиб колади ва нйхоят у экинлар хосилдорлигига хам ижобий таъсир курсатиб, сув, угит ва тупрокнинг уйгун булишини таъминлайди.

Афсуски, кейинги вактларда сугоришнинг ана шу фойдали усули унутиб куйилди. Хужаликнинг йириклашиши, янги ерларни узлаштирилиши, экин майдонларининг кенгайиши ва иш жараёнларини механизациялаштирилиши натижасида эгат оркали сугорилган оркали сугоришга утилди. Айни вактда чопик тракторлари кувватлари кувватининг ортиши сугориш участкаларининг кенгайишига олиб келди. Киска жуяклар урнига узун эгатлар пайдо булди. Окова чикариб сугориш одатга айланди. Натижада сув эрозияси жараёнлари вужудга келди, угитларнинг анчагина кисми ташлама сув билан даладан чикиб кетиб, тупрок унумдорлиги пасая борди. Айникса гузалар ортикча сугорилавериши окибатида ерларнинг мелиоратив холати емонлашди. Шу сабабли хар хил сугориш усулларида гузани сувга булган талабини аниклаш муаммолигича колмокда.

Бинобарин, сув ресурслари гоят такчил булиб бораетган хозирги шароитда сувни тежаб тергаб сарфлаш, барча мавжуд сув манбаларини тартибга солиб, исроф булишини камайтириш, сугоришга мулжалланган сувнинг хар кубометридан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасида амалга ошириладиган чора-тадбирларга алохида эътибор бериш зарур. Бу эса кишлок хужалик экинларини сугоришнинг тежамкор технологияларини ишлаб чикишни ва жорий килишни такозо этади. Таасуфки, сугориш технологияларининг унчалик мукаммал эмаслиги туфайли мавжуд сув манбааларидан окилона фойдаланилмаяпти. Хозирги даврда экинларни сугоришда асосан юзадан сугориш усули кенг кулланилиб келинмокда. Лекин, эгатлаб сугориш услубида сугориш

сифати пастлигича колмокда, чунки у сугоришнинг техник элементларига, сугориш усулига, сувчининг тажрибасига ва куплаб бошка омилларга боглик.

### 15.5. Пахтани сугоришни энг фойдали усули

Юкоридагиларга асосланиб, Сурхон-Шеробод вохасининг такирсимон тупроклари шароритида пуштага экилган ингичка толали гузани эгатлаб сугоришда дискрет усулида сувга булган талабини ишлаб чикиш буйича 1994-96 йилларда Сурхондарё вилоятининг Кизирик туманида ингичка толали "Термиз-24" нави устида куйидаги тартибда тадкикотлар олиб борилди:

1. Сув хамма эгатларга доимий окимда берилди - киёсий дала.
2. Сув эгат оралатиб доимий окимда берилди.
3. Сув хамма эгатларга оковасиз (дискрет) усулда берилди.
4. Сув эгат оралатиб оковасиз (дискрет) усулда берилди.

Тажрибада 4 такрорланишдан иборат булди. Гузалар 8 катор килиб экилди. Катор ораси 90 см. Умумий майдон 1440 кв. метр. Барча кузатишлар УзПИТИ услубий курсатмалари асосида олиб борилди. Тажриба утказилган ерлар такирсимон тупрокка мансуб булиб, вилоятнинг пахта етиштириладиган жанубий туманларидагидек ер ости сувлари чукурлиги 1,5-2,0 ва 1,0-1,5 ва кузда 2,0-2,5 метрни ташкил этади. Тажриба даласида утказилган агротехник Тадбирлар гуза парваришда хужаликда кулланилган агротехникадан, технологик жараенни хисобга олмаганда, фарк килгани йук. Тажрибада далага нам туплаш суви берилиб, ер тобга келиши билан чигит пушталарга экилди ва зарур кучат калинлиги булишига эришилди. Кучатлар хар йили 2-3 та чиньарг чикариши билан ягоналанди. Гуза усув даврида 5 марта культивацияланиб, 1-2-2 тартибида 5 марта сугорилди.

Тадкикотларнинг натижаларига кура сугориш туфайли далалардан усимлик учун зарур булган куплаб озик моддалар окова сувлар билан чикиб кетаркан. Оковасиз (дискрет) усулда сугориш эса, сув оковага мутлоко чикмаганлиги туфайли берилган минерал угитлар окова билан чикиб кетмайди, тупрок унумдорлиги яхши сакланади. Бу холат гузанинг усиши ва ривожланишига, хосил элементларининг купрок тупланишига, пировард натижада хосилдорликнинг оишишига олиб келади. Хулоса шуки, гуза эгат ташлаб ва дискрет усулида сугорилганда минерал угитларнинг окова сув билан йуколиши камаяди, пахта хосилдорлиги ошади. Янги технологиянинг фойдали жихати хам шунда.

Технологияни такомиллаштириш сугориш ишларида айникса катта ахамиятга эга. Кейинги йилларда сугориладиган ерларга дон экинларини экиш тобора ортиб бормокда. Дон экинларини етиштиришда жадал техноолгияни куллаш угитнинг самарадорлигини кескин оширади. Маълумки, бугдой етиштиришда азот, фосфор ва бошка экинларни тугри кушиб солиш - бугдойда оксил моддасини купайтиради. Прогрессив технологияда уругчилик мухим урин тутади. Интенсивлаштиришнинг ва дехкончилик маданиятининг усиши ишлаб чикаришга янги навларни жорий килишни талаб килади. Техника тараккиёти шароитида чорвачиликда хам технология такомиллашмокда. Бу жараённинг формалари хам хилма-хилдир. У механизацилаштириш ва техника билан таъминланганлик даражаси хар хил булган барча тармоклар ва хужаликларни камраб олади. Бирок, шуни айтиш керакки, технологиядаги энг чукур ва туб бурилиш чорвачиликни саноат асосига кучириш билан богликдир.

Агар фермада комплекс-механизация амалга оширилган, ишлаб чикаришни техника билан таъминлаш юксак даражада булса, купинча бу ерда ишлаб чикариш саноат асосига кучирилган деб хисоблайдилар. Комплекс механизация мухим элемент хисобланади, албатта. Бирок кишлок хужалик махсулотлари етиштиришни саноат асосига кучириш деган тушунчанинг маъноси анча кенгдир. У технологияни кайта куриш


www.qmii.uz/e-lib

билан технологик жараенларни бошкариш билан богликдир. Хозирги вактда кишлок хужалик корхоналарида махсулот ишлаб чикаришда шу каби бир канча технотюгиялардан фойдаланилмокда ва улар уз навбатида ишлаб чикаришни режалаштиришда узининг сезиларли таъсирини курсатмокда.

## Мавзу буйича назорат саволлари:

1. Хозирги бозор иктисодиёти шароитида замонавий технологиялардан фойдаланишнинг мохияти ва ахамияти нималардан иборат?
2. Техникани такомиллаштиришга кандай йуллар оркали эришилмокда?
3. Янги техниканинг иктисодий самарадорлигини белгиловчи курсаткичларга нималар киради?
4. Янги техникани жорий килиш натижасида махсулот таннархининг камайиши кандай формула оркали аникланади?
5. Янги техникани ихтиро килиш ва фойдаланишдан келиб чикадиган хужалик хисоби самараси кандай аникланади?
6. Кишлок хужалиги корхоналарида кандай замонавий технологиялардан фойдаланилмокда?
7. Вегитация даври деганда нимани тушунасиз?
8. Илгор, замонавий технологиялардан фойдаланиш учун кандай турдаги шартномалар тузилади?
9. Пахтани сугоришнинг энг замонавий усулларига кайсилар киради?
10. Бозор иктисодиёти шароитида замонавий технологиядан фойдаланишнинг самарадорликка таъсири кандай?


www.qmii.uz/e-lib

## КИСКАЧА ИЗОХЛИ ЛУГАТ

**Акселатор** – иктисодиётда истеъмолячилик сарф харажатларининг хажми узгариши билан юзага келадиган капитал куйималари хажмининг узгаришини тавсиф этувчи курсаткич

**Активлар**– иктисодий фаолият субъектларини пул ва молиявий маблаглари, асосий ва айланма фонларининг киймати

**Амортизация** – фойдаланиш жараёнида асбоб-ускуналар кийматининг улар эскиган сайин махсулот хисобига утказиш жараёни

**Акционер жамияти** - турли корхона, ташкилот, банк, компания ва айрим шахслар пул маблагларини шерикчилик асосида ва сохибкорлик максадида бирлаштирадиган жамият (корхона).

**Акция эгалари** – ширкатчилар диведент шаклида даромад оладилар. капитализм тараккиётининг хозирги боскичида акционер жамиятлар эркин капиталларни марказлаштириш шакли ва шу билан бир каторда ахоли кенг катламларининг жамгармаларини сафарбар килиш

**Агросаноат мажмуи** - кишлок хужалик махсулотларини етиштириш, саклаш, кайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш билан банд булган халк хужалиги тармокларининг йигиндисидир.

**Агробизнес -** кишлок хужалиги сохасидаги бизнес, у бозор тизимининг таркибий кисмларидан биридир. Унга кишлок хужалиги билан боглик булган бизнес турлари киради.

**Бюджет такчиллиги** – давлат бюджетида харажатларнинг даромалардан устун булиши

**Бозор** – ишлаб чикарувчи ва истеъмолчи, сотувчи ва харидор уртасида талаб ва таклифдан келиб чикиб пул оркали олди сотид жараёнида содир буладиган муносабатлар йигиндиси

**Бозор иктисодиёти** – иктисодий фаолиятда эркинликка, хужалик юритишда окилоналик тамойилларига асосланган демократик иктисодиётдир.


www.qmii.uz/e-lib

**Бозор инфратузилмаси** – товар айирбошлаш механизми бошкарувчи амал килиши учун ташкилий-иктисодий шароитларни яратишга хизмат килувчи барча курсаткичлар ва хужалик фаолияти хиллари мажмуини тушунмок лозим.

**Бозор муносабати –** бозордаги талаб ва таклифларнинг микдоран ва таркибий жахатдан бир-бирига мувофик келиши.

**Бозор коньюктураси** – айрим бозорларда муайян холатларнинг мавжудлиги. Бозор коньюктураси муайян даврдаги бозор холати, бохорда мувозанатнинг мавжудлиги ёки бузилганлиги билан характерланади.

**Бозор нархи –** билталаб ва таклифлар асосида бозорда урнатиладиган нарх, яъни сотиб олувчиларни хакикатда товар ва хизмат учун туланадиган хакикий нархи

**Банк резервлари –** банкда сакланаётган накд пулларни марказий банкда сакланаётган фоизсиз депозитларни уз ичига олади.

**Банкрот** – уз карзларини тулай олмайдиган, айланма маблагни саклай олмаган, тулаш кобилиятини йукотган, «касод»га учраган карздор юридик шахс.

**Бизнес** - пул топиш, даромад келтириш максадида фаолият курсатиш, сохибкорлик, тижорат, воситачилик ишлари билан шугулланиш. Бизнес товар ишлаб чикариш ва уни сотиш, хизмат курсатиш, транспорт ва бошка сохалардаги фаолиятдир.

**Валюта** - мамлакатнинг пул бирлиги ва унинг тури, пулга тенглаштирилган тулов воситалари

**Валюта курси –** мамлакат пул бирлигининг бошка мамлакат пул бирлигида ифодаланган бахоси

**Визит карточкалари** - сизнинг келгусида хамкорингиз билан иш юзасидан ва шахсий мулокаотда булишни куллаб0-кувватлашни ифодаловчи хужжат.

**Венчур** – кичик бизнеснинг бир тури, илмий, инженерлик ишлари, янги техника, технология, товар намуналарини яратиш, ишлаб чикаришни бошкариш, тижорат ишини ташкил этиш усулларини ишлаб чикиш ва амалиётга жорий этиш.

**Даромад** – давлат савдо-саноат муассасалари, корхоналари, жамоа хужалиги, ижтимоий ташкилот ёки айрим шахсларнинг бирон фаолият эвазига оладиган, келиб тушадиган пули, моддий бойликлари фойдасидир.

**Дехкон хужалиги** - ерга эгалик килишни умр буйи мерос килиб олиш хукукига эга булиб, майда товар ишлаб чикариш учун тузилади. Унда ер участкасининг

улчами конун билан чекланган булади. дехкон хужалигида ёлланма ишчи кучидан фойдаланиш назарда тутилмаган.

**Дотация** (лот. dotatia) – «хадя», «эхсон» маъноларида кулланилиб, давлат ёки махаллий бюджетдан бирон бир сохага ёки ташкилотларга кайтариб бермаслик шарти билан маблаг ажра

**Дивидент** – акционер жамият фойдасининг акция эгасининг даромадига айланган кисми.

**Ёпик хисссадорлик жамияти** – акциялари факат хиссадорлик жамиятлари таъсисчилари уртасида таркатиладиган жамият.

**Жавобгарлик** - бу маъсулиятни хис этиш имкониятидан окилона фойдаланиш

**Жамоа мулки** - бойликнинг муайян максад йулида айрим жамоаларнинг бирлашган кишилар томонидан биргаликда узлаштирилишидир.

**Ишсизлик** - иктисодиётдаги ёлланиб ишлаш кобилияти ва истагига эга булган кишиларнинг бир кисми уз касби буйича иш тополмайдиган хамда умуман ишга урнаша олмайдиган холат.

**Ихтиро** - агар у ариза берилган кунгача, унинг ва шунга ухшаш карорнинг мохияти мамлакат ёки хорижда очилмаган булса янги деб тан олинишидир.

**Инвестиция** – маблагни, маълум бойликни кушимча даромад олиш максади ишлаб чикариш ёки бошка сохага жойлаштириш, маблаг сарфлаш.

**Имтиёзли акция** – акционерлик жамият устав фондининг 10 % идан ортикрок кийматда чикарилиши мумкин булмаган, эгаларига дивидендларни олишда афзал хукук хамда акционерлик жамияти тугатилган такдирда унинг мол-мулкини таксимлашда устунлик билан иштирок этиш хукукини берувчи акция

**Истеъмол –** кишиларнинг уз хаётий эхтиёжларини кондириш максадида ишлаб чикарилган товарлар ва хизматлардан фойдаланиш жараёни.

**Кредит** – вактична ишлатилмай буш турган пулни унга мухтож булган корхона ёки шахсларга белгиланган муддатда маълум фоиз билан кайтариш шарти билан карзга бериш.

**Кризис** - иктисодий танглик, таназзул. Кризик иктисодиётда хаддан ортик куп ишлаб чикариш ёки керакгидан кам ишлаб чикариш натижасида юз беради.

**Консалтинг** - бу ишлаб чикаришга иш юзасидан хизмат курсатиш сохасида ихтисослашган фирмаларнинг уз мижозларига маслахат хизмати курсатиш техникавий лойихаларни экспертиза билан боглик иктисодий фаолият.

**Концерн** – ишлаб чикариш диверсификацияси асосида таркиб топадиган йирик, куп тармокли корпорация. Улар аста-секин саноат монополиясининг етакчи шаклига айланди. Концерн таркибига турли тармокларга тегишли купгина мамлакатларда жойлашган унлаб ва юзлаб корхоналар киради.

**Консорциум (**лот. consortium) - шерик, ширкат, хамжамият – бир неча банк ёки саноат компаниялари уртасида йирик ягона саноат лойихаларини амалга ошириш учун тузилган вактинча битим.

**Контракт** – мамлакатлар, фирма, корхона ва бирлашма орасида узаро хукук ва мажбуриятларни белгилаш, узгартириш ва бекор килиш тугрисидаги икки томонлама ёзма келишув

**Капитал** – асосий мулк, ёлланма мехнатни эксплуатация килиш йули билан кушимча киймат келтирадиган уз-узини купайтирувчи киймат

**Картель** – бозор устидан монопол назоратни таъминлаш шакли булиб, бунда бир турдаги товар ишлаб чикарувчилар уртасида сотиш доиралари, яъни бозор таксимланади. Товарларни сотиш микдорлари ва шартлари тугрисида келишиб шартнома тузилади.

**Корпорация** – бу умумий касбий ёки табакавий манфаатлари асосида бирлашган шахслар жамияти, уюшмаси ёки гурухидир.

**Кредиторлар-** карз бериш кобилиятига эга булган ва маълум фоиз билан карз берувчи юридик ва жисмоний шахс ёки узидан илгари карз олинган пул ёки олинган товарлар хакини коплаш учун пул тулашни талаб килиш хукукига эга булгна киши ёки ташкилот.

**Кадрлар кунимсизлиги** - иктисоди, ижтимоий, ижтимоий-рухий, демографик ва бошка омиллар богликлиги.

**Лизинг** – машина, асбоб-ускуна, транспорт воситалари ишлаб чикариш иншоотларини ижрага олиш

**Лицензия** (лот. Lisentia )- 1) озодлик, хукук, айрим турдаги товарларни мамлакатга киритиш ёки ундан олиб чикиб кетишга, айрим фаолият ёки ишлаб чикариш турларига давлат идоралари ёки ташкилотлари томонидан бериладиган рухсатнома; 2) бошка кишилар ва ташкилотлар патент билан химоя килинган кашфиётдан, техник билимдан, тажриба, савдо марказидан фойдаланишга берилган рухсатнома.


www.qmii.uz/e-lib

**Монопол ракобат** – монополиялар тармоклари уртасида купрок фойда олиш учун кураш ёки иктисодий беллашув.

**Мехнат биржаси** – ишчи, хизматчи ва корхона эгаси орасида ишчи кучини сотиш ва сотиб олиш буйича келишувни амалга оширишда мунтазам воситачи вазифасини утайдиган махсус муассаса.

**Мехнат унумдорлиги** – вакт бирлигида яратилган махсулот ва хизматлар микдори ёки махсулот ва хизмат бирлигини яратиш учун сарфланган иш вактидир.

**Миллий валюта** – маълум бир давлатнинг пул бирлиги.

**Миллий даромад -** миллий ишлаб чикаришда олинадиган даромад, иктисодиётнинг барча турдаги даромадининг бахоси

**Мехнат шартномалари** – иш берувчи билан ёлланма ходим уртасидаги мехнатнинг мазмуни, шароити ва шартлари, шунингдек унга туланадиган хак микдори хамда бошка узаро мажбуриятлар тугрисидаги шартнома.

**Махсулот таннархи** – махсулот ишлаб чикариш, сотиш, иш ва хизматларнинг бажарилиши учун кетган харажатларнинг пулдаги ифодасидир.

**Молия бозори** – жамиятдаги молия хизматлари бозори, молия маблагларини вактинча хак тулаб ишлатиш ёки уларни сотиб олиш юзасидан булган муносабатдир.

**Мехнат ресурслари** – 16 ёшдан 55 ёшгача булган аёллар, 16 ёшдан 60 ёшгача булган эркакларнинг мехнатга лаёкатли кисми.

**Менежмент** - ривожланган малакатларда ишлаб чикариш самарадорлигини ошириш куп фойда олиш максадида ишлаб чикариш ва хизмат курсатишни бошкариш шакл ва усуллари мажмуасидир.

**Мехнат шартномаси** – иш бреувчи билан ёлланма ходим уртасидаги мехнатнинг мазмуни, шароити ва шартлари, шунигдек унга туланадиган хак микдори хамда бошка узаро мажбуриятлар тугрисидаги шартнома.

**Нарх** – товар кийматининг пулдаги ифодаси булиб, бозор иктисодиётининг мухим дастагидир.

**Нархлар индекси** – икки хар хил вакт оралигида товар ва хизматларга нархнинг мувозанати узгаришини акс эттирувчи курсаткич

**Очик хиссадорлик жамияти** – акциялари эркин сотиладиган ва сотиб олинадиган хиссадорлик жамияти.

**Оддий акция** – жамият акцияларининг асосий кисми

**Пул** – хамма товарлар ва хизматлар айирбошланадиган, умумий эквивалент булмиш махсус товар.

**Приватизация** – мулкни давлат тасарруфидан чикариш
**Ракобат** – бозорда иштирок этувчи турли жисмоний кишилар, корхоналар, фирмалар, монополиялар тармоклари уртасида купрок фойда олиш учун кураш ёки иктисодий беллашув.

**Реклама –** истеъмолчига танишитириш ва билдириш тугрисидаги товар хакидаги маълумотлар.

**Рационализаторлик** – махсулот яратиш ёки узгартириш билан боглик булган ва ишлаб чикариш технологияси ёки матеирал таркиби узгартирилишини кузда тутувчи хамда корхона учун янги ва фойдали булган техникавий ечимлар хамда корхона учун янги хамда мехнат, хом ашё, ёнилги энергетик ва бошка моддий ёки молиявий ресурсларнинг иктисод килинишини таъминловчи ташкилий карорлар.

**Солик –** конунчилик хужжатларида белгиланган тартиблар ва шартларга тугри келадиган микдорда бюджет фондларига туланадиган мажбурий туловлар.

**Сертификация** (фр. sertificat) - далолат гувохномаси; 1) мутасадди ташкилотлар томонидан молларни экспертиза килиш асосида бериладиган сифат гувохномаси; 2) корхона хусусийлигини, корхонага кредит берилганлигини гувохловчи хужжат; 3) банкнинг депозит ва жамгарма сертификати ёзма хужжат булиб, омонатни куювчига белгиланган муддат утганда депозит ва унинг фоизини олиш хукукини беради.

**Субсидия** – товар ишлаб чикарувчиларга улар товарлари бахоларини баркарорлаштириш ёки хароб булишдан омон колиш ва фаолиятни давом эттиришда кумаклашиши керак булган кайтмас давлат пул ёрдами.

**Санация –** молия кредитлаш тадбирлари тизими; корхона, ширкат, бирлашма, банк ва бошкаларниг молиявий ахволини яхшилаш, уларни синишдан саклаш ва ракобатдошлик кобилиятини ошириш максадларига йуналтирилади.

**Синдикат** (лат. syndicatus) – монополистик бирлашманинг картелга нисбатан юкорирок шакли. Унда тармок корхоналари юридик ва ишлаб чикариш мустакиллигини саклаб колган холда буюртмаларни таксимлаш, хом ашё сотиб олиш, ишлаб чикарилган махсулотни сотиш учун узларининг тижорат фаолиятларини бирлаштириб ягона идора тузадилар.

**Тадбиркорлик** – бизнеснинг асосий унсуридир, мехнат, унум, фойда, билим ва бой тажриба, кен камровли мутахассислар билан ишнинг «кузини» билиб, оз ишчи кучи сарфлаб, энг замонавий дунё андозалари асосида аъло сифат ва самарали махсулотлар ишлаб чикаришга эришиш.

**Таъсис хужжат** - корхонани давлат руйхатидан утказиш учун корхона низоми ва агарда бир неча шахслар иштирокида тузилган булса корхона тузилиши хакидаги шартнома.

**Товар** – пулга тенг эквивалент тарзда алмашувчи хар кандай буюм.

**Товар ишлаб чикариш** – бозорда олди-сотди килиш учун махсулот ишлаб чикариш ва хизмат курсатиш.

**Турмуш даражаси** – кишилар хаётий эхтиёжларининг кондирилиш меъёри.

**Фермер хужалиги -** узок муддатли ижарага асосланган юридик шахс хукукига эга булиб, унда ер учаткасининг улчами ишлаб чикариш фаолиятининг хусусияти ва хажмига боглик булади. Фермер хужалигида ёлланма ходимлар билан мехнат шапртномалари тузиш имконияти мавжуд.

**Фирма** – товар ишлаб чикариш ёки хизмат курсатиш максадида иктисодий ресурсларни ишлатувчи ташкилотдир.

**Фойда** – иктисодий курсаткич булиб, корхоналар хужалик фаолиятининг самарадорлигини ифодалайди. тОварлар ва хизматларни сотишдан олинган пул тушумидан уларни тайёрлаш ва сотиш учун кетган харажат ва чикимларни чикариб ташлагандан колган микдор.

**Фонд биржаси -** кимматбахо когоз, олтин ва чет эл валюталари бозори.

**Харажат –** бирор нарса ёки фаолият учун килинадиган сарф, чиким.

**Хусусий мулк** – фукаронинг бирон-бир мол мулкка эгалик килиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш хукукларини юридик жихатдан мустахкамланган шаки були, у бу мулкдан уз истеъмоли учун хам, тижорат фаолияти олиб бориш учун хам фойдаланиш мумкин.

**Эмиссия –** (лат. emissio) – муомалага банк билетлари, пул ва кимматбахо коголзлар чикариш.

**Ялпи пул даромади** – ишлаб чикариш ёки тижорат фирмаси уз товарлари ва хизматларини сотишдан тушган пуллар суммаси


www.qmii.uz/e-lib

**Ялпи миллий махсулот (ЯММ)** – бир йил давомида жамиятда привард натижада яратилган махсулотлар ва курсатилган хизматларнинг бозор киймати ва хисобланган микдоридир.

**Номинал ЯММ –** жорий нархларда акс эттирилган ялпи миллий махсулот

**Реал ЯММ** - солиштирма доимий нархлар оркали акс эттирилган ЯММ

**Потенциал ЯММ** - мавжуд сармоя ресурслари ва ишчи кучи хисобида эришиш мумкин булган ишлаб чикариш хажми.

**ЯММ даражаларадаги фарклар** – потенциал ва реал ЯММ нинг даражалари орасидаги фарк.

**Хиссадорлик жамияти** – хужалик фаолияти юритиш максадида, хукукий ва юридик шахсларнинг келишуви буйича аксиялар чикариш ва сотиш оркали олинган маблагларни бирлаштириш йули билан тузилган ташкилот.



www.qmii.uz/e-lib

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ.


1. Узбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент – 2003 йил
2. Узбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик тугрисида»ги конуни 1991 йил 15 февраль.
3. Узбекистон Республикасининг «Мулкчилик тугрисида»ги конуни 1991 йил 15 февраль.
4. Узбекистон Республикасининг «Корхоналар тугрисида»ги конуни 1991 йил 15 февраль.
5. Узбекистон Республикасини “Дехкон хужалиги тугрисида” ги конуни 1998 йил 30 апрел
6. Узбекистон Республикасини “Фермер хужалиги тугрисида” ги конуни 1998 йил 30 апрел
7. Узбекистон Республикасининг кишлок хужалиги кооперативлари (ширкатлари) тугрисидаги конуни Тошкент 1998 йил
8. И.А.Каримов «Узбекистон буюк келажак сари» Тошкент –1998 йил
9. Ю.Дадабоев Интеллектуальная собственность Фаргона 2001
10. Ж.Туйчиев А.Хатамов А.Усмонов Кучмас мулкни бахолашда хисобларни бажариш кулланмаси Укитувчи 2000 йил
11. Ю.Дадабоев, З.Жабборова Интелектуальная собственность в Республике Узбекистан Укитувчи 2001
12. Н.Туйчиева, А.Мирхошимов, К.Плахти Кучмас мулкни бахолаш Укитувчи 2000 йил
13. Т.Ахмаджанов, А.Фаттахов, И.Юлдашов Оценна бизнеса ТГЭУ 2002
14. А.Самаукин, А.Шишов Бизнес ва тадбиркорлик Фаргона 2000
15. С.Гуломов Менежмент асослари Шарк 2002
16. Ю.Дадабоев Основу мнеджмента Фаргона 1999
17. С.Гуломов Микроиктисодиёт Шарк 2001
18. Р.Пиндайк Микроиктисодиёт Р.Пиндайк Шарк 2002
19. Д.Тожибоева Иктисодиёт назарияси Укитувчи 2003
20. А.Абдуганиев кишлок хужалик иктисоди Укитувчи 2001
21. Ю.Дадабоев Агро хукуки Фаргона 2002
22. Ю.Дадабоев Экономика АПК Фаргона 2000
23. Н.Тухлиев Узбекистон республикаси иктисодиёти Укитувчи 1998
24. Вахобов ва бошкалар Халкаро молиявий муносабатлар Шарк 2003
25. К.Хназаров Развития межнациональних отношений в независимом Узбекистане Наука 2001 Узбек
26. К.С.Хамдамов «Кишлок хужалик корхоналари фаолиятини ташкил этиш, режалаштириш ва бошкариш» фанидан маърузалар матни. Тошкент 2000 йил
27. С.Усмонов Фермер ва дехкон хужаликлари Укитувчи 2002
28. Н.Туйчиев Минг бир бизнес Укитувчи 2001




www.qmii.uz/e-lib

29. А.Абдуллаев, К.Муфтайдинов, Х.Айбилов Кичик бизнесни бошкариш Укитувчи 2003
30. А.Абдуллаев, Х.Айбилов Бизнесни бошкариш сирлари Андижон 2002
31. Ё.Абдуллаев Ф.Каримов Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари Укитувчи 2000 йил.
32. Журнал «Узбекистоннинг иктисодий ахбротномаси» 1998 йил № 4,5,6
33. Журнал «Узбекистон кишлок хужалиги» 1999 йил № 3,4
34. Кашкадарё вилояти «Истиболни белгилаш ва статистика бошкармаси» нинг маълумотлари 1998-2001 йиллар
35. Лизингдан фойдаланувчилар купаймокда. UzReport.com
36. Тадбиркор – эл-юртга мададкор. UzReport.com
37. “TS Technology” 800 миллион сумлик кимматли когозларни муомалага чикарди. UzReport.com
38. Сельское хозяйство. www.tashkent.uzГsection.htm?content_pathкГ articlesГbusiness_economicsГeconomics (25 Кб)
39. Малуй и средний бизнес. www.tashkent.uzГsection.htm? content_pathкГarticlesГbusiness_economicsГeconomics (25 Кб)
40. Т и Ассоциация Банков Узбекистана. www. tashkent. uzГsection. htm?content_pathкГarticlesГbusiness_economicsГeconomics (25 Кб)
41. Новости НБУ. www.tashkent.uzГsection.htm?content_pathкГ articlesГbusiness_economicsГeconomics (25 Кб)
42. Новое пособие для узбекистанских предпринимателей. UzReport.com
43. Бизнесмену Узбекистана и Германии кооперируются. UzReport.com
44. ПИДС организовувает два форума экономического развития. UzReport.com
45. Ширкат ва фермер хужаликлари экинзорларни ижарага оладилар. UzReport.com
46. Жорий йилда иктисодий ривожланиш 4,5 фоиз. UzReport.com
47. Минюст Узбекистана обнародовало статистические даннуе за I квартал. UzReport.com

## МУНДАРИЖА


| | | |
|---|---|---|
| | **Кириш**------------------------------------------------------------ | **4** |
| | **1-мавзу: Кишлок хужалик корхоналари фаолиятини режалаштириш фанининг мазмуни ва асосии вазифалари**---------------------------------------- - - - - - - - - - - - - - - - -<br>1.1.Бозор иктисодиёти шароитида фаннинг тутган урни ва ахамияти.- - - - - - - - - - - - - -<br>1.2.Фаннинг асосий максади ва мохияти-----------------------------------------<br>1.3.Фаннинг асосий вазифалари ва уни урганиш услублари——————---------<br>1.4.Кишлок хужалиги ишлаб чикаришнинг узига хос хусусиятлари———---------<br>1.5. Кишлок хужалик корхоналари фаолиятини режалаштиришнинг ташкилий вазифалари ------------------------------------------------------------------- | **5**<br>**5**<br>**6**<br>**6**<br>**7**<br><br>**8** |
| | **2-мавзу: Кишлок хужалик корхоналарида ишлаб чикаришни режалаштиришнинг ташкилий - иктисодий асослари**-----------------------------------<br>2.1. Кишлок хужалиги корхоналарида ишлаб чикаришни режалаштириш принциплари ва вазифалари-------------------------------------------------------<br>2.2. Кишлок хужалигида ички хужалик режалари------------------------------------<br>2.3. Кишлок хужалигида жорий режалар-------------------------------------------<br>2.4. Хужаликларда истикбол режалар тузишнинг максади------------------------<br>2.5. Ташкилий-хужалик ва ижтимоий ривожланиш режаси------------------------ | **10**<br><br>**11**<br>**12**<br>**13**<br>**13**<br>**14** |
| | **3 – мавзу: Кишлок хужалиги корхоналарида ички режалаштиришнинг турлари ва уларнинг мазмуни**------------------------------------------------------------------------------<br>3.1.Кишлок хужалиги корхонасида ички хужалик режалаштириш тизими------<br>3.2.Жорий еки йиллик режалар———————————————————----------------<br>3.3.Кишлок хужалиги корхонасда оператив еки иш режалари.——————-------------------<br>3.4.Хужаликнинг истикбол режаларини тузиш.————————————-------------------<br>3.5.Кишлок хужалиги корхоналарида бизнес-режа тузишнинг иктисодий асослари—— | **17**<br>**17**<br>**19**<br>**20**<br>**21**<br>**24** |
| | **4 – Мавзу: Кишлок хужалиги корхоналарида ишлаб чикариш воситаларини режалаштириш ва улардан фойдаланиш**-----------------------------------------------------<br>4.1. Ишлаб чикариш воситалари тушунчаси ва уларнинг таркиби.————-------------------<br>4.2. Ишлаб чикариш воситаларидан фойдаланиш курсаткичлари————-----------------<br>4.3. Ишлаб чикариш воситаларини такрор хосил килиш.——————————-----------<br>4.4 Амортизация фонди ва уни ташкил этиш———————————————-----------<br>4.5. Машиналар системаси ва корхонанинг машина ва ускуналарга булган талабини аниклаш. ————————————————————————------------------------ | **26**<br>**26**<br>**28**<br>**29**<br>**29**<br><br>**30** |





www.qmii.uz/e-lib

| | | |
|---|---|---|
| | **5 – Мавзу: Кишлок хужалигида ердан самарали фойдавланишни режалаштириш-**<br>5.1.Кишлок хужалигида ер ишлаб чикариш воситаси эканлиги, кишлок хужалиги ярокли ерлар тушунчаси.—————————————------------------------<br>5.2.Кишлок хужалиги ярокли ерларни ташкил этиш ва жойлаштириш.——--------------<br>5.3. Ердан фойдаланишни режалаштириш ва экинлар буйича таксимлаш.--------------<br>5.4. Дехкончиликда технологик карталар ва оператив режалар тузиш———<br>5.5. Дехкончилик тармогини режалаштиришда ички хужалик хисобига амал килиш ва унинг ахамияти.————————————————————------------------------------- | **32**<br><br>**32**<br>**33**<br>**34**<br>**35**<br><br>**36** |
| | **6- Мавзу: Экин майдонлари ва кишлок хужалик экинларининг хосилдорлигини режалаштириш**————————————————------------------------------<br>6.1. Дехкончилик имшлаб чикариш режасининг тузилиши——————————-----------------<br>6.2. Экин майдонлари таркибини режалаштириш.——————————————----------------<br>6.3.Дехкончиликда экинпарнинг хосилдорлигини режалаштириш.——————----------------<br>6.4.Дехкончилик махсулотларини етиштиришнинг тахлил килинишидаги вазифалар——<br>6.5.Ердан фойдаланишни режалаштириш ва экинлар буйича таксимлаш------------------ | **37**<br>**38**<br>**38**<br>**39**<br>**40**<br>**40** |
| | **7-Мавзу: Кишлок хужалигида дехкончилик тармогини режалаштириш------------**<br>7.1.Дехкончилик тизими ------------------------------------------------------------<br>7..2.Экин майдонлари структураси ва алмашлаб экиш. ---------------------------------------<br>7.3. Дехкончилик тармогида мехнатни ташкил этишнинг илмий асослари-----------------<br>7.4.Дехкончилик тармогини режалаштиришда ички хужалик хисобига амал килиш ва унинг ахамияти.------------------------------------------------------------------------<br>7.5.Дехкончиликда асосий иш жараёнларини ташкил этиш------------------------------- | **42**<br>**42**<br>**43**<br>**44**<br><br>**44**<br>**45** |
| | **8–Мавзу: Чорвачилик тармоклари фаолиятини режалаштириш------------------**<br>8.1.Чорвачилик тизими хакида тушунча---------------------------------------------<br>8.2. Чорвачилик фермаларида мехнатни ташкил этиш-----------------------------------------<br>8.3. Чорвачилик тармогида технологик карталарнинг ахамияти.--------------------------------<br>8.4. Чорвачилик тармокларини режалаштириш.---------------------------------------------<br>8.5. Чорвачиликда махсулот етиштиришни режалаштириш--------------------------------- | **47**<br>**47**<br>**48**<br>**48**<br>**49**<br>**51** |
| | **9 -Мавзу: Кишлок хужалигида ялпи ва товар махсулот етиштиришни режалаштириш**-----------------------------------------------------------------------------<br>9.1.Кишлок хужалигининг ялпи ва товар махсулоти хакида тушунча-------------<br>9.2.Кишлок хужалигининг ялпи ва товар махсулотини аниклаш услуби-------<br>9.3.Кишлок хужалик ишлаб чикариш дастурини ташкил килиш.---------------------------<br>9.4.Кишлок хужалиги махсулотларини давлат томонидан тайёрланиши---------<br>9.5.Кишлок хужалиги махсулотларини давлат томонидан тайёрланиши ва сотиб | **53**<br>**53**<br>**54**<br>**55**<br>**56**<br><br>**56** |

| | | |
|---|---|---|
| | олинишини режалаштириш ва такомиллаштириш.--- | |
| | **10 – Мавзу: Кишлок хужалигида мехнат ресурсларидан фойдаланишни режалаштириш**---<br>10.1.Мехнат ресурслари хакида тушунча ва уларнинг ахамияти.---<br>10.2.Кишлок хужалигида мехнат ресурсларини режалаштириш ва уларнинг вазифалари.--<br>10.3.Ишчи кучига булган талабни аниклаш---<br>10.4.Хужаликдаги мехнат ресурсларининг таркиби.---<br>10.5.Мехнат ресурсларидан тупик ва бир меъёрда фойдаланиш имкониятлари--- | **57**<br>**58**<br>**58**<br>**59**<br>**61**<br>**63** |
| | **11-Мавзу: Кишлок хужалигида мехнатга хак тулашни режалаштириш**---<br>11.1.Кишлок хужалигида мехнатга хак тулашнинг принциплари ва вазифалари---<br>11.2.Мехнатга хак тулаш шакллари ва тузилиши---<br>11.3. Мехнатга хак тулаш фондини режалаштириш---<br>11.4. Дехкончилик ва чорвачилик ишларида мехнатга хак тулашни режалаштириш.---<br>11.5.Бозор иктисодиёти шароитида мехнатга хак тулашнинг шаклларидан фойдаланишни режалаштириш.--- | **65**<br>**65**<br>**66**<br>**67**<br>**68**<br>**69** |
| | **12-Мавзу: Кишлок хужалик корхонасининг мтпдан фойдаланишни режалаштириш**---<br>12.1. Кишлок хужалик корхоналари фаолиятида машина ва тракторларнинг роли хамда ахамияти.---<br>12.2. Хужалик ичида транспортлардан фойдаланишни тракторларни шартли эталон тракторларга айлантириш.---<br>12.3. Кишлок хужалигида машина ва тракторларга булган талабни аниклаш.---<br>12. 4. Хужаликнинг МТПида техник каров ва жорий ремонтни режалаштириш---<br>12. 5. Нефт махсулотларига булган талабни аниклаш--- | **70**<br>**70**<br>**71**<br>**72**<br>**73**<br>**74** |
| | **13 –Мавзу: Кишлок хужалиги корхоналарида махсулот таннархини режалаштириш**---<br>13.1.Кишлок хужалигида ишлаб чикариш харажатлари тушунчаси.---<br>13.2.Кишлок хужалиги корхоналарида дехкончилик махсулотлари таннархини режалаштириш.---<br>13.3. Махсулот таннархини калькуляция килиш.---<br>13.4. Дехкончилик махсулотлари таннархига таъсир этувчи омиллар.--- | **76**<br>**76**<br>**77**<br>**77**<br>**78**<br>**79** |




www.qmii.uz/e-lib

| | | |
|---|---|---|
| | 13.5. Чорвачилик махсулотлари таннархини режапаштириш.------------------ -------------- | |
| | **14-Мавзу: Кишлок хужалик корхонасининг махсулотларини сотиш буйича шартномалар тузишни режалаштириш**----------------------- ------------------<br>14.1. Шартномалар хакида умумий тушунча.------------------------------------- ----------<br>14. 2. Товарни етказиб бериш шартномаси.------------------------------------- ----------<br>14.3.Кишлок хужалик махсулотларини контрактация шартномасини тузиш.------- ----------<br>14.4. Шартномаларни расмийлаштиришнинг мукобил усуллари.---------------- ----------<br>14.5. Кишлок хужалик махсулотларини контрактация шартномаси асосида сотишни режалаштириш.------------------------------------------------ ------------------ | **80**<br>**81**<br>**81**<br>**82**<br>**83**<br><br>**84** |
| | **15-Мавзу: Кишлок хужалик корхонасида ишлаб чикаришнинг замонавий технологиядан фойдаланишни режалаштириш**-------------------------------------<br>15.1. Замонавий технологиядан фойдаланишнинг ахамияти.------------------ -------------<br>15.2. Замонавий, янги техниканинг иктисодий самарадорлигини аниклаш усуллари.---<br>15.3. Пахтани плёнка остига экиш ёки Андижон технологияси.---------------- --------------<br>15.4. Томчилатиб сугоришда гузага сув бериш ва озиклантириш таркиби.- -------------<br>15.5. Пахтани сугоришни энг фойдали усули------------------------- -------- | **85**<br>**86**<br>**87**<br>**88**<br>**89**<br>**90** |
| | **Кискача изохли лугат**------------------------------------------------- ---------- | **91** |
| | **Фойдаланилган адабиётлар руйхати** ------------------------------------- ---------- | **100** |




www.qmii.uz/e-lib